

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Х.К. Турсунов  
М.К. Мирзаев

# **АРХИТЕКТУРАНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ**

**Ўқув қўлланма**

ТОШКЕНТ – 2002

Муаллифлар: проф. Х.К. Турсунов, доц. М.К. Мирзаев. Архитектуранинг ижтимоий асослари. Ўқув қўлланма (Х.К. Турсунов, М.К. Мирзаев, ТАҚИ. 2002 й - бет).

Ушбу ўқув қўлланмасида архитектуранинг ижтимоий асослари тўғрисида умумий маълумотлар, шаҳарсозлик объектларини – юқори босқичдаги шаҳарсозлик тизимлари, шаҳар ва қишлоқ жойлари, уларнинг элементларини лойихалашнинг ижтимоий асослари тўғрисида тушунча берилган. Ижтимоий тузилмалар ва жараёнлар, уларнинг шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишга таъсири очиқ берилган.

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» кафедраси

Махсус муҳаррир: проф. Латипов Д.В.

Тақризчилар: проф. Муҳамеджанов Қ.Ҳ.  
доц. Адилова Л.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан турдош олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тошкент 2002

## С Ў З Б О Ш И

Архитектура ва шаҳарсозлик ижтимоий эҳтиёжлар ва жараёнларни акс эттириб, атроф-муҳитни шакллантиришда фаол иштирок этадилар. Меъморий лойихалар турар жой ва саноат туманлари, жамоат марказларининг маконий ташкил этиб, куп қиррали шаҳар жараёнлари муҳитини шакллантиради, худудий тизимлар: туман, вилоят, республика микёсида тарҳий таркибни белгилайди.

Республика ҳаётининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитлари бу масалага диққат-эътиборни кучайтиришни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «... Республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, Ўзбекистон ривожланишининг ўтмиши, ҳозир ва келажакга максимал жавоб берувчи» принципиал қатъий йўналишни белгилаб олишни талаб этади\*.

«Архитектуранинг ижтимоий асослари» курси архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги амалий ижтимоий тадқиқотлар моҳиятини ва услубини кўриб чиқади. Ўқув қўлланмада ижтимоий билимлар ва улар билан боғлиқ булган шаҳарсозлик объектларини лойихалаш асослари туғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, лойихаланаётган объектлар характериға мувофиқ, иқтисодий, ижтимоий-географик, экологик, умумдемографик масалаларга катта аҳамият берилган.

Ўқув қўлланманинг мақсади – талабаларни архитектуранинг ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги асослари, шу соҳадаги амалий ижтимоий тадқиқотлар моҳияти ва услублари билан таништиришдир. Курсни меъморий-шаҳарсозлик ечимларини асосларини ишлаб чиқишга қаратиш ижтимоий дастурларни - турли меъморий-шаҳарсозлик фаолиятидаги махсус ва конкрет лойихавий масалалар учун лойихалаш топшириқларини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий тадқиқотларнинг архитектура ва шаҳарсозлик назариясидаги роли аниқланади.

Ўқув қўлланмани ёритиб бериш меъморий лойихалашнинг ижтимоий аспектларини ҳар тамонлама очиб бериш вазибаларига мос келади. Биринчи қисмда шаҳарсозликда ижтимоий билимлар умумий асослари тавсифланади. Лойихалаш ва амалий фаолият соҳасида шаҳарсозликка катта таъсир кўрсатувчи ижтимоий тузилмалар ва жараёнлар туғрисида умумий тушунчалар берилган. Ўқув қўлланманинг иккинчи қисмида турли хил худудий босқичдаги меъморий лойихалашнинг: аҳоли жойлашуви бош тузилмаси ва ту -

---

\*Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели. Т., Ўзбекистон, 1993.

манни режалаштириш, шаҳар ва қишлоқ жойларини лойихалаш, шаҳар элементларини лойихалашнинг ижтимоий асослари кўриб чиқилган.

Ушбу курс ўзининг меъморчилик соҳасида лойихавий ва амалий фаолиятига бевосита таъсир этувчи ижтимоий омилларни ўрганувчи бўлажак архитектор-шаҳарсозларга мўлжалланган.

# Биринчи қисм. МЕЪМОРИЙ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ ТУ/РИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

## I боб. ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР ВА ЖАРАЁНЛАР.

### 1.1 Ижтимоий тузилмалар.

Ижтимоий ҳодисаларни тасвирлаб, ижтимоиёт уни тасвирлашнинг иккита асосий томонига: ижтимоий ҳаёт ва уни ўзгариш шакллари ўзида акс эттирувчи *ижтимоий тузилмалар* ва *ижтимоий жараёнларга* аҳамият беради. Бу ижтимоий тавсифномалардан шаҳарсозликда қандай фойдаланишни кўриб чиқамиз.

*Жамият* одамларни ўзаро таъсирининг тарихий ривожланиши натижасида шаклланади ва ўзини ривожланишининг ҳар бир босқичида сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва маънавий жиҳатдан ташкил этилади. Бу муносабатлар маконий тузилмаларда, жамият шакллантираётган яшаш муҳитининг характерида акс этади. Ижтимоий муносабатлар ва ўзаро боғлиқликлар фазода турлича амалга оширилади, улар аҳоли жойлари турлари эволюцияси ва аҳоли жойлашуви географиясини белгилайди.

Шаҳарсозлик тарихи уни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари ва тавсифномалари билан узвий боғлиқлиги ҳақида гувоҳлик беради. Шаҳарсозлик ижтимоиётининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб бу боғлиқликнинг конкрет шакллари туғрисида тасаввурларнинг шаклланиши, ижтимоий категорияларни маконийга айлантириш моделларини кўриш ҳисобланади. Бундай моделларни кўриш-тарихан ташкил топган аҳоли жойлашуви шакллари таҳлил қилиш ва тушунтириш асоси, шаҳарсозлик соҳасида прогнозлаш асоси ва ниҳоят, шаҳарсозликнинг ижтимоий ривожланиш ва прогнозлаш соҳасидаги йуналишлар билан ҳамкорлиги асосидир.

Аммо, бундай ўзаро боғлиқликни тавсифлашдан олдин, ижтимоий тузилма ва жараёнларни тавсифлашнинг асосий категориялари ҳақида қисқача тўхталамиз.

Жамиятни ташкил этиш, *жамият тузилмалари* одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижаси бўлиб, барча муносабат ва ўзаро боғлиқликнинг кўп қирраларини: ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий тузилиш, синфий таркиб, ижтимоий онг таркиби ва бошқаларни акс эттиради. Шаҳарсозлик ижтимоиёти учун турли хил ижтимоий тузилмалар жамиятни маконий ташкил этишга қандай таъсир этишини билиш зарурдир.

Жамиятни ташкил этиш турли хил ўзаро таъсир асосига: ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бир хил муносабатда, умумий қизиқиши, қадриятлари, ахлоқ қоидалари, умумий фаолият доиралари ва ниҳоят умумий ҳаёт ҳудудига (муҳитига) эга булган ва нисбатан барқарор одамлар бирлиги шаклланишида амалга оширилади. Ижтимоий ташкил этишнинг турли аспекти маконий тузилмаларнинг шаклланишга турлича таъсир этади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий тузилмаларнинг 3 та турини ажратиш мумкин:

- жамият тизимида умумий ҳолат билан ва шунга кўра, кадриятлар тизими ва муомала характерида умумий белгилари билан бирлашган ижтимоий мажмуалар;
- биргаликдаги фаолият буйича бирлашган ижтимоий мажмуалар;
- бир ҳудудда яшаш ва фаолият кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳудудий бирикмалар.

Юқорида тилга олинган ижтимоий тузилмалар бир-бири билан ўзаро кешишиб, устма-уст тушиб, жамиятнинг кўп қаватли ва кўп қиррали ташкилотини шакллантиради.

**Ижтимоий гуруҳлар** – юқорида тилга олинган асослар - ижтимоий курсаткичлар, фаолият тури ва ҳудуд бирлиги бўйича бирлашган одамлар мажмуини билдирувчи умумий тушунчадир. Катта, ўрта ва кичик гуруҳларни ажратиш мумкин. Катта гуруҳларга бутун жамият, мамлакат миқёсидаги синфлар, ижтимоий қатламлар, этник бирликлар (миллатлар, халқлар), ёш гуруҳлари (ёшлар, пенсионерлар) киради. Ўрта гуруҳларни – корхоналар хизматчиларининг ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳудудий бирликлар (локал гуруҳлар) ташкил этади. Кичик гуруҳларга – оила, бирламчи ишлаб чиқариш ячейкаси, мактаб синфи, ноформал гуруҳлар-дўстлик, куни-кўшничилик ва х.к. киради. Кўриш мумкинки, ижтимоий гуруҳлар ҳар хил асосда шаклланади ва умумийликнинг турли хил даражасига эга – гуруҳ аъзоларининг умумий манфаатларидан тортиб то уларнинг узаро бевосита контактларигача ўз ичига олади. Бунда онгли, бирор мақсадни кўзлаб ва табиий-тарихий шаклланадиган гуруҳларни ажратиш мумкин. Биринчилар қаторига биргаликда фаолият кўрсатиш мақсадида тузилган ижтимоий институт ва бошқа формал гуруҳлар киради.

**Ижтимоий институтлар** – маълум бир функцияни бажарувчи шахслар гуруҳи ва бир вақтнинг ўзида тегишли муассасалар мажмуини ва бу функциянинг ташкилий таркибини уз ичига олади. Ижтимоий институтларга мисол булиб: таълим, санъат, саноат, жамоат хизмат курсатиш киради. Булар яна ишлаб чиқариш коллективлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа формал гуруҳларни ўз ичига олади. Ижтимоий институтлар ва формал гуруҳлар олдиндан аниқланган мақсадларга мувофиқ ишлайдилар ва уларни ташкил этишга, жумладан мақоний ташкил этишга аниқ талаблар қўйилади.

Табиийки, шаклланаётган ижтимоий гуруҳларни **жамоалар** деб аташ қабул қилинган. Катта жамоаларга мисол булиб синфлар, халқлар, миллатлар хизмат қилади. Ўрта даражадаги жамоалар - ҳудудий (локал) жамоалар, кичик этник гуруҳлар асосида, кичик жамоалар - ноформал ижтимоий гуруҳлар, шахсий ёктириш ва контактлар асосида шаклланади. Шуни таъкидлаш керакки, формал гуруҳлар ҳам ноформал ички муносабатларга эгалар, бу уларнинг муваффақиятли ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. Бунга меҳнат коллективининг ноформал таркиби мисол бўлиши мумкин, меҳнат унумдорлигини ошириш омили сифатида коллектив аъзоларини умумий мақсадлар билан идентификациялаш хизмат қилади.

Ижтимоий тузилмада бир вақтнинг ўзида ҳам бир қатор жамият аҳамиятидаги вазифаларни бажарувчи ижтимоий институт, ҳам кўп умумий томонла-

рига эга ҳаёт тарзи ва умумий ҳаёт муҳитига эга ижтимоий гуруҳ бўлган **оила** алоҳида ўрин тутати.

Шундай қилиб, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар ва институтлар ижтимоий тузилманинг элементлари бўлиб, у одамларни биргаликдаги фаолияти ёки умумий ҳудудда яшаш бўйича бирлашиши натижасида шаклланади. Бундай бирлашиш ижтимоий тузилманинг муҳитини маконий ташкил этиш характерини белгилайди.

Ижтимоий тузилма (ижтимоий гуруҳ, жамоа ва институтлар) турли элементлари эҳтиёжларида турар жой турларини ажратишда ва уларни шаҳарда жойлашишида, дам олиш ва хизмат кўрсатиш муассасалари турларида, регион ва шаҳар тизимлари ҳудудларини қисмларга ажратишда, аҳоли жойлашуви географиясида амалга ошадиган тафовутлар кўринади.

Шаҳарсозлик нуқтаи назарига кўра **жамиyatни ҳудудий ташкил этиши** таҳлил қилиш муҳим, у ижтимоийнинг алоҳида бўлими - ижтимоий экологияни ташкил этади. Жойнинг умумийлиги одамлар ўзаро ҳаракати маконий хулқини белгилайди, ижтимоий алоқа ва жараёнларнинг ўзига хос томонларини шакллантиради. Бу ҳолда макон «хўжайини»нинг барча сифат комплекслари шаклланади, у уни ташкил этишнинг функционал томонларини таъкидлайди, унда доимий гуруҳ назоратини амалга оширади, макон семантикасида ижтимоий-маданий меъёрлар ва ахлоқ стереотипларини акс эттиради.

Ҳудудий жамоаларни тадқиқ этиш шаҳар ижтимоийётида кўп акс этган ва биринчи навбатда урбанизацияни, шаҳар жамоаларининг ўзига хос томонларини ривожланишини таҳлиliga мансубдир. Турли хил аҳоли жойлари, жумладан шаҳар ва қишлоқлар ижтимоий жамоаларини солиштириш муҳим муаммолардандир.

Шу билан бирга конкрет тизимларни (шаҳар, поселок, аҳоли жойлашуви тумани) таҳлил қилганда салбий тескари алоқалар аниқланиши мумкин, бунда жойнинг (муҳитнинг) шароитлари ижтимоий жараёнларга салбий таъсир этади. Шунга мувофиқ муҳитни меъморий-шаҳарсозлик ўзгартиришни талаб этадиган «муаммоли ҳудудлар» аниқланади.

Ҳудудий жамоалар туғрисида ҳудди ҳаёт фаолияти жойи (муҳити) билан бирлашган ижтимоий гуруҳлар сифатида гапириб, биз, биринчи навбатда **шаҳарсозлик тизимларини** назарда тутамиз. Фақат шаҳарсозлик босқичида бундай «ўзаро ҳудудий» гуруҳлар пайдо бўлади. Шу билан бирга, «субъект-муҳит» муаммоси бино ва иншоотларни лойихалашга ҳам оиддир. Фарқ шундан иборатки, ўзининг вазифаларини иморатларда, комплексларда, шаҳарнинг алоҳида элементларида (куча, майдон) амалга оширадиган ижтимоий гуруҳлар ҳудудий кўрсаткич бўйича эмас, балки биргаликдаги фаолият бўйича шаклланади. Аммо бу барча гуруҳлар ўзининг ҳаракатини маълум бир муҳитда амалга оширадилар ва уни маконий ташкил этиш ҳамда техник таъминлашда конкрет эҳтиёжлар сезадилар. Шунинг учун экологик ёндашувлар нафакат ҳудудий жамоаларда, балки муҳитни ундан фойдаланадиган бошқа истеъмолчиларига, коллектив истеъмолчиларнинг бошқа турларига ҳам таалукдир.

Шундай қилиб, ижтимоий тузилмалар меъморий-шаҳарсозлик лойихалашга икки томонлама таъсир этадилар. Биринчидан, фазовий тузилмалар ва

параметрларда: ердан фойдаланишда, ҳудудий фойдаланиш меъёрларида, иморатлар фойдали майдонларида, шаҳар ободончилигида, функционал элементлар босқичларида ва ўзаро жойлашувида (масалан, хизмат кўрсатиш тармоқларида) акс этган жамиятни ташкил этишни белгилайди. Иккинчидан, ижтимоий субъектнинг турли ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган атроф муҳитни шакллантиришдаги ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини акс эттиради.

### **Қайтариш учун саволлар:**

1. Шаҳарсозликда жамият ҳаётининг қандай асосий ижтимоий тавсифномалардан фойдаланилади?
2. Жамият (ижтимоий муносабатлар) ва у томонидан шакллантириладиган яшаш муҳитининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўзлаб беринг.
3. Сиз жамият тузилмаларининг қандай турларини биласиз?
4. Жамият тузилмаларини тасвирлаш учун қандай асосий тушунчалардан фойдаланилади?
5. Ижтимоий гуруҳ нима?
6. Ижтимоий институтлар нима билан фарқ қилади?
7. Ижтимоий жамоалар қандай тавсифланади?
8. Жамиятни ҳудудий ташкил этиш деганда сиз нимани тушунаси?

### **1.2. Ижтимоий жараёнлар.**

*Ижтимоий жараёнлар* – ижтимоий ҳодисаларни тавсифлашнинг иккинчи томони булиб, у жамият тизимларининг яшаш ва ривожланиши билан тавсифланади.

*Ижтимоий яшаш* – ижтимоий ҳаёт, ҳаёт фаолияти – индивидуал, ижтимоий гуруҳлар, умуман жамият томонидан амалга ошириладиган кўп қиррали ижтимоий ҳаракатлар, жамият аҳамиятидаги ишлар мажмуидан иборатдир. Ижтимоий ҳаракатлар ҳаракат субъекти (инсон, гуруҳ) ва субъект ориентацияси (мақсад, мотив, қадрият) билан ўзаро боғлиқ қолда кўриб чиқилади.

Ижтимоий ҳаракатлар атроф муҳитни ва инсоннинг ўзини мақсадли узгартириш ва кайта ташкил этишга қаратилган булиб, мақсад, воситалар, жараённинг ўзи ва натижаларини ўзи ичига олган онгили ҳаракатларни билдирувчи *фаолият* термини билан белгиланади.

Фаолиятнинг мақсади ва характери уни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, моддий ва маънавий, сермахсул ва репродуктив соҳаларга бўлиниши белгилайди. Фаолият тури керакли ҳаракат шароити ва воситаларини аниқлайди, унга муҳит сифати ва параметрлари, унинг имконият комплекслари (ресурслари) қарайди. Шунинг учун шаҳарсозлик лойихалаш фаолиятни бевоқиф ва фазовий ва ҳудудий ташкил этишни тадқиқ этиш, аҳоли жойлашуви

ҳудудларини ресурс билан таъминланганлиги талаблари билан бевосита боғлиқдир.

Айтилганлар шаҳарсозлик лойихалаш билан бағлиқ энг муҳим ижтимоий категория бўлмиш фаолиятни тадқиқ этиш вазифаларини белгилаб беради. Улар қуйидаги бўлимларни: ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳалари реал шаклларини ва уларни маконий ташкил этиш талабларини; мулоқот таркибини акс эттирувчи коммуникатив фаолият таҳлили ёки бошқачасига айтганда ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнида индивидуал ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро боғлиқлигини; фаолият ва унинг маҳсулотларини тақсимланмиш конуниятларини акс эттирувчи ишлаб чиқариш (умуман ҳаёт фаолияти) «соҳавий» таркибининг таҳлилини ўз ичига олади.

Хар қандай шаҳарсозлик объектини лойихалаш тегишли соҳа ва нисбий катталиқдаги санаб ўтилган тавсифномаларни билишни талаб этади. Шунинг учун фаолият тавсифномалари маконни ташкил этиш масалалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда кейинги бўлимда батафсил кўриб чиқилади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ижтимоий жараёнларни қандай асосий белгилари ажратиб туради?
2. «Ижтимоий яшаш» иборасини сиз қандай тушунасиз?
3. «Фаолият» термини нимани билдиради, уни қандай параметрлар тавсифлайди?
4. Фаолиятни тадқиқ этиш вазифаларини айтиб беринг.



## II боб. ЖАМИЯТ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ТАВСИФИ ШАҲАРСОЗЛИК ЕЧИМЛАРИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.

### 2.1. Фаолиятнинг реал шакллари.

Шаҳарсозлик жараёнларининг ижтимоий мазмуни бўлиб ҳаёт фаолиятини маконий ташкил этиш талабларига мос келувчи моддий-маконий тизимларни шакллантириш хизмат қилади. Ижтимоий тузилмаларни ҳисобга олиш асосан маконда конкрет фаолият жараёнини ташкил этиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, истеъмол ва алмашув соҳаларида **фаолиятнинг реал шакллари** аҳоли жойлашуви ва жойларининг меъморий-маконий тузувчи барча йигинди таркибини белгиловчи муҳим омилларидир. Жамиятни маконий ташкил этишда хал қилувчи момент бўлиб ишлаб чиқариш соҳасидаги **фаолият** ва умуман **меҳнат фаолияти** ҳисобланади.

Аҳоли жойлари ва аҳоли жойларининг тарихий шакллари жамоат қайта ишлаб чиқариш усуллари, реал **меҳнат шакллари ва уни маконий ташкил этишни** ривожланишини бирин-кетин акс эттиради. Бу деҳқончилик цивилизацияларининг дисперс майда аҳоли жойлашуви, у кенг аграр қисмлар билан антик ва ўрта асрлар шаҳарларини қамраб олган эди; индустриализация ва саноат ишлаб чиқариш концентрацияси билан боғлиқ йирик ва энг йирик шаҳарларда аҳолини концентрациялашуви; агломерациялар ва кенг урбанизациялашган туманлар шаклланишининг замонавий тенденциялари – ҳудудий ишлаб чиқариш алоқаларини интенсификациялаш ва табиий муҳитни қайта ишлаб чиқариш ғояларини амалга ошириш каби ўзаро боғлиқ тенденцияларни акс эттиради.

Айтилганлар ишлаб чиқариш жараёнлари ва муносабатларини келажак ривожланишини тадқиқ қилишнинг, ишлаб чиқариш технологияларининг барча яшаш муҳитини маконий ташкил этишга актив таъсир этувчи омиллар сифатида белгилайди. Бу яна муҳимки, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш базаси бир вақтнинг ўзида табиий ландшафтларга босимни оширади. Бизнинг давримизда мана шу экологик томон инсоният ишлаб чиқариш фаолиятини ҳозирги босқичи ривожланишининг энг муҳим тавсифи бўлиб хизмат қилади ва прогноз концепцияларидаги янги «ҳисоб-китоб» ни талаб қилувчи бурилиш пунктини белгилайди. Утган аср техниканинг қудрати ва шунга яраша инсон имкониятларининг чексизлиги тўғрисидаги профессионал шаҳарсозлик тасаввурларини шакллантирди. Концентрлашган ишлаб чиқариш, ўта қувватли энергия манбаъларининг афзаллиги ғоялари XX асрнинг 60 – йилларида келажак шаҳарларни техник супергигантлар сифатида тасаввур этувчи концепцияларини юзага келтирди. Ҳозирда техника ва энергетиканинг имкониятлари камаймаган бўлсада, ҳозирги муаммоларни янгича тушунадиган янги мафкура пайдо бўлди.

У табиатни ва инсонни унинг *ўзи яратган технологиялардан муҳофаза қилиш* мафқураси сифатида шаклланди. Индустриализация ва техник приоритетлар даври урнига инсон тафаккурини экологизациялаш даври келмоқда. Бу ўзгаришлар биринчи навбатда ишлаб чиқариш фаолиятини, ундан кейин эса инсон ҳаёт фаолиятининг барча томонларини ўзгаришида акс этиши лозим.

Шаҳарсозликнинг ривожланиш йуллари бевосита ҳозирги ишлаб чиқариш ривожланиши қандай йулдан боришига боғлиқ. Альтернативаларни тавсифлаш учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин.

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг техникалаштириш ва химиялаштириш, кенг ҳудудларни ихтисослашуви натижасида кишлоқ аҳоли жойлашуви ва аграр ландшафтларнинг янги тури шаклланди. У таркибидаги элементларнинг бир хиллиги, йирик масштаблилиги билан тавсифланади. Бу тенденцияларни акс эттирувчи профессионал позицияларга: кишлоқ аҳоли жойлашувининг урбанизациялашуви, аҳоли жойларининг йириклашуви, аҳоли жойларининг шаҳар типи мисол бўлади.

Прогноз альтернативани ечишни талаб этади: айтилган тенденцияларни давом этиши ва кучайиши ёки орқага қайтиш (янги техник асосда) - дехкончиликни янада муррақаб ва бўлинган таркиби, майда аҳоли жойлашуви, турар жойларни ободонлаштиришнинг махсус қишлоқ тури. Архитекторнинг профессионал вазифаларига бу йўналишлардан бирини танлаш кирмайди, аммо турдош билимлар соҳасидаги бир қатор кўрсаткичлар бўйича иккинчи йўналишни танлаш мумкин. Бу ерда шуни кўрсатиш муҳимки, *ишлаб чиқаришни ривожлантириши йўналишини танлаш аҳоли жойлашувини маконий ташкил этишининг барча томонларида бевосита акс этади* – аҳоли жойи туридан уйнинг туригача.

Ўтган асрлар мобойнида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши асосан ишлаб чиқариш комплексларини йириклашуви ва шунга монанд, истеъмол қилинаётган энергия, сув, чиқиндилар ҳажмининг ошиб бориши йўналишида давом этган. Бугун янада қатъийлик билан чикитсиз технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни концентрациялашувини чеклаш каби муаммолар кўйилмоқда. Нихоят, ишлаб чиқариш катталигини аниқлашда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатдан қониқиш олиш, ижтимоий назорат ва инсонни ишлаб чиқариш билан идентификациялаш каби инсоний омилларнинг ахамияти ошиб бормоқда. Бу барча омиллар ишлаб чиқаришни номарказлаштиришга, асрлар мобайнида шакланган анъана ва тассавурларнинг қзғаришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш фаолияти шакллари ривожланиши билан бир қаторда аҳоли жойлашуви ривожланиши тенденцияларини, аҳоли жойлари ва иншоотлари турларини аниқлашда илм-фан, бошқарув, таълим, информацион ишлаб чиқариш барча соҳаларининг ахамияти катта роль ўйнайди. Улар нафақат бу фаолиятлар соҳасида маконий ташкил этиш, балки шаҳарсозлик объектларини жойлаштириш ва маконий боғланиши каби специфик талабларини белгилайди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаолиятининг реал шакллари аҳоли жойлашуви таркибига, аҳоли жойлари характериға таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Ҳудудни шаҳарсозлик ўзлаштириш даражаси, мамлакат турли туманларида аҳоли жойлашуви интенсивлиги, ҳудудни ўзлаштириш характери-

даги ўзгаришлар, бевосита жамият ҳаёт фаолияти характерининг ўзгаришига яраша ўзгарувчи ҳудудий ишлаб чиқариш ресурсларини баҳолаш билан боғлиқдир.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлиқ маконни ўзлаштиришдаги ўзгаришлар йўналишини умуман белгилай туриб, қуйидаги асосий тенденцияларни санаб ўтиш мумкин:

- меҳнатнинг янги турлари шаклланиши ва бўлиниш темпларининг ошиб бориши, янги ишлаб чиқариш технологиялари муҳитни ташкил этишнинг кўп қирраларини, шаклланган шаҳарсозлик ечимлари стереотипларини доимо қайта кўриб чиқишни белгилайди;
- ҳудудий ишлаб чиқариш ресурсларини ва яшаш муҳити сифатида табиий ресурсларни баҳолашдаги ўзгаришлар;
- ишлаб чиқариш жараёнларини табиий атроф-муҳитга таъсирининг ўсиб бориши инсон ва табиат муносабати муаммосининг глобал характерини, ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва аҳоли жойлашуви жараёнларини тартибга солишга экологик ёндошув лозимлигини белгилайди.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳа таркиби ва техник жихозланганлигидаги ўзгаришлар меҳнатнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Энг муҳим тенденциялар бўлиб: меҳнатни янги турлари пайдо булиши, унинг интеллектуаллашуви, инсон фаолиятидаги ижодий томоннинг ўсиши, янги мутахассисликларнинг пайдо бўлиши хизмат килади.

Шундай қилиб, фаолиятнинг реал шакллари шаҳарсозлик объектларининг таркиби ва уларни функционал ташкил этишга бевосита таъсир этишини кўриб турибсиз.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Фаолиятнинг реал шакллари – меъморий-маконий муҳитни шаклланишини белгиловчи муҳим омиллар сифатида.
2. Меҳнат реал шаклларнинг инсонлар яшаш муҳитини маконий ташкил этишга таъсири нималарда кўринади?
3. Сиз табиатни ва оқибатда инсоннинг ўзини муҳофаза қилиш мафкураси мазмунини қандай тушунасиз?
4. Сиз ишлаб чиқариш ривожланиши йўналишлари ва аҳоли жойлашувини маконий ташкил этиш ўртасидаги алоқаларни нималарда кўрасиз?
5. Маконни (ҳудудни) ўзлаштириш йўналишларидаги қандай ўзгаришларни сиз мамлакат ривожланишидаги янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлайсиз?

### **2.2. Муҳитни маконий ташкил этишда ижтимоий алмашувнинг (мулоқотнинг) роли.**

**Мулоқот** – ижтимоий субъектларнинг (синфлар, гуруҳлар, шахслар) ўзаро алоқа ва ҳаракат жараёнидир. У фаолият, унинг натижалари ва информация алмашувида амалга ошади. Фаолиятни маконий (худудий) бўлиниши алмашувни (мулоқотни) ижтимоий тизимларнинг худудий яхлитлигини таъминловчи систематузувчи омил сифатида белгилайди. Шаҳарсозликда бу – пиёдалар, йўловчилар, юклар, энергия, информация оқимларидир. Улар шаҳар, аҳоли жойлашуви тизими турли функционал элементларининг ўзаро жойлашуви ва алоқалари орқали аниқланади.

Бошқачасига айтганда – **алмашув - фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳоли жойлашуви ва аҳоли жойлари ривожланишида система тузувчи ролни ўйнайди.** Худудий масштабларнинг кенгайиши, алмашувнинг интенсивлашуви бугунги кунда мулоқотнинг глобал жараёнлари туғрисида гапириш имконини беради ва худудий жамоалар босқичларини давлатлараро тизимлардан тортиб шаҳарнинг алоҳида элементларигача кўриб чиқишни талаб қилади. Бу босқичлар қатори турли мазмундаги алоқалар ва уларнинг интенсивлиги билан характерланади; аммо барча босқичларда ягона тамойиллар: коммуникацияларга кетадиган ижтимоий харажатларни иқтисод қилиш мақсадида худудий гуруҳлаш туғрисида гап кетади.

Юқори худудий босқичларда ижтимоий мулоқотнинг асосий мазмуни бўлиб глобал экологик муаммолар, иқтисодий алоқалар, сиёсий муносабатларни ечишда умуминсоний ҳамжихатлик ҳисобланади. Регионал босқичдаги ишлаб чиқариш алоқаларини локализацияси – мамлакат худудини иқтисодий туманларининг асосидир. Бу босқичдаги худудий алоқаларнинг бошқа томони – вилоятлар ва умуман республиканинг маъмурий-сиёсий яхлитлигини таъминлашдир. Регионал аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштириш лойиҳаларида шаҳарсозлик тизимларининг чегараси ва **шаҳарсозлик туманлаштиришининг** асоси бўлиб моддий амалга оширилувчи маконий алоқалар хизмат қилади. Шунинг учун худудни ягона ижтимоий-иқтисодий, маъмурий ва шаҳарсозлик туманлаштиришда экологик алоқаларни ҳисобга олиш масаласини кўйиш керак.

Кейинги босқичда, локал аҳоли жойлашуви тизимлари доирасида агломерациялар ва аҳоли жойлари гуруҳларида – аҳолининг меҳнат ва маданий – маиший мақсадлардаги аҳоли жойлариаро ҳаракатлари анчагина ривожланади. Улар мана шу шаҳарсозлик тизимлари (худудий жамоалар) доирасида алмашувнинг мазмунини, ишлаб чиқариш алмашуви билан бир қаторда, бир қанча меҳнат, маиший ҳаёт, дам олиш, аҳолини ижтимоий-маданий эҳтиёжи билан боғлиқ ноишлаб чиқариш функцияларни унга қушиб тулдирадилар ва мураккаблаштирадилар. Бу тизимлар чегаралари ва уларни маконий ташкил этиш бир томондан ишлаб чиқариш алмашувини ташкил этиш талабларига ва бошқа томондан аҳолини маконий алмашувининг барча эҳтиёжлари йигиндисида бўйсундиладилар.

Одамлар худудий жамоаси шаклланишининг учинчи босқичи бу **шаҳардир.** Бу ерда ҳал қилувчи ролни фаолият алмашуви – аҳолининг кундалик эҳтиёжлари цикли билан белгиланувчи унинг ҳаракатлари ўйнайди. Шаҳар маконини ташкил этишда шаҳар ичидаги ишлаб чиқариш алмашувининг роли катта эмас.

Турар жой комплексларида, жамоат марказларида, меҳнат ва дам олиш қисмларида, ҳар кунги ҳаёт фаолияти жараёнларининг бутун цикли акс этган шаҳардан фарқли ўлароқ, бу циклнинг фақатгина «фрагменти» ташкил этилади. Шундай қилиб, турар жой комплексида аҳолининг кундалик маиший харакатлари амалга ошса, марказда - ривожланган хизмат кўрсатиш билан боғлиқ истеъмол фаолият цикли ва ҳ.к. юз беради. Аммо бу ҳолда ҳам гап маконий алоқалар комплекси билан тавсифланадиган ҳудудий элементларни ажратиш тўғрисида кетаяпти.

Фаолиятнинг реал шакллари тўғрисида гапира туриб, биз ҳар бир фаолият турининг фойдаланадиган ҳудуд ўлчамлари ва характериға бўлган специфик талабларини айтиб ўтгандик. Турли хил ресурсларға (қазилма бойликларға, энергетик ёки сув ресурсларига, унумдор ерларға, хизмат кўрсатиш марказларига ва ҳ.к.) тортила туриб, *фаолият маълум бир даражада ҳудуд бўйича «тақсимланади»*. Бунинг ёрқин ифодаси бўлиб фаолиятнинг йирик шаҳарларда концентрлашувидир. Бунда фаолият турларининг тақсимланиши характерлидир: энг кўп тўпланиш ишлаб чиқаришнинг шундай турлари учун хоски, улар учун йирик шаҳарлар учун характерли бўлган меҳнат ресурслари ва соҳалараро алмашув афзаллигининг ахамияти каттадир; ҳудуднинг табиий ресурсларига йуналтирилган ва махсулот ташишға катта транспорт харажатларини талаб қилувчи ишлаб чиқариш турлари энг тарқоқдир.

*Транспорт* ва *инфраструктура* бошқа элементларининг ривожланиши ишлаб чиқариш концентрацияси ва кооперацияси ҳудудий ўлчамларини кенгайтиради. Маконий жихатдан бу агломерациялар – ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари гуруҳлари доирасида интенсив хўжалик алоқаларининг шаклланишида кўринади. Бу жараён вақт бўйича аҳолининг дам олишини ташкил этиш ва табиий мухитни сақлаш ва қайта тиклаш талаблари учун ишлатиладиган ҳудуд ўлчамларининг ўсиши билан мос келади. Бу шаҳар аҳолиси ҳаёт фаолияти жараёнларини таъминлаш учун керак ҳудудларнинг ўсишиға олиб келади. Бу аҳоли жойлашуви тизимлари доирасида алоқаларнинг интенсивлашуви ва ҳудудларнинг функционал интеграцияси ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичи учун хос бўлган аҳоли жойлашувининг янги шакллари шаклланиши тўғрисида, ишлаб чиқариш концентрацияси эффективлиги нуқтаи назаридан йирик шаҳарларнинг иқтисодий афзалликларига эға бўлган аҳоли жойлари тизимлари ҳақида гапириш имконини беради. Улар бир вақтнинг ўзида экологик мувозанатлашган ва ижтимоий нуқтаи назардан тулақонли аҳоли жойлашуви муаммосини ечишға имкон беради.

*Республиканинг турли шаҳар ва туманлари ривожланишидаги* тенгсизлик бугунги кундаги ижтимоий қайта ишлаш (масалан, иш жойлари, ўқиш, хизмат кўрсатиш шакллари тизимлари) шароитларидаги фарқлар ва улар билан боғлиқ бўлган миграцион жараёнларни белгилайди. Кўриниб турибдики, алоҳида шаҳарлар ва шаҳарлар гуруҳида хизмат кўрсатиш ва информациянинг концентрлашуви бу шаҳарсозлик тизимлари учун ижтимоий истеъмолнинг барча афзалликлари бўлгани ҳолда, жамиятнинг ижтимоий қайта ишлаш муаммоларини ечиб бера олмайди. Мамлакатнинг турли туманлари ва шаҳарларидаги ҳаёт шароитларини тенглаштириши масаласини ечиш кўп жихатдан марказ ва пе-

риферия орасидаги *ижтимоий потенциалдаги* фаркни бартараф қилишга боғлиқ. Бу йўлдаги муҳим масалалардан бири инсонни ривожланиши билан боғлиқ фаолиятлар концентрациясининг эффектив шакллари излаш бўлиб қолади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ижтимоий мулоқот нима, у қандай амалга ошади?
2. Ижтимоий алмашув нима, унинг шаҳарсозлик тизимларини ривожлантиришдаги роли қандай?
3. Сиз ижтимоий мулоқотнинг қандай ҳудудий босқичларини биласиз? Уларни тавсифланг.
4. Фаолиятнинг ҳудуд бўйича «таксимланиши» нинг қандай реал шакллари биласиз? Мисол келтиринг.
5. Ҳудудни инфраструктура билан таъминланганлигининг муҳитни маконий ташкил этишга қандай таъсири бор?
6. Шаҳар ва туманлар ривожланишидаги тенгсизлик нималарга таъсир кўрсади?
7. Ижтимоий потенциалдаги фаркни бартараф қилиш нималарга боғлиқ?

## **Иккинчи қисм. ШАҲАРСОЗЛИК ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ.**

### **III боб. Юқори босқичдаги шаҳарсозлик объектлари.**

#### **3.1. Ўзбекистон ҳудудида бош аҳоли жойлашуви тузилмаси.**

Шаҳарсозлик (ҳудудий) лойиҳалаш ва прогнозлашнинг юқори босқичлари ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва аҳоли жойлашувининг келажак йуналишлари концепциясини ишлаб чиқиш, республика ва иқтисодий туманларда аҳолини жойлаштиришнинг умумий тенденцияларини аниқлаш билан боғлиқ. Бу босқичларга қуйидагилар киради: *Ўзбекистон ҳудудида аҳоли жойлашуви бош тузилмасини* ҳамда субрегионал ва вилоят аҳоли жойлашуви тузилмаларини шакллантириш; вилоят ва туманлар *туманни режаслаштириш тузилма ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш*. Бу босқичларда шаҳарсозлик лойиҳалаш томонидан ечиладиган асосий масалалар Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш концепцияси ва прогнозлари, республика ва вилоятлар хўжалигини узоқ муддатли ривожлантириш дастурлари, республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш дастурлари, табиатни кўриклаш комплекси дастурлари билан боғлиқ.

Ҳудудни шаҳарсозлик ўзлаштириш тенденцияларида ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичида республика турли Ҳисм ва туманларини хўжалик ўзлаштириш нисбатларини ва тегишли аҳоли жойлашуви динамикасини белгиловчи ижтимоий меҳнат тақсмоти қонуни намоён бўлади.

*Макробоскичда шахарсозлик лойиҳалашнинг ривожланиши ижтимоий ва иқтисодий прогнозлашнинг* ҳудудий томонини кучайтириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани комплекс ривожлантириш, экологик масалаларни ечиш масалалари билан боғлиқ. Макробоскич шахарсозлик ечимлари Ўзбекистон халқ хўжаликлигини ва аҳоли жойлашувини ҳудудий ривожланишига лойиҳаолди прогнозлари бўлиб хизмат қилади. Улар бевосита **энг мухим умумиижтимоий масалаларни**: ишлаб чиқаришни мувозанатли ҳудудли ривожланиши, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфраструктуранинг комплекс шаклланиши, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси, ҳудудий кесимдаги жиддий ижтимоий-иқтисодий фарқларни бартараф этиш кабиларни ечиш билан боғлиқ. Шунинг учун макробоскич шахарсозлик ечимларини ижтимоий асослаш республика ижтимоий иқтисодий ривожланишининг энг умумий ва узоқ муддатли концепциялари билан боғлиқдир. Улар сохалараро билимларнинг кенг доирасида ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш келажагини комплекс белгилайди.

Макробоскич аҳоли жойлашуви тизими шаклланишининг узоқ муддатлилиги ва шаклланаётган ҳудудий аҳоли жойлашуви тузилмаларининг, аҳоли жойлари ва коммуникацияларнинг кейинги ижтимоий ривожланиш жараёнига таъсирининг барқарорлиги узоқ муддатли прогнозлар ва жамият ривожланиши гипотезаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Хозирги пайтда қабул қилинган ижтимоий, иқтисодий ва демографик прогнозларнинг 15-20 йилга мулжалланган муддатлари шахарларнинг бош режеларини ишлаб чиқишга мос келади, аммо камида икки марта кўп муддат талаб қиладиган субрегионал ва умумдавлат миқёсларидаги шахарсозлик концепцияларини ишлаб чиқиш учун етарли эмас. Бу қарама-қаршилик қисман **шахарсозлик фаолиятининг ўз доирасида ижтимоий ривожланишининг умумий ғояларини** ишлаб чиқиш орқали баратараф этилади. XX аср шахарсозлик сиёсатида жиддий таъсир кўрсатган бундай ғояларга мисол бўлиб дезурбанизация, «йўлдош - шахарлар» ва шахарнинг беухшов ўсишига барҳам берувчи восита сифатида «посанги шахарлар» концепциялари, шахар агломерацияларининг чизиқли ривожланиши ва бошқа ғоялар хизмат қилади. Макробоскич ижтимоий концепцияларини ишлаб чиқиш умумийлик ва ёндашувларнинг кенглиги, бир вақтнинг ўзида, интуитив даражада тушунчаларнинг субъективлиги билан характерланади.

Шахарсозлик сиёсатида қарорлар қабул қилишнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий прогнозлашнинг энг узоқ муддатли ва кенг дастурига ёндашувларни такомиллаштириш мухим вазифа бўлиб хизмат қилади. Ўзининг вазифалари ва услублари бўйича унга охириги ўн йилликларда шаклланган инсоният ривожланишининг энг умумий муаммоларини ишлаб чиқишга йуналтирилган «глобал моделлаштириш» соҳаси ҳаммадан яқиндир. Бу соҳага ер шари аҳолисининг озиқ овқат билан таъминлаш, ижтимоий тенгсизликни тугатиш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш, урушларнинг олдини олиш каби муаммолар мансубдир. Бундай глобал концепцияларни моделлаштириш шаклланаётган тенденцияларни тадқиқ этиш ва уларни тартиб солувчи норматив дастурларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Тадқиқотларнинг кенг қўлламлилиги ва конструктив ечимларни қабул қилишга йўналтирилганлик бу ёндашувлар ва

Ғояларнинг ўзидан ижтимоий шаҳарсозлик прогнозлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш имконини беради.

Келажак аҳоли жойлашуви концепциялари регионал ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тенгсизликни йўқотиш билан бир қаторда уларнинг хўжалик мустақиллигини ошириш; ресурслар истеъмоли пропорцияларида келажак сурилишларни ва аҳоли жойлашуви географиясида тегишли ўзгаришларни аниқлаш каби муаммолар ечимига асосланади. Аҳоли жойлашуви концепциялари худди шаҳарсозлик ечимларининг умумстратегиясини белгиловчи худудий ривожланишнинг умумлаштирилган моделлари каби шаклланади. Аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланишининг реал жараёнлари ишлаб чиқиладиган концепциялардан анчагина фарқ қилиши мумкин, бунда улардан бирин-кетин конкрет ижтимоий-шаҳарсозлик ечимлари таркиб топади. Ечимларни аниқ прогнозларга йўналтирилганлиги бу ечимларнинг келажак қайта тиклашга кетадиган харажатларни минималлаштиришда ифодаланган узоқ муддатли эффиektivлигини белгилайди. Гап ишлаб чиқаришни, аҳоли жойларини транспорт ва инженерлик тармоқларини, йирик мелиорация дастурларини жойлаштиришнинг *тўғри стратегияси*, шаклланаётган тизимларнинг капиталлиги ва ландшафтни техноген ўзгариши чуқурлиги ҳақида боряпти.

Аниқ прогноз моделларини ишлаб чиқишнинг қийинлиги бугунги кунда аҳоли жойлашувини «эволюцион таркиб топиши» бирин-кетин локал ечимлар ва кичик инвестицияларга йўналтиришга олиб келади. Бундай сиёсатнинг катта бикирлиги ва динамикаси ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий омиллар динамикасини ҳисобга олиш имконини беради. Шаҳарсозлик лойиҳалашда гап регионал тузилмаларнинг амалга ошишини доимо кузатиб туриш ва уларни 5-10 йиллик муддатларда коррективкаси ҳақида кетаяпти. Аммо бундай ёндошув ижтимоий ҳаёт фаолиятини амалга оширишнинг бошқа шаклларида фарқли уларок, кетган харажатлар барча йиғиндиси билан баҳоланувчи аҳоли жойлашувини узоқ муддатли прогнозлашнинг ахамиятини камайтирмайди. *Таркиб топган аҳоли жойлашувининг ижтимоий потенциали*, ва тегишлича, унинг келажак аҳоли жойлашувига таъсири ўзлаштирилган худудларга инвестицияларнинг доимо усиб бориши туфайлигина эмас, балки хўжалик ўзлаштирилган ва аҳоли жойлашуви қисмларининг иқтисодий, ижтимоий, тарихий-маданий, сиёсий, баъзибир шароитларда эса экологик потенциалини қайта ишлаш орқали катта барқарорликка эришиши билан характерланади. Шунинг учун ҳар бир локал шаҳарсозлик ечими яшаш муҳити эволюциясида, аҳоли жойлашуви географиясида барқарор, узоқ таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу ижтимоий – иқтисодий яхлитликнинг динамикаси ҳақидаги тассавурга эса узоқ муддатли глобал моделлаштириш орқали эришиш мумкин бўлади.

Макробоскичдаги мақсадли лойиҳалаш дастурлари ўз ичига ижтимоий - демографик гипотеза, ишлаб чиқаришни ривожлантириш прогнозлари, ижтимоий истеъмом, ишлаб чиқариш алмашуви, бошқарувни ташкил этиш, экологик гипотезаларни олган узоқ муддатли ижтимоий прогнозларга асосланади.

*Ижтимоий – демографик гипотеза* келажак аҳоли сони ва таркиби, аҳолининг умуман республика ва унинг регионлари бўйича табиий ҳаракати, аҳоли миграциясини акс эттиради.



Демографик гипотеза аҳолининг табиий ҳаракати ва миграцион жараёнларнинг таркиб топоётган тенденцияларини тахлили асосида ишлаб чиқилади. Демографик сиёсатнинг умумий мақсадлари бўлиб: демографик ривожланишнинг эҳтиёжаларини таъминлаш, республикада хўжалик юритиш эффективлиги нуқтаи назаридан рационал аҳоли жойлашувига эришиш, аҳоли жойлашуви ва турмуш шароитларида ижтимоий адолатга эришиш, хусусан турли регион ва аҳоли жойлари турлари учун ҳаёт фаолияти шаротларидаги жиддий фарқларни йўқотиш кабилар хизмат қилади.

Макробосқич шаҳарсозлик ечимлари демографик гипотезлар билан икки томонлама боғлангандир. Демографик прогнозлар аҳоли жойлари тизимини, аҳоли жойлариаро алоқаларни, ҳудуддан хўжалик учун фойдаланишни шакллантириш бўйича *ечимлар қабул қилишнинг асосини* ташкил этади. Ўз навбатида, шаҳарсозлик концепциялари демографик сиёсат соҳасида ечимлар қабул қилишга таъсир кўрсатади. Масалан, маълум ижтимоий ва иқтисодий камчиликларга эга бўлган йирик шаҳарлар ўсишини чеклаш вазифалари миграцияларни чеклаш сиёсатини белгилаши мумкин.

Демографик гипотеза аҳолини демографик ва ижтимоий қайта ишлаб чиқариш жараёнларига, ҳудудий соҳада ижтимоий фарқларни тенглаштиришга мақсадли йўналтирилган вазифаларни белгилайди. Бу соҳада шаҳарсозлик ечимлариинг муҳим асослари бўлиб: аҳолининг жинс ва ёш таркибини яхшилаш талаблари (қишлоқ жойларни, кичик шаҳарларни, янги ўзлаштирилган туманларни) – ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфраструктурани мувозанатли ривожлантириш орқали амалга оширилади; тегишли яшаш ва ишлаб чиқариш мухитини шакллантириш орқали қишлоқ мигрантларини шаҳарларга ва иқтисодий ривожланиш туманларига профессионал ва маиший мослашишини таъминлаш; дифференциал шаҳарсозлик меъёрларини ишлаб чиқиш.

Демографик ҳолатни баҳолаш учун аҳоли сони динамикаси (регион, шаҳар, қишлоқ жойлари бўйича), аҳолининг жинс ва ёш таркиби, туғилиш ва ўлиш тенденциялари, миграцион жараёнлар кўрсаткичларидан фойдаланилади, улар босқичлар бўйича ва келажакка ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ривожлантириш прогнозлари ва мақсадли дастурлари макробосқичда шаҳарсозлик режалаштиришни ижтимоий-иқтисодий асослашнинг бошқа бўлимини ташкил этади. Уларда асосан диққат-эътибор регионал ҳудудий ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиришнинг асосини ташкил этувчи регионал ихтисослашган соҳалар ривожланишига қаратилади. Прогнозлар ўз ичига ишлаб чиқаришнинг соҳалар бўйича таркиби ва уларни ҳудудий гуруҳлаш характеристикаларини, ресурсларни ва умумий инвестицияларни машгул аҳоли таркибида тақсимлашнинг туманлараро фарқларини, ҳудудий ресурслардан фойдаланишни, хўжаликни ташкилий таркибини ўз ичига олади. Иқтисодий прогнозлар асоси бўлиб ҳудуд ресурслари тахлили ва баҳоси ҳамда улардан келажакда фойдаланиш истикболларини аниқлаш хизмат қилади. Ресурсларнинг тахлили ва баҳолаш умумий ижтимоий-иқтисодий мақсадларни конкрет регионал тизимлар имкониятлари ва эҳтиёжлари билан солиштириш имконини беради.

Регионал босқичда ижтимоий *истеъмол таркиби* ҳаёт даражаси кўрсаткичларида: аҳоли даромадлари, уй-жой билан таъминланганлик, хизмат кўрсатиш даражаси, таълим, умуман истеъмол таркиби кўриб чиқилади. Бу кўрсаткичлар регионал босқичда ўзининг тархий кўринишига эга эмас (масалан, ишлаб чиқариш - транспорт инфраструктураси каби) ва аҳоли жойлашуви тузилмаларида тегишли кўрилиш ва умумижтимоий харажатлар коэффицентлари сифатида ёки лойihalаш кейинги босқичида конкрет шаҳарсозлик ечимларига талаблар сифатида ҳисобга олинадилар.

Макробосқичдаги ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб *регионнинг экологик ҳолатини режалаштириш* хизмат қилади. Худди шу босқичда ландшафтнинг табиий ва антропоген компонентларининг барқарор мувозанатини реал таъминлаш, ҳудуднинг «экологик каркасини» ташкил этиш мумкин. Ҳозирги вақтда табиатни кўриклаш ва қайта тиклаш режалаштиришнинг юқори босқичларида уларни ҳудудий ташкил этиш ечимларини талаб этувчи халқ хўжалагининг муҳим соҳаси сифатида аҳамият касб этмоқда. Юқори босқичларда туманлаштириш аҳоли жойлашуви тизимлари ва ишлаб чиқариш комплекслари чегараларини табиий комплекслар чегаралари билан мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор беришни, ландшафтларга уларнинг барқарорлиги ва регенератив қобилиятларига кўра чегараланган антропоген босим меъёрларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Регионал аҳоли жойлашувини режалаштириш макробосқичда *бошқаришни ҳудудий ташкил этиш* вазифалари билан боғлиқ. Реал ташкил топаётган иқтисодий туманлаштириш ва шаклланаётган иқтисодий туманлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари ҳамда маъмурий туманлаштириш орасида ҳудудий мувофиқлаштиришни таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Ҳудудни шаҳарсозлик туманлаштириш (лойihalаланаётган туман аҳоли жойлашуви тузилмаларининг чегараларини аниқлаш) уни меъмурий, ижтимоий-иқтисодий ва табиий-экологик туманлаштиришни комплекс ўз ичига олмағи лозим. Регионал босқичда аҳоли жойлашуви тизимларини комплекс ҳудудий ва функционал ташкил этиш республика ягона аҳоли жойлашуви тизимини шакллантиради.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳарсозлик лойihalалашнинг қандай объектлари юқорий ҳудудий босқичларга киради?
2. Юқори босқичларда шаҳарсозлик лойihalалаш томонидан қандай асосий вазифалар ечилади?
3. Макробосқич шаҳарсозлик прогнозлари нима ва улар қандай асосий вазифаларни ечади?
4. Шаҳарсозлик лойihalалашнинг мақсадли дастурлари қандай асосий бўлимларни ўз ичига олади?
5. Шаҳарсозлик объектлари ривожланишининг ижтимоий-демографик гипотезаси нимани акс эттиради?

6. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва прогнозлари нимани билдиради?
7. Регион экологик ҳолатини прогнози қандай вазифаларни ечишни ўз олдига қўяди?
8. Макробоскичда бошқарувни ҳудудий ташкил этиш қандай вазифаларни ечиш билан боғлиқ?

### 3.2. Туманни режалаштириш объектлари.

Туманни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш шаҳарсозлик лойиҳалашнинг юқори босқичларидан масалалар ечишнинг инженерлик характери билан фарқ қилади. Агар аҳоли жойлашувининг Бош ёки регионал тузилмаларида ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашуви ареаллари белгиланса, асосий саноат комплекслари ва аҳоли жойлари ривожланишининг ҳудудлари ва йўналишлари аниқланса, *туманни режалаштириш лойиҳасида эса* барча қурилаётган ҳудудни ўзлаштириш ва қурилиш учун майдонлар танлаш масалалари ечилади.

Бу лойиҳалашнинг мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқишда ва шаҳарсозлик ечимларини баҳолаш мезонларини аниқлашдаги принциплар фарқларни белгилайди. Бу фарқларнинг мазмуни функционал дастурни амалга ошишининг шаҳарсозлик воситаларини кенгайтириш ва конкретлаштиришдадир.

Туманни режалаштириш объектлари учун мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг элементларини қисқача кўриб чиқамиз. Туманни режалаштириш объекти бўлиб вилоят, вилоят ичидаги маъмурий туман ёки туманлар гуруҳи хизмат қилади, улар «лоқал аҳоли жойлашуви тизими» деб таърифланиши мумкин. Лоқал аҳоли жойлашуви тизимларининг ривожланиш дастурларини тузишга асос бўлиб юқори босқичдаги (республика, регионлар) ҳудудий тизимларнинг дастурлари хизмат қилади. Улар икки хил кўрсаткичларда белгиланади: қабул қилинган умумреспублика меъёрларида ва қурилаётган ҳудудда жойлаштирилаётган ихтисос сохаларини белгиланган ривожланиш кўрсаткичларида. Бу кўрсаткичлар асосида, уларни маҳаллий шароитларни детал таҳлил қилиш орқали корректив қилиб, лоқал аҳоли жойлашуви тизимларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- аҳолининг характеристикаси (аҳолининг сони, таркиб ва табиий ҳаракат кўрсаткичлари, миграцион жараёнлар, меҳнат ресурслари таркиби);
- ишлаб чиқариш комплексини ривожлантириш дастури, у ихтисос сохалари билан бир қаторда, саноат ишлаб чиқаришининг бошқа сохаларини ўз ичига олади, (уларни ҳудудий гуруҳлашни мақсадга мувофиқлигини асослаш билан бирга), қишлоқ ва урмон хужалиги сохалари, фан, бошқарув, транспорт ривожланиши;

- аҳолининг турар жой, хизмат кўрсатиш, дам олиш, таълимга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан боғлиқ барча фаолият сохаларини ривожлантириш дастурлари;
- санитар-гигиеник ва ижтимоий-маданий жихатдан қулай яшаш мухитини яратиш дастури;
- табиий комплексларни муҳофаза қилиш ва қайта ишлаш дастури.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида қабул қилинадиган ечимларининг **ижтимоий-иқтисодий эффективлигига** тархий, инженер-қурилиш, иқтисодий, маъмурий ва бошқа тадбирлар комплекси туфайли эришилади. Умумий ижтимоий-иқтисодий эффектга етишишни тархий воситаларининг мазмуни ва ахамиятини аниқлаш муҳимдир. Бу воситаларни ҳаёт фаолияти жараёнларини моддий-мақоний ташкил этишга йўналтирилган шаҳарсозлик лойиҳалаш вазифалари рўёбга чиқаради:

- турли хил фаолият турлари томонидан ҳудудий ресурслар истеъмолини рационал меъёрлаш;
- функцияларни ҳудудда ресурсларнинг жойлашувига қараб жойлаштириш;
- функционал жараёнларни мақоний ташкил этиш ва ўзаро боғлиқлиги;
- ҳудудни инженерлик таъминлаш.

Локал аҳоли жойлашуви тизимлари ривожланиш дастурлари ва уларни амалга оширишнинг шаҳарсозлик шакллари жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланганлик даражасини, ҳаракатдаги ижтимоий приоритетларни акс эттиради. **Локал аҳоли тизимлари ривожланишининг ижтимоий асосларини**, улар ривожланишини ижтимоий ва мақоний тавсифномаларининг ўзаро боғлиқлигини қисқача кўриб чиқамиз.

Аваламбор туманни режалаштириш объекти бўлмиш локал аҳоли жойлашуви тизимлари чегараларининг динамикаси ҳақида савол туғилади. Туманлаштиришда ишлаб чиқаришнинг регионал ихтисослашуви ва маъмурий бошқарув чегаралари ҳал қилувчи роль ўйнайдиган шаҳарсозлик режалаштиришнинг юқори босқичлардан фарқли ўлароқ, туманни режалаштириш объектлари ўзаро таъсир кўрсатувчи шаҳарсозлик элементларининг реал таркиб топаётган тизими сифатида шаклланади. Бир қатор ҳолларда бу чегаралар марказларнинг етарлилик вақти билан аниқланади. Бу тизимлар доирасида: ишлаб чиқариш ва маъмурий алоқалар; аҳолининг меҳнат, маиший ижтимоий-маданий, рекреацион алоқалари; экологик алоқалар (ижтимоий-техник жараёнларинг табиий муҳит билан ўзаро таъсир этувчи ҳудудлар) амалга ошади ва бошқаришни талаб қилади. Бу алоқаларнинг барчасини интенсивлаштириш аҳоли жойлашувининг агломерацион шакллари ҳақида, яқка шаҳарлар ва қишлоқ жойлар ўрнига келаётган аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизимларини мақсадли-йўналтирилган шаклланиши вазифалари ҳақида гапириш имконини беради.

Аҳоли жойлари тизимларининг интеграциялашни ошишининг бошқа сабаби – аҳолини аҳоли жойлариаро миятникли миграциясининг ошишидир. Бу жараён аҳолининг меҳнат қилиш жойларига, хизмат кўрсатиш, таълим, дам олишга бўлган эҳтиёж даражасини ошиши билан ҳамда транспорт ривожлани-

ши билан белгиланадиган аҳолининг маконий ҳаракатчанлигининг ошиши билан боғлиқ.

Худудларни ўзлаштириш ва маълум даражада локал аҳоли жойлашуви тизимлари элементларининг ҳудудий боғлиқлиги интенсивлигининг ошиб бориши бу тизимлар таркибида сифат ўзгаришларига олиб келади. Бу ривожланишнинг босқичлари қўйидаги тавсифномалар билан белгиланиши мумкин:

**Биринчи босқич** – локал аҳоли жойлашуви тизимлари ўзаро кучсиз боғланган аҳоли жойлари тармоғидан иборат, коммуникацияларнинг умумий ҳажмида хўжалик алоқалари устун, ҳудудни хўжалик ўзлаштириш даражаси нисбатан паст. Туманни режалаштириш тузилмаларида асосий диққат эътибор хўжалик ўзлаштиришга ва коммуникациялар тизимини шакллантиришга қаратилади.

**Иккинчи босқич** – аҳоли жойлари гуруҳли тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, у интенсив меҳнат, хўжалик ва маданий-маиший алоқалар билан тавсифланади. Туман ҳудуди хўжалик жихатдан бутунлай ўзлаштирилган, аммо турли қисмлардан хўжалик фойдаланиш эффективлигида нотекистик кузатилади, бу энг «актив» функцияларнинг экспансиясига олиб келади (шаҳарларнинг қишлоқ хўжалик ерлари хисобига ўсиши, охиргиларнинг эса давлат ер фонди хисобига кенгайиши). Бу ҳолда туманни режалаштиришда халқ хўжалиги фаолиятининг ҳар хил турлари учун ҳудуд ресурсларидан фойдаланиш эффективлигини солиштириш, улардан фойдаланишнинг рационал йўналишларини танлаш ва туманни функционал қисмларга ажратиш умумий тузилмасини ишлаб чиқиш лозим.

**Учинчи босқич** – гуруҳли тизимлар тамонидан ҳудудни ўзлаштиришнинг шундай даражасига етиладики, унда ҳудудни хўжалик ўзлаштириш алоҳида турларининг мувозанати кузатилади (шаҳар ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, дам олиш, кўрикхона режимидаги табиий қисмлар), унинг бузилиши хўжалик ривожланишидаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бу босқичда аҳоли жойлашуви туманининг ҳудуд истеъмолини меъёрлашга ва ҳудуд балансини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади. Учинчи босқич яна тизим турли хил функцияларининг интеграциясида сифат сурилиши билан тавсифланади, унинг даражаси шунга олиб келадики, функцияларни маконий жойлаштириш ва коммуникацияларни ташкил этишда умумтуман алоқаларининг нисбий катталиги халқ қилувчи роль ўйнайди. Айтиш мумкинки, бу босқичда аҳоли жойларининг гуруҳли тизими ягона тархий тузилма – аҳоли жойлашуви туманига айланади.

Бу босқичда локал аҳоли жойлашуви тизимини (аҳоли жойлашуви туманини) ташкил этишнинг шаҳарсозлик воситалари шаҳар бош режасини ишлаб чиқиш дастурига ўхшаш бўлиб қолади. Бу босқичда халқ қилуви моментлар бўлиб: ҳудудни ўзлаштириш интенсивлигининг илмий асосланган меъёрларини ва ҳудуд балансини ишлаб чиқиш, турар жой ва ишлаб чиқариш комплекслари ва қисмлари, хизмат кўрсатишни ягона тизими, транспорт, инженер таъминоти ривожланиши бўйича ягона тархий ечимларни ишлаб чиқиш хизмат қилади.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Регионал аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштириш босқичларида ечиладиган масалаларнинг принципиал фарқи нимада?
2. Туманни режалаштириш объектига нималар киради?
3. Локал аҳоли жойлашуви тизими ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий дастури қандай бўлимларни ўз ичига олади?
4. Туманни режалаштиришда ечимларнинг ижтимоий-иқтисодий эффективлиги нималарда кўринади?
5. Туманни режалаштириш соҳасида шаҳарсозлик лойиҳалаш қандай вазифаларни ечишни ўз олдига қўйган?
6. Локал аҳоли жойлашуви тизимларини ривожлантиришнинг қандай ижтимоий асослари мавжуд?
7. Локал аҳоли жойлашуви тизимлари ривожланишининг асосий босқичларини айтиб беринг, уларни тавсифлаб беринг.

## **IV БОБ. ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ.**

### **4.1. Шаҳарни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.**

Шаҳарнинг ижтимоий ва шаҳарсозлик режалаштириш вазифалари ўзаро боғлиқдир. Шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий режалари унинг ижтимоий жараёнларини ривожлантиришнинг илмий асосланган мақсадли дастурларини ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаларини ишлаб чиқишни акс эттиради. Шу муносабат билан шаҳарсозлик режалаштиришга ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг моддий базасини яратишни таъминловчи ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлими сифатида қараш мумкин.

Шаҳар – анча юқори даражадаги аҳоли жойлашуви тизимининг элементи дир. Очiq тизим бўлиб, шаҳар бевосита туман, вилоят, республика босқичлари ижтимоий ҳудудий тизимлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади ва яшайди. Шунинг учун шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий-

иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ва меъморий-шаҳарсозлик лойиҳалаш халқ хўжалигини режалаштиришнинг умумий позициясига таянади ва шаҳарнинг аҳоли жойлашуви тизимидаги ўрнини ҳисобга олади.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш олдиндан ишлаб чиқиладиган шаҳарларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларига асосланади, улар шаҳар ривожланишининг умумий концепциясини белгиловчи махсус хўжжатга – бош режанинг **техник-иқтисодий асослаш** (ТИА) таркибига киритилади. ТИА йирик ва энг йирик шаҳарлар учун ишлаб чиқилади. Унинг йўқлигида шаҳар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий дастурлари бош режада берилади.

Бугунда ишлаб чиқиладиган **шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режалари** меъморий лойиҳалаш йўналтирилган дастурларини такомиллаштириш ва кўшимча асослашнинг имконини беради. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий қайта ишлаб чиқариш фаолияти шароитларини (демографик, касбий, ижтимоий-маданий қайта ишлаб чиқариш функцияларини ўз ичига олувчи) такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурлар сифатида ишлаб чиқилади.

Режанинг биринчи пазияси – демографик прогноз – шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишда муҳим омилдир. Масалан, янги ишлаб чиқариш ҳақидаги масала меҳнатга қобилиятли аҳоли сони ва таркиби билан бевосита боғлиқ. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турар жойлар типологияси ҳам аҳоли демографиясига, оилалар таркибига боғлиқ. Ижтимоий демографик режалаштириш вазифаларини умумий мақсадлар: аҳоли демографиясидаги диспропорцияларни тугатиш; туғилиш, ёшлар, пенсионерлар муаммоларини тартибга солиш; меҳнатга қобилиятли аҳолини рационал бандлигини таъминлаш кабилар белгилайди.

Ижтимоий-демографик прогнозда аҳолининг демографик ва ижтимоий профессионал баланси, соҳа ва юқори ҳудудий босқич режалари меҳнат ресурслари баланси билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Ижтимоий-демографик прогнознинг муҳим бўлими бўлиб аҳолининг ижтимоий-профессионал таркиби хизмат қилади. У шаҳар ўсиши, янги корхоналар қурилиши, шаҳар таъсир соҳасини кенгайтиши жараёнида ўзгаради.

Бунда конкрет шаҳарни лойиҳалаш унинг демографик қайта ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва шароитларини ижтимоий тенглаштиришни таъминлашнинг, катталиги, халқ хўжалиги профили, жойлашув шароитлари, табиий ва шаҳарсозлик бўйича турли хил шаҳарлар орасидаги жиддий фарқларни тугатиш каби умумий вазифаларга асосланади.

Шаҳарни ижтимоий режалаштиришнинг иккинчи бўлими унинг мақсади ва **ишлаб чиқариш ривожланиши** келажагини: хўжаликнинг соҳа таркиби, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечиш, ишлаётган аҳолининг ижтимоий таркибини белгилайди. Бу ҳолда шаҳар аҳолиси иш жойлари тизими билан боғлиқ ҳолда нарсалар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси сифатида қаралади. Шаҳар ижтимоий ривожланиш режасининг бу бўлими шаҳарсозлик ечими, авваламбор, шаҳарташкилий комплекс билан ҳамда ресурсларни профессионал қайта ишлаб чиқаришни шакллантириш билан боғлиқ. Режада шаҳарнинг ишлаб чиқариш функциялари: шаҳар учун ва юқори

босқич халқ хўжалик тизимини ривожлантириш нуқтаи назаридан керак товарлар, хизматлар, информация ишлаб чиқариш аниқланади. Режада шаҳарда яратиладиган ва истеъмол қилинадиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари кўрсаткичларидан: ишлаб чиқаришнинг соҳа нисбатлари; локал, регионал ва умумреспублика миқёсида шаҳарнинг ишлаб чиқариш алоқалари; ишчи кучини қайта ишлаб чиқариш кўрсаткичлари; асосий фондлар таркиби; ишлаб чиқариш эффективлиги кабилардан фойдаланилади.

Шаҳарни ижтимоий ривожланиш режасининг учинчи булими – шаҳар аҳолисининг *ижтимоий-маданий ва маиший истеъмолидир*. (ижтимоий қайта ишлаб чиқариш режаси). Унда турар жой қурилиши, коммунал-маиший хизмат курсатиш муассалари тармогини шакллантириш, ижтимоий-маданий истеъмол, шаҳар жамоат транспортини ташкил этиш каби дастурлари келтирилади. Режанинг бу булимида аҳоли барча истеъмол объектлари билан узаро боғлиқ ҳолда нарса ва хизматлар истеъмолчиси сифатида олдинга чиқади. Бу ерда шаҳарсоз аҳоли яшовчи комплекслари, маданий-маиший хизмат курсатиш муассасалари тармоқлари, жамоат марказлари, шаҳарнинг дам олиш қисмлари, жамоат транспорти, бутун ижтимоий инфраструктура кабиларни ечиш учун асосга эга булади.

Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА ўз ичига *экологик масалаларни* ҳам олади. Шаҳарликларнинг қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари шаҳар муҳити аҳволига: хаво, сув, тупроқларнинг ифлосланганлигига, шовқин, вибрация, радиация даражасига, кўкаламзорлаштириш шароитларига боғлиқ. Айниқса режалаштиришнинг бу бўлими йирик ва энг йирик шаҳарлар учун долзарбдир. Ривожланиш режаси орқали шаҳарсозлик тадбирларини амалга оширишнинг йўллари ва темплари: шаҳар қурилишига капитал маблағлар хажми, ерларни ўзлаштириш навбати, қурилиш базаси кабилар аниқланади.

Ижтимоий режада шаҳар ривожланишининг *мақсадли чекланишлари*: аҳоли сони, ҳудудлар, саноат ривожланиши акс этади. Бу позициялар шунингдек бош режада ҳам акс этадилар. Чекланишлар бир қатор ҳолларда анча юқори босқичдаги (республика, регион) ҳудудий тизимлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари билан боғлиқ. Бундай чекланишлар учун асос бўлиб табиий муҳитини сақлаш масалалари, регион иқтисодиётини пропорционал ривожлантириш талаблари ва бошқа омиллар хизмат қилади.

Шундай қилиб, шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий режаси шаҳарсозлик лойиҳалаш мақсадларини белгилашга имкон берувчи зарур ижтимоий кўрсаткичлар доирасини қамраб олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳарни ривожлантиришининг ижтимоий ва шаҳарсозлик режаларининг қандай алоқаси бор?
2. Шаҳар ривожланишининг техник иқтисодий асослаш (ТИА) нима?



3. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси қандай асосий позициялардан иборат?
4. Шаҳарни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда демографик прогнознинг роли нимадан иборат?
5. Шаҳарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш прогнози нималарни ўз ичига олади?
6. Шаҳарнинг ижтимоий-маданий ва маиший истеъмоли прогнозини ишлаб чиқиш қандай мақсадларни кўзлайди?
7. Шаҳарнинг ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА қандай экологик масалаларни ўз ичига олади?
8. Шаҳар ривожланишининг мақсадли чекланишлари нималарда билинади?

#### **4.2. Қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.**

Қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қишлоқ аҳоли жойлари шаклланишининг *меморий-тархий муаммолари* турли микёс босқичларида ташкил этиладиган мураккаб объектга мансуб бўлиб, функциялари ва маконий тавсифномалари ҳар хил ҳудудлардан иборатдир. Шунинг учун бу бўлимда биз қишлоқ аҳоли жойлашуви, қишлоқ жойларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш комплекслари ва қишлоқ ландшафтларини маконий ташкил этиш, қурилмаларга талабларни бирлаштирдик. Қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалашнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларига комплекс ёндошув бир қатор турдош фанлар далилларини жалб этишни талаб этади.

**Қишлоқ ижтимоиёти** – *ижтимоиётнинг энг қадимги сохаларидан биридир.* У этнографиядан ўсиб чиқди, бу унинг муаммолари бирламчи йўналишини белгилаб берди. Бугун у қишлоқ хўжалигини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ривожланган соҳадир; демография, шунингдек қишлоқ аҳолисининг миграцияси; меҳнат ресурслари, шунингдек кадрлар кўнимсизлиги, мавсумий бандлик муаммолари; хизмат кўрсатиш соҳаси; ёшлар муаммолари; этник ва миллий хусусиятлар; қишлоқ ва шаҳар алоқалари, шунингдек меҳнат миграциялари, субурбанизация; шаҳар яқинидаги қишлоқ жойларда бандлик таркибининг ўзгариши; қишлоқда меҳнат ва қўшничилик жамоалари муаммолари, ҳаёт тарзи хусусиятлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигини юқори даражада ривожланган ва эффе́ктив секторга айлантириш масалалари ҳамда турмуш даражасидаги, **шаҳар ва қишлоқ орасидаги жиддий фарқларни** йўқотиш қишлоқда юз бераётган ўзгаришлар, жумладан қишлоқ қурилиши ривожланишидаги умумий йўналишларни белгилайди. Қишлоқ хўжалигининг бир қатор сохаларини индустриал асосга ўтказиш, агротехниканинг илмий тизимларини, интенсив технологияларни татбиқ этиш, агросаноат интеграциясини кучайиши қишлоқ хўжалик туманларини ва қишлоқ

аҳоли жойларини шакллантиришнинг янги йўлларини белгилайди. Бир вақтнинг ўзида қуйидаги омиллар: қишлоқ хўжалигида турли укладларнинг тасдиқланиши, хўжаликларнинг катталиги бўйича – катта умумлашгандан кичик оилавий, фермерликкача бўлиниши кабилар катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий таркиби ва техник ривожланиши келажагини тадқиқ қилиш, шунингдек меҳнат, маиший ҳаёт, маданият каби ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар қишлоқ муаммоларини меъморий-тархий ечимларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

**Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби** ердан фойдаланиш эффективлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий фондалардан рационал фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги учун меҳнат ресурсларини ишлаб чиқишга актив таъсир этади.

Қишлоқ аҳоли жойлашувининг ижтимоий инфраструктурасини ривожланиши йўллари, уй-жой қурилиши характери ва ривожланиш даражаси, маданий маиший хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши, транспортни рационал ташкил этиш қишлоқ аҳолиси ҳаётига ва мос равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини меҳнат ресурслари билан таъминланганликни характерловчи миграция жараёнларига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қурилиши соҳасида меъморий-шаҳарсозлик ечимларининг ижтимоий-иқтисодий асосланганлигининг ахамиятини белгилайди.

**Қишлоқ аҳоли жойлари** энг кўп сонли аҳоли жойлари гуруҳини ташкил этади. Қишлоқ жойларнинг асоси булиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бир қаторда урмон хўжалиги, балиқчилик, қазиб чиқариш саноатининг айрим турлари, қисқа ва узок дам олиш ва туризмни ташкил этиш, аҳолига курорт хизмати кўрсатиш, транспорт коммуникацияларига хизмат кўрсатиш; табиий ландшафтлар культивацияси ва муҳофазаси кабилар хизмат қилади. Қишлоқ жойларни етакчи хўжалик функцияси бўйича гуруҳларга бирлаштириш қабул қилинган: қишлоқ хўжалик, ноқишлоқхўжалик ва агросаноат гуруҳлари. Биринчи гуруҳ аҳоли жойларида аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги меҳнати билан, иккинчисида фаолиятнинг бошқа ҳудуд бўйича тарқоқ турлари билан машғул. Агросаноат поселкасида қишлоқ хўжалиги ва саноат биргаликда келади, бунда биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник хизмат кўрсатиш мисол бўла олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Қишлоқ жой ижтимоийёти ўрганадиган масалалар доирасига нималар киряди?
2. Қишлоқ муаммолари меъморий-тархий ечимларининг асосини нималар ташкил этади?
3. Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби қишлоқ жой ривожланиш хусусиятларига қандай таъсир кўрсатади?
4. Қишлоқ жойлар ривожланишининг асоси нима?

Қишлоқ жойларнинг қандай асосий гуруҳларини биласиз? Уларни тавсифланган.

#### **IV БОБ. ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ.**

##### **4.1. Шаҳарни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.**

Шаҳарнинг ижтимоий ва шаҳарсозлик режалаштириш вазифалари ўзаро боғлиқдир. Шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий режалари унинг ижтимоий жараёнларини ривожлантиришнинг илмий асосланган мақсадли дастурларини ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаларини ишлаб чиқишни ақс эттиради. Шу муносабат билан шаҳарсозлик режалаштиришга ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг моддий базасини яратишни таъминловчи ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлими сифатида қараш мумкин.

Шаҳар – анча юқори даражадаги аҳоли жойлашуви тизимининг элементи дир. Очiq тизим бўлиб, шаҳар бевосита туман, вилоят, республика босқичлари ижтимоий ҳудудий тизимлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади ва яшайди. Шунинг учун шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ва меъморий-шаҳарсозлик лойиҳалаш ҳалқ хўжалигини режалаштиришнинг умумий позициясига таянади ва шаҳарнинг аҳоли жойлашуви тизимидаги ўрнини ҳисобга олади.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш олдиндан ишлаб чиқиладиган шаҳарларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларига асосланади, улар шаҳар ривожланишининг умумий концепциясини белгиловчи махсус хўжжатга – бош режанинг *техник-иқтисодий асослаш* (ТИА) таркибига киритилади. ТИА йирик ва энг йирик шаҳарлар учун ишлаб чиқилади. Унинг йўқлигида шаҳар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий дастурлари бош режада берилади.

Бугунда ишлаб чиқилаётган *шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режалари* меъморий лойиҳалаш йўналтирилган дастурларини такоминлаштириш ва қўшимча асослашнинг имконини беради. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий қайта ишлаб чиқариш фаолияти шароитларини (демографик, касбий, ижтимоий-маданий қайта ишлаб чиқариш функцияларини ўз ичига олувчи) такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурлар сифатида ишлаб чиқилади.

Режанинг биринчи пазицияси – демографик прогноз – шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишда муҳим омилдир. Масалан, янги ишлаб чиқариш ҳақидаги масала меҳнатга қобилятли аҳоли сони ва таркиби билан бевосита боғлиқ. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турар жойлар типологияси ҳам аҳоли демографиясига, оилалар таркибига боғлиқ. Ижтимоий демографик режалаштириш вазифаларини умумий мақсадлар: аҳоли демографиясидаги диспропорцияларни тугатиш; туғилиш, ёшлар, пенсионерлар муаммоларини тартибга солиш; меҳнатга қобилятли аҳолини рационал бандлигини таъминлаш каби-лар белгилайди.

Ижтимоий-демографик прогнозда аҳолининг демографик ва ижтимоий профессионал баланси, соҳа ва юқори ҳудудий босқич режалари меҳнат ресурслари баланси билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Ижтимоий-демографик прогнознинг муҳим бўлими бўлиб аҳолининг ижтимоий-профессионал таркиби хизмат қилади. У шаҳар ўсиши, янги корхоналар қурилиши, шаҳар таъсир соҳасини кенгайтиши жараёнида ўзгаради.

Бунда конкрет шаҳарни лойиҳалаш унинг демографик қайта ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва шароитларини ижтимоий тенглаштиришни таъминлашнинг, катталиги, халқ хўжалиги профили, жойлашув шароитлари, табиий ва шаҳарсозлик бўйича турли хил шаҳарлар орасидаги жиддий фарқларни тугатиш каби умумий вазифаларга асосланади.

Шаҳарни ижтимоий режалаштиришнинг иккинчи бўлими унинг мақсади ва **ишлаб чиқариш ривожланиши** келажагини: хўжаликнинг соҳа таркиби, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечиш, ишлаётган аҳолининг ижтимоий таркибини белгилайди. Бу ҳолда шаҳар аҳолиси иш жойлари тизими билан боғлиқ ҳолда нарсалар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси сифатида қаралади. Шаҳар ижтимоий ривожланиш режасининг бу бўлими шаҳарсозлик ечими, авваламбор, шаҳарташкилий комплекс билан ҳамда ресурсларни профессионал қайта ишлаб чиқаришни шакллантириш билан боғлиқ. Режада шаҳарнинг ишлаб чиқариш функциялари: шаҳар учун ва юқори босқич халқ хўжалик тизимини ривожлантириш нуқтаи назаридан керак товарлар, хизматлар, информация ишлаб чиқариш аниқланади. Режада шаҳарда яратиладиган ва истеъмол қилинадиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари кўрсаткичларидан: ишлаб чиқаришнинг соҳа нисбатлари; локал, регионал ва умумреспублика миқёсида шаҳарнинг ишлаб чиқариш алоқалари; ишчи кучини қайта ишлаб чиқариш кўрсаткичлари; асосий фондлар таркиби; ишлаб чиқариш эффективлиги кабилардан фойдаланилади.

Шаҳарни ижтимоий ривожланиш режасининг учинчи бўлими – шаҳар аҳолисининг **ижтимоий-маданий ва маиший истеъмолидир**. (ижтимоий қайта ишлаб чиқариш режаси). Унда турар жой қурилиши, коммунал-маиший хизмат курсатиш муассалари тармогини шакллантириш, ижтимоий-маданий истеъмол, шаҳар жамоат транспортини ташкил этиш каби дастурлари келтирилади. Режанинг бу бўлимида аҳоли барча истеъмол объектлари билан узаро боғлиқ ҳолда нарса ва хизматлар истеъмолчиси сифатида олдинга чиқади. Бу ерда шаҳарсоз аҳоли яшовчи комплекслари, маданий-маиший хизмат курсатиш муассасалари тармоқлари, жамоат марказлари, шаҳарнинг дам олиш қисмлари, жамоат транспорти, бутун ижтимоий инфраструктура кабиларни ечиш учун асосга эга бўлади.

Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА ўз ичига **экологик масалаларни** ҳам олади. Шаҳарликларнинг қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари шаҳар муҳити аҳволига: ҳаво, сув, тупроқларнинг ифлосланганлигига, шовқин, вибрация, радиация даражасига, кўкаламзорлаштириш шароитларига боғлиқ. Айниқса режалаштиришнинг бу бўлими йирик ва энг йирик шаҳарлар учун долзарбдир. Ривожланиш режаси орқали шаҳарсозлик тадбирларини амалга оширишнинг йўллари ва темплари: шаҳар қурилишига капитал

маблаглар хажми, ерларни ўзлаштириш навбати, қурилиш базаси кабилар аниқланади.

Ижтимоий режада шаҳар ривожланишининг **мақсадли чекланишлари**: аҳоли сони, ҳудудлар, саноат ривожланиши акс этади. Бу позициялар шунингдек бош режада ҳам акс этадилар. Чекланишлар бир қатор ҳолларда анча юқори босқичдаги (республика, регион) ҳудудий тизимлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари билан боғлиқ. Бундай чекланишлар учун асос бўлиб табиий мухитини сақлаш масалалари, регион иқтисодиётини пропорционал ривожлантириш талаблари ва бошқа омиллар хизмат қилади.

Шундай қилиб, шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий режаси шаҳарсозлик лойиҳалаш мақсадларини белгилашга имкон берувчи зарур ижтимоий кўрсаткичлар доирасини қамраб олади.

### Такрорлаш учун саволлар:

9. Шаҳарни ривожлантиришининг ижтимоий ва шаҳарсозлик режаларининг қандай алоқаси бор?
10. Шаҳар ривожланишининг техник иқтисодий асослаш (ТИА) нима?
11. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси қандай асосий позициялардан иборат?
12. Шаҳарни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда демографик прогнознинг роли нимадан иборат?
13. Шаҳарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш прогнози нималарни ўз ичига олади?
14. Шаҳарнинг ижтимоий-маданий ва маиший истеъмоли прогнозини ишлаб чиқиш қандай мақсадларни кўзлайди?
15. Шаҳарнинг ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА қандай экологик масалаларни ўз ичига олади?
16. Шаҳар ривожланишининг мақсадли чекланишлари нималарда билинади?

### 4.2. Қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.

Қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қишлоқ аҳоли жойлари шаклланишининг **меморий-тархий муаммолари** турли микёс босқичларида ташкил этиладиган мураккаб объектга мансуб бўлиб, функциялари ва маконий тавсифномалари ҳар хил ҳудудлардан иборатдир. Шунинг учун бу бўлимда биз қишлоқ аҳоли жойлашуви, қишлоқ жойларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш комплекслари ва қишлоқ ландшафтларини маконий ташкил этиш, қурилмаларга талабларни бирлаштирдик. Қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалашнинг иқтисодий ва ижти-

мой асосларига комплекс ёндошув бир қатор турдош фанлар далилларини жалб этишни талаб этади.

**Қишлоқ ижтимоиёти** – *ижтимоиётнинг энг қадимги сохаларидан биридир.* У этнографиядан ўсиб чиқди, бу унинг муаммолари бирламчи йўналишини белгилаб берди. Бугун у қишлоқ хўжалигини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ривожаланган сохадир; демография, шунингдек қишлоқ аҳолисининг миграцияси; меҳнат ресурслари, шунингдек кадрлар кўнимсизлиги, мавсумий бандлик муаммолари; хизмат кўрсатиш сохаси; ёшлар муаммолари; этник ва миллий хусусиятлар; қишлоқ ва шаҳар алоқалари, шунингдек меҳнат миграциялари, субурбанизация; шаҳар яқинидаги қишлоқ жойларда бандлик таркибининг ўзгариши; қишлоқда меҳнат ва қўшничилик жамоалари муаммолари, ҳаёт тарзи хусусиятлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигини юқори даражада ривожланган ва эффектив секторга айлантириш масалалари ҳамда турмуш даражасидаги, **шаҳар ва қишлоқ орасидаги жиддий фарқларни** йўқотиш қишлоқда юз бераётган ўзгаришлар, жумладан қишлоқ қурилиши ривожланишидаги умумий йўналишларни белгилайди. Қишлоқ хўжалигининг бир қатор сохаларини индустриал асосга ўтказиш, агротехниканинг илмий тизимларини, интенсив технологияларни татбиқ этиш, агросаноат интеграциясини кучайиши қишлоқ хўжалик туманларини ва қишлоқ аҳоли жойларини шакллантиришнинг янги йўллари белгилайди. Бир вақтнинг ўзида қуйидаги омиллар: қишлоқ хўжалигида турли укладларнинг тасдиқланиши, хўжаликларнинг катталиги бўйича – катта умумлашгандан кичик оилавий, фермерликкача бўлиниши кабилар катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий таркиби ва техник ривожланиши келажагини тадқиқ қилиш, шунингдек меҳнат, маиший ҳаёт, маданият каби ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар қишлоқ муаммоларини меъморий-тархий ечимларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

**Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби** ердан фойдаланиш эффективлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий фондалардан рационал фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги учун меҳнат ресурсларини ишлаб чиқишга актив таъсир этади.

Қишлоқ аҳоли жойлашувининг ижтимоий инфраструктурасини ривожланиши йўллари, уй-жой қурилиши характери ва ривожланиш даражаси, маданий маиший хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши, транспортни рационал ташкил этиш қишлоқ аҳолиси ҳаётига ва мос равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини меҳнат ресурслари билан таъминланганликни характерловчи миграция жараёнларига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қурилиши сохасида меъморий-шаҳарсозлик ечимларининг ижтимоий-иқтисодий асосланганлигининг ахамиятини белгилайди.

**Қишлоқ аҳоли жойлари** энг кўп сонли аҳоли жойлари гуруҳини ташкил этади. Қишлоқ жойларнинг асоси булиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бир қаторда урмон хўжалиги, балиқчилик, қазиб чиқариш саноатининг айрим турлари, қисқа ва узоқ дам олиш ва туризмни ташкил этиш, аҳолига курорт хизмати кўрсатиш, транспорт коммуникацияларига хизмат кўрсатиш; табиий ландшафтлар культивацияси ва муҳофазаси кабилар хизмат қилади. Қишлоқ

жойларни етакчи хўжалик функцияси бўйича гуруҳларга бирлаштириш қабул қилинган: қишлоқ хўжалик, ноқишлоқхўжалик ва агросаноат гуруҳлари. Биринчи гуруҳ аҳоли жойларида аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги меҳнати билан, иккинчисида фаолиятнинг бошқа ҳудуд бўйича тарқоқ турлари билан машғул. Агросаноат поселкасида қишлоқ хўжалиги ва саноат биргаликда келади, бунда биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник хизмат кўрсатиш мисол бўла олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

5. Қишлоқ жой ижтимоиёти ўрганадиган масалалар доирасига нималар киряди?
6. Қишлоқ муаммолари меъморий-тархий ечимларининг асосини нималар ташкил этади?
7. Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби қишлоқ жой ривожланиш хусусиятларига қандай таъсир кўрсатади?
8. Қишлоқ жойлар ривожланишининг асоси нима?

Қишлоқ жойларнинг қандай асосий гуруҳларини биласиз? Уларни тавсифланган.

## **V БОБ. ШАҲАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ.**

### **5.1. Турар жой мухити.**

**Шаҳар** аҳоли ҳаёт фаолиятининг яхлит мухити сифатида турли функционал-маконий элементлар: турар-жой (турар жой мухити), маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш комплекслари (ишлаб чиқариш мухити), дам олиш қисмлари кабилардан шаклланади. Элементларга бўлиш асосида ҳаёт фаолиятини соҳа таркиби бўйича ташкил этишга мос келувчи функционал кўрсаткич ётади. Ишлаб чиқариш, турар жой комплекслари, жамоат марказлари ҳудудий шаҳарсозлик тизимлари шаклланишининг ҳамма босқичларида шаҳарсозлик объектларининг элементлари бўлиб хизмат қилади. Бу бобда шу элементларни лойиқалашнинг ижтимоий асосларини кўриб чиқамиз.

**Турар жой (турар жой мухити)** тушунчаси аҳолининг шахсий истеъмоли билан боғлиқ меъморий шаҳарсозлик объектлари бутун комплексини ўз ичига олади. **Турар жой мухити қуйидаги асосий компонентлардан:** турар жойни (бу сўзнинг тор маъносида) билдирувчи турар жой ячейкалари (квартира ва уйлар); маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизими; аҳолининг рекреацион ва коммунал-маиший эҳтиёжларини кондирувчи ташки турар жой ҳудудларидан **шаклланади**.

Аҳолининг маиший ҳаёт ва дам олиш асосий жараёнларини моддий-маконий ташкил этиш вазифаларини еча туриб, турар жой аҳоли турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун турар жой мухитининг сифати унинг функционал-тархий, гигиеник, техник ва эстетик тавсифномаларида акс этиб, ижтимоий эффективлик (фойдалилик) мезони бўйича баҳоланиши мум-

кин. Турар жойларни баҳолаш дастури бевосита ҳаёт жараёнларини, аҳолининг кўп қиррали эҳтиёжларини таъминлаш, шахсни шакллантириш каби мақсадли йўналтирилган вазифалар билан белгиланади.

**Турар жой мухити** специфик вазифалар ва лойиҳалаш дастурига эга турли хил иерархик босқичларда ташкил этилади. Турар жойни шаклланишининг умумий мақсади аҳоли маиший ҳаёти ва дам олиш жараёнларини эффектив маконий ташкил этиш деб белгиланиши мумкин. Турар жойни лойиҳалашнинг учта асосий, мазмунан фарқ қилувчи босқичини кўрсатиш мумкин. **Биринчиси – турар жой ячейкасини лойиҳалаш.** Бу босқичда лойиҳалашнинг ижтимоий асоси – индивид, оила, маиший коллектив ҳаёт фаолияти жараёнларидир. Турар жой ячейкаси – минимал яхлит турар тузилмаси, турар жой мухитининг асосий элементи.

Иккинчи босқич – турли даражадаги **турар жой комплексларни лойиҳалаш**: турар жой гуруҳи, кичик туман, турар жой туманини. Бу босқичдаги шаҳарсозлик лойиҳасининг ижтимоий мазмуни кўрилатган ҳудудда яшовчи аҳоли амалга оширадиган маиший жараёнлар, дам олиш, хизматлардан фойдаланиш характери билан белгиланади. Баъзибир чеклашлар билан бу босқичга кўп квартиралар уйларни, уй-комплексларни ҳам киритиш лозим. Бу босқич лойиҳасида кўриб чиқиладиган ҳудудда маиший ҳаёт жараёнлари ва дам олишни маконий ташкил этиш вазифалари ҳудудни рационал қисмларга бўлиш ва турар жой мухитининг керакли элементлари: турар жойлар, хизма кўрсатиш муассасалари, дам олиш, спорт, коммунал вазифали майдончалар, коммуникацияларни жойлаштириш орқали хал этилади. Лойиҳалашнинг муҳим вазифаси лойиҳаланаётган комплекс аҳолисининг демографик таркибига мос келувчи турар жой ячейкалари ва уй жойлар турлари номенклатурасини белгилашдир. Бу босқичда шаҳар меҳнат аҳоли яшайдиган туманлари ва умуман шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисмини шакллантириш вазифасини алоҳида ажратиш лозим. Уларни лойиҳалашганда аҳолининг меҳнат алоқаларининг таҳлили ва маконий ташкил этиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Лойиҳалашнинг учинчи босқичи – локал ва регионал аҳоли жойлашуви, умуман республиканинг **турар жой қурилиши дастурини шакллантиришдир.** Бу босқич олдингисидан шу билан фарқ қиладики, унинг вазифасига конкрет турар жой ҳудудларини тархий ташкил этиш кирмайди, балки турар жой билан таъминланиш меъёрларини, типологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилгандир. Улар вақтинча яшаб турган аҳоли таркиби, демографик ҳолат таҳлили, жумладан турлари ҳамда табиий шарт-шароитлар, маданият, хўжалик таркибининг регионал ва миллий хусусиятлари асосида белгиланади. Турар жойни лойиҳалашнинг барча босқичларида аҳолининг маиший ҳаёт ва дам олиш соҳаларидаги фаолиятининг ижтимоий дастури маконий амалга ошади. Дастур ҳар хил фаолият турлари тавсифномаларини, уларнинг вақт ва маконда ўзаро алоқаларини белгилайди. Ижтимоий дастурни ишлаб чиқиш меъёрий ва қидирув прогнозлари кўринишида амалга оширилади. Биринчиси маиший жараёнларни ташкил этишнинг мақсадли моделлари бўлса, иккинчиси – замонавий тенденцияларни экстраполяциялаш ва уларни умумижтимоий жараёнлар таъсирида ривожланишини таҳлили асосида ишлаб чиқарилган моделлардир.



Улар ишлаб чиқиладиган прогнозларнинг керакли таркибий қисми бўлиб, мулжалланган дастурларнинг ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

**Турар жойни лойиҳалашнинг ижтимоий дастури** ижтимоий субъект - турар жой истеъмолчисини олдиндан аниқлашни талаб қилади. Турар жой ячейкаси учун бу, аввало, индивид. Мехмонхона, ётоқхона пансионатларда вақтинча яшаб турган ҳолларда эса бу – таркиб ва катталиги жиҳатидан ҳар хил бўлган, турли даражада уюшган ва функционал ҳамжиҳатликдаги вақтли ижтимоий гуруҳлардир. Кўп квартирали уйнинг, турар жой комплексининг аҳолиси «қўшничилик» деб номланган ҳудудий бирликни ташкил қилади. Қўшничилик коллективининг ҳамжиҳатлик даражаси турлича бўлиши мумкин ва маданий меъёр ва стереотипларга ҳамда аҳоли жойларининг характериға боғлиқдир. Қўшничиликни тушунишнинг шаҳар ва қишлоқда, шарқий «махалла» ва европа кварталидаги фари ана шунда. Турар жой лойиҳалашнинг ижтимоий асослари уй-жой истеъмолчисини ва авваламбор хулқ-атвори турлича ҳар хил оила турларини аниқлаш ва таърифлаш билан боғлиқдир. Лойиҳалашнинг шаҳарсозлик параметрларини асослаш куйидагиларни уз ичига олади:

- турар жойда амалга ошадиган жараёнлар классификацияси;
- турар жойда амалга ошадиган ижтимоий жараёнларни муҳитнинг маконий тавсифи: меъморий-шаҳарсозлик ечимлар параметрларига таъсир этувчи фаолиятлар параметрлари буйича узаро алоқа тавсифномаларини аниқлаш;
- маиший жараёнларни турар жойнинг бош «истеъмолчиси» булган оиланинг ижтимоий-демографик тавсифномаларга боғликлигини белгилаш;
- турар жой номенклатурасини, туман, шаҳар, вилоят, республика уй жой фондини тақсимлаш нисбатларини ишлаб чиқиш мақсадида оилалар типологиясини ва демографик статистикасини ўрганиш;
- маиший жараёнлар ва турар жойлар таркибига таъсир кўрсатувчи: маданиятнинг миллий ва регионал хусусиятларини, аҳоли жойлашувининг табиий ва шаҳарсозлик шароитлари каби омилларини аниқлаш;
- турар жойни лойиҳалаш ижтимоий дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларини белгилаш.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳар элементлари функционал-маконий таркибида турар жой муҳити нималардан иборат?
2. Турар жой муҳитини шакллантирувчи асосий компонентларни айтиб беринг. Уларни тавсифланг.
3. Турар жой муҳитини ташкил этишнинг қандай иерархик босқичларини биласиз?
4. Турар жойни ташкил этишнинг биринчи босқичи нима, уни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари нималардан иборат?
5. Турар жой муҳитини лойиҳалашнинг иккинчи босқичи нималари билан фарқ қилади?

6. Турар жой мухитини лойиҳалашнинг учинчи босқичи қандай вазифаларни ечишни кўзда тутлади?
7. Турар жойни лойиҳалашнинг ижтимоий дастури нималардан иборат?
8. Турар жой мухитини лойиҳалашнинг шаҳарсозлик параметрларини асослаш нималарни ўз ичига олади?

## **5.2. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими.**

**Жамоат хизмат кўрсатиш** – истеъмолнинг ижтимоий шакллари маданий-маконий ташкил этишни таъминловчи шаҳар мухитининг муҳим элементи. Шаҳарларни ижтимоий ривожлантиришга комплекс ёндошув вазифалари хизмат кўрсатишни ташкил этиш масалаларига, одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга уларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратиб беруви соҳа сифатида алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалалари бугунги кунда мустақил, лойиҳалашнинг нисбатан тор соҳасидан ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлимига, инсон ҳаёт фаолиятининг қулай мухитини шакллантирувчига айланади.

**Маданий-маиший хизмат кўрсатишни маконий ташкил этиш** масалалари шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босқичларида: турар жой ва ишлаб чиқариш комплексларини детал режалаштириш лойиҳаларида, шаҳарлар бош режаларида, туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳал этилади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг хизмат кўрсатиш муассалари типологиясини ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Турар жойларни лойиҳалашдек, бу ерда вазифалар иерархияси ҳақида гап кетаяпти: алоҳида биноларни лойиҳалашдан ривожланган ҳудудий хизмат кўрсатиш тизимларини шакллантиришгача. Хизмат кўрсатиш тармоқлари яхлит шаҳарсозлик тузилмалари подсистемаларидан бирини ташкил этади.

**Хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари** (савдо-сотик, умумий овқатланиш, таълим, медицина хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.) ижтимоий ривожланишнинг керакли ташкил этувчиларидир. Бу соҳаларни ташкил этиш миқёси ва характерини халқ хўжалигининг умумий манфаатлари белгилайди. Шу билан бирга ҳар бир соҳа ўзининг оптимал ташкил этиш, аҳоли жойлашуви тизимида жойлашиш, бошқа соҳалар билан кооперация бўйича мезон ва талабларга эга. Умум-ижтимоий ва соҳа вазифалари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли ижтимоий дастурларини тузишда аҳолининг эҳтиёжлари ва баҳолари муҳим роль ўйнайди. Бу уч хил турли ёндошувларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда келиштирмоқ ечимларнинг умумий эффективлигини таъминлайди ҳамда эҳтиёж ва хизмат кўрсатишни тартибга солиш сиёсати йўналишини белгилайди.

Умуман, **барча хизмат кўрсатиш соҳаси** мурракаб босқичли тизимни ташкил этади, унинг қуйи босқичини алоҳида муассаса ва корхоналар, ўрта босқичини – ҳудудий ва соҳа тизимлари, юқори бугинини – умумдавлат истеъмол тизими шакллантиради.

Режалаштириш ва прогнозилашнинг бошлангич асоси бўлиб мавжуд хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш кўрсаткичлари: хизмат кўрсатиш сохалари томонидан келажакда корректив қилинадиган турли хил звенолари термаси ва миқдорли нисбатлари хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш тизимини сохалараро режалаштириш асосан аҳоли жойи даражасида, бундан пастрок даражада эса локал аҳоли жойлашуви босқичида амалга оширилади. Вазифа хизмат кўрсатиш сохасини ташкил этишни ижтимоий режалаштириш ва шаҳарсозлик лойиҳалашни максимал ўзаро алоқасига эришишидан иборатдир.

**Жамоат хизмат кўрсатиш тизими**, ижтимоий истеъмолнинг анчагина қисмини ташкил этиб, ҳаёт фаолиятининг, ҳаёт даражасини баҳолашнинг барча томонлари билан боғлиқ. Яъни, маданий бойликлар ва хизматлар истеъмоли даражаси, савдо-сотик, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан узвий боғланган; инфорацион фаолият кўп жихатидан таълим таркиби, ижтимоий-маданий истеъмол билан боғлиқ; «психологик мувозанат» шароитлари дам олиш, медицина хизмати кўрсатиш ва бошқа сохаларда шаклланади; хизмат кўрсатиш муассасаларининг мулоқот шароитларини шакллантиришдаги роли каттадир.

Хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишни прогнолаш ва режалаштириш учун **вақтни тақсимлаш прогнози** катта аҳамиятга эга. Ҳаёт фаолиятини тавсифловчи универсал кўрсаткич була туриб, вақтдан фойдаланиш кўрсаткичи истеъмол меъёрини объектив тавсифлайди. Вақтни баҳолашнинг кўп қиррали томонлари унинг ёрдамида хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишга асос булган бир қатор ижтимоий омилларни тавсифлаш имконини беради. Жараёнларнинг даврийлиги ҳақидаги кўрсаткичлар хизмат кўрсатишни кундалик, даврий ва эпизодик хилларга ажратиш ҳамда уни шаҳар ва аҳоли жойлашуви тизимида жойлаштириш муаммоларини ечиш имконини беради. Жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш хизмат кўрсатиш марказларида турли истеъмол функцияларини жойлаштириш учун асос бўлиши мумкин.

Ижтимоий-маданий истеъмол муассасаларини ривожлантириш **муассасалар таркибининг аҳолининг турли гуруҳларига хизмат кўрсатиш эҳтиёжларига мос келишини** таъминлаш вазифалари ҳамда истеъмол шакллларини кенг танлашга шароит яратиш билан боғлиқ. Бу соҳа келажакда хар хил таълим даражаси, турли касб ва меҳнат турлари, турли ёш гуруҳларига, турли оилаларга қарашли аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг эҳтиёжини ўрганишни, ҳамда бу кўрсаткичларни хизмат кўрсатишни у ёки бу соҳасининг умумий келажакдаги кўрсаткичлари билан солиштиришни талаб қилади.

**Шаҳарнинг улчамлари** хизмат кўрсатишни ташкил этишга бир қатор жиддий талабларни қўяди. Улар хизмат кўрсатиш муассасалари номенклатурасига, уларнинг жойлашуви ва гуруҳлануви, ҳисоблашнинг баъзи масасаларга тегишлидир. Хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги энг муҳим моментлардан бири кўриб чиқилаётган шаҳарни аҳоли жойлашуви тизимидаги ролдир. Шаҳарнинг аҳоли жойлари тизимида етакчилиги сифатидаги аҳамияти хизмат кўрсатиш муассасаларини ҳисоблаш меъёрларини унга тортилувчи аҳолини ҳисобга олган ҳолда оширишни белгилайди.

Йирик агломерацияларда йўлдош ролини бажарувчи шаҳарлар марказий шаҳар билан маданий-маиший алоқалар билан боғланганлар. Бу ерда хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишда тескари сурат намоён бўлади: нисбатан анча паст хизмат кўрсатиш меъёрлари, марказга тортилиш, бир қатор шаўарлар учун кейинги ихтисослашиш тенденциси ва ҳ.к. Нисбатан мустақил шаҳарларгина ўрта меъерий тавсифномаларга кўпроқ мос келадилар, уларда хизмат кўрсатиш тизими туманда хизмат кўрсатишни ташкил этишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этилади.

Конкрет шаҳарсозлик объекти учун **хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш дастури** хизмат кўрсатиш муассасалари турлари номенклатура-расида, хизмат кўрсатилаётган аҳолига тегишли ҳисоб кўрсаткичларида, муассасаларни кооперациялаш ва ҳудудий гуруҳлаш бўйича умумий тавсияларда ифодаланади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг асосий бўлими бўлиб муассасаларни жойлаштириш ва жамоат марказларини маконий ташкил этиш хизмат қилади. Айни шу жойда умумий функционал - типологик ва сон параметрлари келтирилган тизимни маконий оптималлаштириш масаласи ҳал этилади.

**Оптимизациялаш тамойили** – минимал транспорт харажатларида хизмат кўрсатишни концентралашдан олиндиган эффе́ктни таъминлашдир. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг бошқа бўлимларидагидек, бу ерда маконни, ма-софаларни иқтисод қилиш тамойили иш кўрсатади. Хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш моделларини минимал транспорт харажатларида максимал иқтисодий эффе́кт олишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жойлаштириш моделлари билан бевосита аналогиясини кўриш мумкин. Фарқ шундаки, хизмат кўрсатишни жойлаштиришда оптимал ҳолат бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар истеъмол билан белгиланади.

Шаҳарсозлик назарияси ва амалиёти хизмат кўрсатиш тизимларини ташкил этишнинг бир қатор маконий моделларни ишлаб чиқди. **«Босқичли» хизмат кўрсатиш концепцияси** энг куп тарқалди. У аҳолининг кундалик, даврий ва эпизодик эҳтиёжларига ва яшаш жойидан тегишли хизмат кўрсатиш муассасаларигача бўлган чегаравий етарлилик радиусларини меъёрлашга асосланади.

Бу ечимнинг алтернативаси сифатида **«коммуникатив»** хизмат кўрсатиш тизими таклиф этилади, унда шаҳар хизмат кўрсатиш тизимини уй жойга яқин булган **кундалик** ва шаҳарнинг аҳоли яшовчи элементлари бўйича ажратилмаган ва коммуникацияларга яқинлаштирилган **умумшаҳар** марказлар турларига бўлинади.

Жамоат хизмат кўрсатиши функциялари ривожланишининг ўсиб бораётган динамикаси марказнинг узоқ фаолият даврини, унинг «маънавий барқарорлигини» таъминлаш каби комплекс муаммоларни ечишни талаб қилади. Марказни ташкил этишнинг бикирлик, динамиклик вазифалари **марказ функциялари ривожланиши прогнозини** ишлаб чиқиш, унинг аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқасини, марказга туташувчи транспорт коммуникациялари ва шаҳарнинг бошқа қисмларини ривожланишини ишлаб чиқишни талаб қилади. Умумшаҳар ахамиятидаги марказлар энг куп функционал мобиллиги билан характерланади. Жамоат хизмат кўрсатишнинг ривожланиш келажagini билиш марказ бикирлигини таъминловчи шаҳарсозлик усуллари тугрисида гапириш

имконини беради. Бу худуддан фойдаланишда ўзгаришларни таъминлови тархий резервларга ва иншоотлардан фойдаланишдаги трансформация билан боғлиқ бўлган функционал – конструктив резервларга тегишлидир. Охир оқибат ечим бугунги кундаги резервлар билан боғлиқ харажатлар ҳамда кутилаётган эффеќтни солиштиришга бориб таќалади.

Тураp жой тумани марказининг ўзгаришларга йўликиш даражаси кам, бунинг устига у маълум даражада шаҳарнинг, шаҳарга талпинувчи аҳолининг ўсиши, умумшаҳр қисмларга бўлинишидаги ўзгаришлар, умумшаҳар коммуникацияларининг ривожланиши каби «ташқи» омиллар таъсиридан ажратилган бўлиши лозим. Тураp жой туманини ва унинг таркибида хизмат кўрсатиш марказларини ажратиш вазифалари тураp жой комплексларининг барқарор ишлаш шароитларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Тураp жой тумани марказининг ривожланиш динамикаси масалалари биринчи навбатда хизмат кўрсатишнинг таркиби ва сон кўрсаткичларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳарнинг ижтимоий ривожланиш аспектида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг роли қандай?
2. Маданий-маиший хизмат кўрсатишни маконий ташкил этиш қандай шаҳар-созлик босқичларини ўз ичига олади?
3. Жамоат хизмат кўрсатиш тизими билан боғлиқ аҳоли турмуш даражасини баҳолашнинг асосий томонлари хақида сўзлаб беринг.
4. Хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишда ваќт таќсимотининг роли қандай?
5. Аҳолининг турли гуруҳлари хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этишга ва таркибига қандай таъсир кўрсатади?
6. Шаҳар ўлчамларининг хизмат кўрсатиш муассасалари номенклатурасига таъсири хақида сўзлаб беринг.
7. Тегишли муассасалар, хизмат кўрсатиш меъёрлари ва таркибини шаҳарнинг аҳоли жойлашуви тизимидаги ролига қандай боғлиқлиги бор?
8. Хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишнинг қандай турларини биласиз, уларнинг хусусиятлари нимадан иборат?
9. Тураp жой тумани жамоат марказининг шаҳар жамоат марказидан фарқи, ўзига хослиги нималардан иборат?
10. Умумшаҳар маркази функцияларини ривожлантириш прогнози нима учун керак?
11. Тураp жой тумани марказини ривожлантириш динамикаси нима билан боғлиқ?

### **5.3. Дам олиш ғисмлари ва комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.**

Дам олиш муассасалари ва жойларини маконий ташкил этиш босқичлар иерархиясидан иборат бўлиб, уларни ташкил этиш шаҳарсозлик-лойиҳалаш ишлари босқичлари ва даражалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Рекреацион тизимларнинг **бош ва регионал тузилмалари босқичида** дам олишнинг ҳар хил турлари ва шаклларида умумий эҳтиёжлар аниқланади, дам олиш муассасалари ва ҳудудларини ҳисоблаш меъёрлари ишлаб чиқилади; рекреацион оқимлар, жумладан дам олувчилар, туристлар, курортчилар прогнозлари ишлаб чиқилади; умумреспублика ва регионал аҳамиятдаги рекреацион марказ ва қисмлар, уларнинг функционал типологияси ва сизими, регионл курорт-рекреацион тизимларнинг умумий таркиби аниқланади.

**Туманни режаслаштириш тузилма ва лойиҳаларида** қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, курорт даволаниши, туризм туманларини ривожланиш концепцияси ва тархий таркиби ишлаб чиқилади; ҳисоб кўрсаткичлари, муассасалар ва ҳудудлар типологияси аниқланади. Бунда лойиҳаланаётган тархий туман аҳолисининг дам олишга бўлган эҳтиёжи ва дам олувчи ҳамда туристларнинг ташки оқимлари комплекс ҳисобга олинади.

**Аҳоли жойлари бош режалари босқичида** аҳоли жойида ёки махсус рекреацион қисмларда ташкил этиладиган ихтисослашган дам олиш, туризм ёки курорт дам олиш қисмлари, тархий ечимлари ишлаб чиқилади.

Рекреацион қисм ва объектлар барча шаҳар ва аҳоли жойлашуви туманларида, аҳолининг дам олишга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда, шаклланади. Шу билан бирга баъзи аҳоли жойлари ва ҳудудлар учун халқ хўжалигида курорт-рекреацион функцияси етакчи роль ўйнайди. Рекреацион функциялар қимматли ва ўлкан курортологик, рекреацион ва туристик ресурслар асосида амалга ошади. Ҳудудни камраб олиш бўйича қуйидаги рекреацион тузилмаларни ажратиш мумкин:

**регионал босқичдаги курорт-рекреацион тизими** – хўжалик ривожланишида курорт рекреацион функция етакчи ўйналиш бўлган республика, вилоят ҳудудининг бир қисми (масалан, Наманган вилоятининг курорт туманлари, Тошкент вилояти Белдерсой дам олиш қисми);

**курорт-рекреацион тумани** – ўзаро боғлиқ даволаш-соғломлаштириш комплекслари, рекреацион хизмат кўрсатиш билан боғлиқ аҳоли жойлари, дам олиш учун мулжалланган табиий ҳудудлардан иборат бир ёки бир неча маъмурий туман миқёсидаги ҳудудий тузилма;

**курорт шаҳри ёки посёлкаси, туристик марказ-шаҳар** – даволаш, дам олиш ёки туризм функцияси шаҳар ташкилий комплексда етакчи урин эгаллаган аҳоли жойлари;

**курорт комплекси** (дам олиш, туризм комплекси) – курорт-соғломлаштириш муассасалари гуруҳи, улар мустақил бирлик бўлиши ёки шаҳар қурилмаларига қўшилиши мумкин.

Рекреацион фаолият таркиби ва дам олиш ҳудудлари ва комплексларини ташкил этишни тавсифловчи асосий параметрлар бўлиб: дам олиш вақтининг умумий давомийлиги, рекреацион фаолият турлари ва шакллари таркиби каби-лар хизмат қилади. Шу кўрсаткичлар бўйича дам олишни қуйидаги турларга:

қисқа вақтли (хафталик) ва узоқ муддатли; дам олишнинг ўзи, курорт даволаш ва туризм кабиларга бўлинади.

Айтилган дам олиш турларининг хар бири: махсус туманларда, регионал ва умумреспублика ахамиятидаги дам олиш махсус туманларида, қисмларида ва аҳоли жойлари-марказларида; шаҳар яқинидаги қисмларда; шаҳарнинг ўзида жойлашади. Шундай қилиб, **ҳудудий-рекреацион тизим** босқичли ўзаро бўйсунган элементлар: шаҳар ва посёлкалар, аҳоли жойлашуви туманлари ва регионлардаги рекреацион муассасалар, комплекслар, дам олиш қисмлари ва туманлари йиғиндисидан иборатдир. Рекреацион тизим дам олиш, курорт ва туризм марказларининг ўзини, ҳамда дам олувчиларга хўжалик хизмат кўрсатувчи кадрлар яшайдиган марказларини ўз ичига олади.

Курорт - рекреацион тизимларни **лойиҳалаш учун асос** бўлиб аҳолини дам олиш ва даволашнинг турли шаклларига эҳтиёжини, аҳоли турли ижтимоий-демографик гуруҳларининг турли регионаларнинг специфик эҳтиёжларини ҳамда дам олиш жойлари билан таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларни билиш хизмат қилади.

Энг долзарб вазифа - табиий мухитни кўриклаш вазифаларини ечиш билан бирга рекреацион ресурсларда рационал фойдаланишдан иборат.

Инсоннинг ижтимоий ва рухий кучларини қайта тиклашнинг асосий йўлларида бири – дам олиш кунларидаги **қисқа муддатли дам олишдир**. Дам олишнинг турли хилларига тугри келадиган йиллик вақт бюджетининг 60% га яқини хафталик дам олиш билан боғлиқ. Қисқа муддатли дам олиш шаҳар кўкаламзор ҳудудларида (боғлар, парклар ва бульварлар) ва шаҳар яқинидаги паркларда амалга оширилади. Шаҳар парклари етарлилик имтиёзига эгадир, аммо ҳудудларининг чекланганлиги туфайли дам олишнинг керакли шакллари ярата олмайди.

Шаҳар яқинидаги қисмда қисқа ва узоқ муддатли дам олиш ҳудудий жиҳатдан мос тушади. Масалан, ёз даврида узоқ муддатли дам олиш қисмлари (дам олиш базалари, ёшлар лагерлари) ҳамда табиий ҳудудлар бир вақтнинг ўзида қисқа муддатли дам олувчиларнинг тупланиш жойи бўлиб хизмат қилади.

**Аҳолини дам олишнинг хар хил турларига бўлган эҳтиёжи** унинг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат режими, аҳоли жойлашуви шароитларига боғлиқ. Масалан, узлуксиз режимли ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлган шаҳарларда хафта давомида дам олиш кунларининг сурилувчи графиги мавжуд бўлиб, рекреацион босимининг нотекислиги текисланади ҳамда дам олиш муассасалари ва ҳудудларига бўлган бир вақтнинг ўзидаги эҳтиёж камаяди.

Дам олиш қисмларига бир вақтнинг ўзидаги босим ва умумий қатновнинг кўрсаткичлари уларнинг лойиҳавий сигимини (хажмини) аниқлашга асос бўлади. Бунда ландшафтни унинг рекреацион босимларга барқарорлиги билан аниқланадиган табиий сигими, шаҳарсозлик тадбирлари билан: режалаштириш, ободонлаштириш, ҳудудни инженерлик тайёрлаш ва жихозлаш ҳамда ландшафтга интенсив қараш орқали амалга оширилиши мумкин.

Оммовий дам олиш шакллари ривожлантириш ва кенгайтириш шу соҳадаги ижтимоий асослаш ва шаҳарсозлик ечимларини ишлаб чиқишнинг умумий йўналишини белгилайди:

аҳолининг ижтимоий-демографик таркибини акс эттирувчи дам олишга бўлган кўп қиррали эҳтиёжларини, дам олиш муассасалари ва ҳудудлари типологияси ва ҳисоб-китоб меъёрларини ишлаб чиқишдаги меҳнат ва регионал хусусиятларини ҳисобга олиш кераклиги;

дам олиш муассасалри турлари ва сигимини мавсум талаблари ва циклик мослигини рекреацион ресурслардан фойдаланиш умумий эффективлиги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш (шу жумладан дам олувчиларга хизмат кўрсатишда машгул бўлган меҳнат ресурслари), шу мақсадда турар жойлар ва хизмат кўрсатишнинг мобил шаклларида анча кенгрок фойдаланиш;

шаҳар, шаҳар яқинидаги, регионал ва умумреспублика дам олиш тизимининг функцияларини рационал тақсимлаш ва уларни ўзаро ҳудудий таъсири билан комплекс ривожлантириш;

дам олиш ҳудудларини тархий ечимлар ва инвестицияланиши бўйича рекреацион босимлар фарқи ва табиий ландшафтларни муҳофазалаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ажратиш.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Бош ва регионал рекреацион тизимларни ривожлантириш тузилмалари босқичларида қандай асосий вазифалар ечилади?
2. Туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳалари босқичларида дам олишни ташкил этишнинг қандай вазифалари кўриб чиқилади?
3. Аҳоли жойлари бош режаларида дам олишни ташкил этишнинг қандай масалалари кўриб чиқилади?
4. Рекреацион тизимларнинг турлари қандай аниқланади? Уларнинг асосийларини тавсифлаб беринг.
5. Рекреацион фаолиятнинг таркибини белгиловчи асосий параметрларни тавсифланг.
6. Ҳудудий-рекреацион тизимлар нима?
7. Курорт-рекреацион тизимларни лойиҳалаш учун нима асос бўлади?
8. Қисқа муддатли дам олиш деганда нимани тушунасан?
9. Аҳолининг ҳар хил дам олиш турларига эҳтиёжи нималарга боғлиқ?
10. Оммавий дам олиш шакллари ривожлантириш соҳасида ижтимоий асослаш ва шаҳарсозлик ечимларини ишлаб чиқиш бўйича умумий йўналишни нима белгилайди?

### **5.4. Ишлаб чиқариш объектлари.**



**Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш** – шаҳарсозлик ижтимоийетининг махсус кенгайтирилган ҳолда кўриб чиқишни талаб қилдиган катта бўлиmdir. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш ва транспорт, саноат соҳаларининг характери ва маконий ташкил этишдаги фарқ шу соҳадаги ижтимоий дастурларни умумлаштириб ифодалаш имконини бермайди. Шунинг учун биз ишлаб чиқариш, авваламбор, саноат объектларини лойиҳалашни ижтимоий асослашнинг баъзи бир, энг умумий масалаларига тухталиб ўтамиз.

Турар жойни шакллантиргандек, **саноат объектларини лойиҳалашда бир нечта босқични** ажратиш лозим. Уларнинг асосийлари: саноат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, шаҳар миқёсида саноат комплекслари ва қисмларини шаҳарсозлик ташкил этиш, регионал босқичда ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларини шаклланишидир. Айтилган босқичларнинг ҳар бири лойиҳалашнинг тегишли ижтимоий-функционал дастурларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш вазифалари: шаҳарсозлик воситалари билан ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш имкониятларини таъминлаш; индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишга шароитлар яратиш; меҳнатни рационал техник жиҳозлашга маконий шароитлар яратиш киради. Шу билан бир қаторда бугун ишлаб чиқаришни концентрлашнинг соҳани монополлаштириш, назорат имкониятларининг ёмонлашуви, табиий муҳитга салбий таъсир курсатиш, транспорт харажатларининг усиши билан боғлиқ негатив тамонлари янада кўпроқ аниқланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бир қатор соҳаларида, авваламбор истеъмол таварларни ишлаб чиқаришда эҳтиёжларни анча бикир ва мобил кондирувчи урта ва кичик ишлаб чиқаришни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Кичик корхоналар сонининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг кооператив шакллари ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, корхоналарнинг умумий таркиби ва оптимал параметрлари регион ва шаҳар босқичларида конкрет ишлаб чиқариш, соҳалар ва соҳалараро алоқаларни ташкил этиш талабларидан келиб чиқади.

**Лойиҳаолди таҳлилининг** вазифаси ишлаб чиқариш комплексларини функционал таркибини аниқлаш ва жойлаштиришда табиий, техноген ва меҳнат ресурсларини комплекс ижтимоий-иқтисодий баҳолашдир. Бу ерда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига ижтимоий режалашнинг муҳим бўлими сифатида тўхталиб ўтамиз. Меҳнат ресурсларидан уларнинг квалификацияси, меҳнат укуви, жинс ва ёш таркибини ҳисобга олган ҳолда рационал фойдаланиш – ишлаб чиқаришни режали ривожлантиришнинг асосидир. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда жамоат ишлаб чиқаришга шаҳарнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини энг кўп жалб қилишини таъминловчи иш жойларининг мувозанатли нисбатини назарда тутмоқ лозим. Шу мақсадда шаҳарда турли саноат ихтисослигидаги корхоналарни ҳам эркак, ҳам аёллар меҳнатидан фойдаланиш имкониятларини ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг квалификациясини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятини шаҳарсозлик ташкил этишнинг муҳим томони бўлиб рационал **меҳнат коммуникациялари тизимини** шакллантириш

тириш хизмат қилади. Бугунги кунда йирик шаҳарларда аҳолининг иш жойларига боришга кетадиган вақт харажатлари кунига 1.5 – 2 соатни ташкил этади. Бу харажатларни қискартириш нафақат эркин вақт резервини ошириш, балки бир вақтнинг ўзида у меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам таъсир кўрсатади. Меҳнат алоқалари тизимини такомиллаштириш меҳнат ресурсларини анча рационал тақсимлаш имкониятларини белгилайди.

Айтилган муаммони шаҳарсозлик воситалари билан ечишга: меҳнат бўйича мувозанатлашган ишлаб чиқариш-аҳоли яшовчи тизимларининг шаклланиши; ишлаб чиқаришнинг ортиқча концентрлашувини бартараф қилишда; коммуникациялардан эффектив фойдаланиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ва аҳоли яшаш ҳудудларини рационал қисмларга бўлиш; транспорт магистраллари ва маршрутларини рационал трассалаш киради. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш комплексларини жойлаштириш ва ривожлантиришда аҳоли жойлашуви характерини, меҳнат миграциялари миқёси ва таркибни олдиндан аниқлаб, ҳисобга олиш лозим.

Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашнинг муҳим ижтимоий томони **атроф мухитини кўриклашдир**. Шаҳар мухитини ва шаҳарни ураб турган табиий ландшафт элементларини ифлослантиришнинг асосий манбаълари – саноат ишлаб чиқариши ва транспортдир. Мухитни кўриклашнинг иккита ижтимоий томонини кўрсатиш мумкин. Биринчиси – аҳоли ҳаёт фаолиятининг асоси сифатида табиий мухитни сақлаб қолиш масаласи ва иккинчиси – шаҳар мухити шароитида инсоннинг ўзини «кўриклаш»га қаратилган ижтимоий-гигиеник томонидир.

Ишлаб чиқариш комплексларини шакллантиришда айтилган масалаларни ечиш бўйича бир қатор шаҳарсозлик чоралари ишлаб чиқилади. Уларни асосийларини кўриб чиқамиз.

Табиатни кўриклаш мақсадлари ишлаб чиқаришни шундай ҳудудий гуруҳлаш ва кооперациялаш талабларини илгари сурадики, улар ижтимоий-иқтисодий эффект билан бир қаторда **ишлаб чиқариш чиқиндиларини утиллаштириш** ва атроф-мухитга босимни камайтириш ҳисобига экологик эффектни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш комплекслари учун атроф мухитни қуриклаш ва қайта тиклаш бўйича умумий тадбирлар ўтказишни кўзга тутиш лозим. Шунинг учун комплекс корхоналари таркибига, ҳудудда корхоналарни энг рационал гуруҳлашга бўлган шаҳарсозлик талаблари аниқланади. Ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш шаҳарсозлик қисмларга бўлиш тизимида саноатни жойлаштириш меъёрларини мухитни сақлаш нуқтаи назаридан даврий кўриб чиқишни талаб қилади.

Мухитни кўриқлаш бўйича тадбирлар кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, уларни шаъар мухити табиий компонентларини химоя қилиш бўйича чоралар кўриш (хаво, сув, тупроқлар, ўсимликлар); шаҳар аҳолиси ва корхоналар хизматчиларини шовқин, вибрация, иссиқлик юкланишлари ва бошқалардан химоялаш чоралари; шаҳар мухитини кўриқлашнинг бир қатор масалаларини комплекс ҳал этувчи шаҳарсозлик чораси сифатида санитар-химоя қисмини шакллантириш; бузилган ерларни рекультивциялаш ва улардан рационал фойдаланиш кабиларга бўлиш мумкин.

*Хаво ва сув хавзаларини, тупроқ ва ўсимликларини химоялаш* аҳолининг санитар-гигиеник комфортини таъминлашга ҳамда шаҳарда табиат комплекси элементларини қайта ишлаб чиқариш табиий жараёнларини сақлашга йўналтирилган. Бу масалани ечишнинг шаҳарсозлик томонлари: ландшафт табиий характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарни рационал қисмларга бўлиш; зарарли чиқиндиларни анча тула локализациялашни таъминловчи ишлаб чиқариш комплекси доирасида қисмларга бўлиш; химоя қисмларни шакллантириш ва улардан рационал фойдаланиш; шаҳарни ўраб турган ҳудудларни санитар-гигиеник талаблар ҳамда табиий комплексларни техноген босимларга мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ҳудудларини жойлаштиришда ҳисобга олиш.

Аҳолини корхоналар ва шаҳар транспорти иши билан боғлиқ *шовкин ва вибрациялардан химоялаш* ҳам рационал қисмларга бўлиш орқали таъминланади ва бир вақтнинг ўзида шовкиндан химоялаш экранларини шакллантириш, махсус тархий ва конструктив ечимга эга иморатлардан фойдаланиш, вертикал режалаштиришнинг турли усулларини қўллаш ва х.к. чораларни 3 ичига олади.

Шаҳарнинг ишлаб чиқариш қисмини лойиҳалашда химоя тадбирларини ўтказиш айниқса долзарбдир. Биз ишлаб чиқариш комплекслари *санитар-химоя қисмларини шакллантиришдек* шаҳарсозлик вазифасини ҳозирги шароитдаги ишлаб чиқариш технологиялари ва зарарли чиқиндиларни тозалашдаги камчиликларга энг таъсирчан компенсация воситаси сифатида ажратамиз. Бу масала йирик оғир саноат корхоналарини лойиҳалаш учун айниқса долзарбдир.

Химоя қисмларнинг таъсири эффективлиги ҳудудни рационал-тархий ташкил этиш, параметрларини оптималлаштириш, қўкаламзорлаштириш учун санация хусусиятларига эга бўлган ўсимликлардан фойдаланиш орқали таъминланади.

Шу билан бирга муҳитни ифлослантириш манбаъларини ва бошқа шаҳар ҳамда шаҳар ташқарисидаги қисмларни ҳудудий ажратиш муаммони туғри ечолмайдиган мажбурий чора эканлигини тушуниш лозим. Бу юқори урбанизациялашган туманларда янада яққол билинади. Ишлаб чиқаришни шаҳардан узоқлаштириш табиий муҳитни кўриқлашни таъминламайди, у шунингдек ишлаб чиқаришнинг усиши билан етарли булмаслиги мумкин. Шунинг учун экологик ҳолатни яхшилашнинг бош йўналиши бўлиб ишлаб чиқаришни чиқитсиз циклларини ривожлантириш ва чиқитларни тозалашнинг ишончли технологиясини қўллашни ҳисоблаш лозим.

Ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси – *бузилган ҳудудларни ўзлаштиришдир*. Бу муаммонинг ижтимоий томонлари шаҳар ва туманни бу ҳудуддан фойдаланиш эҳтиёжларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий талабларни ва ландшафт реконструкциясининг экологик кўрсаткичларини комплекс ҳисобга олиш нуқтаи назаридан бузилган майдонлар ва қисмлардан фойдаланишнинг йқналишларини белгилаш билан боғлиқ. Қазиб олиш саноати туманларида саноат ва турар жой қисмларини ривожлантириш учун ҳудуд танлаш ҳам анчагина жиддий муаммодир, хусусан фойдали қазилмалари бор қисмларда қурилмаларни жойлаштириш бўйича ёки аҳолини меҳнат

қисмларига етказишни таъминлаб, уларни эркин ҳудудларга чиқариш бўйича ечимларни ижтимоий-иқтисодий солиштириш шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, **саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонларига:** ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ишчиларнинг индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишни, меҳнатни эффектив техник жихозлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш дастурини ишлаб чиқиш; саноат корхоналарини рационал гуруҳлаш, шаҳарсозлик қисмларига бўлиш ва бузилган ҳудудларни рекультивация қилиш воситалари билан атроф муҳитни муҳофазалашни таъминлаш қиради.

Айтилган томонларнинг аҳамияти лойиҳалашнинг ҳар хил босқичлари учун турличадир. Масалан, **иморат ва иншоотларни лойиҳалашни ижтимоий асослашда** индивидуал меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни техник жихозлашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш кўрсаткичлари катта роль ўйнайди, ижтимоий дастурлар бевосита меҳнат жараёнлари муҳитини шакллантиришга йўналтирилади.

Шаҳар саноат қисмлари ва комплексларини лойиҳалаш босқичида саноат корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ва экологик эффективлик талаблари бўйича гуруҳлаш, саноат комплексида керакли дам олиш муассасалари ва ҳудудлари йигинидисини тузиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бир қатор ҳолларда ривожланган илмий-техник марказларни шакллантириш вазифалари туради. Шаҳарни лойиҳалаш босқичида муҳим вазифа бўлиб меҳнат балансини, аҳолининг ижтимоий-қасбий ва демографик таркибига мос меҳнат жойларининг керакли хилма хиллилигини таъминлаш хизмат қилади. Шаҳарни қисмларга булиш тизимида саноат комплексларини жойлаштиришда аҳолининг меҳнат ҳаракатлари талабларини, корхоналар ишлаб чиқариш алоқаларини ва атроф муҳитни кўриқлаш вазифаларини комплекс ҳисобга олиш лозим.

**Туманни режалаштириш ва региона аҳоли жойлашуви босқичида** ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш хўжалик ҳудудий таркибини оптималлаштириш ва ресурслардан комплекс фойдаланиш билан боғлиқ. Бу босқичда ечимнинг энг муҳим томонлари бўлиб ҳудуднинг меҳнат, табиий ва техноген ресурсларини умумий ва соҳа бўйича ижтимоий-иқтисодий баҳолаш; вилоят ва республика туманлари бўйича ишлаб чиқаришни тақсимлаш нисбатларини аниқлаш; ҳудуднинг иқтисодий ва демографик сизимини аниқлаш; турли ўлчамли ва халқ хўжалиги профилидаги шаҳарларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича ечимлар қабул қилиш ҳисобланади. Бу босқичда ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этиш саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш турлари бўйича қисмларни комплекс кўриб чиқиш талабларини ўз ичига олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Саноат объектларини лойиҳалашда қандай асосий босқичларни ажратиш мумкин?
2. Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашга қандай вазифалар қиради?

3. Корхоналарнинг умумий таркиби ва оптимал параметрлари нималарга боғлиқ?
4. Ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш соҳасида лойиҳаолди тахлили нималарни ўз ичига олади?
5. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлими сифатида.
6. Мехнат коммуникацияларининг рационал тизимини шакллантириш – аҳолининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишни муҳим томони.
7. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда атроф муҳит муҳофазаси.
8. Ишлаб чиқариш қисмлари ва комплексларини шаҳарсозлик лойиҳалашда табиатни кўриқлаш бўйича қандай асосий тадбирлар ҳисобга олиниши мумкин?
9. Ишлаб чиқариш комплекслари санитар-химоя қисмлари тўғрисида нималарни биласиз?
10. Бузилган ҳудудлар муаммоларининг ижтимоий томонлари нималардан иборат?
11. Саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонлари нималарни ўз ичига олади?
12. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ижтимоий томонини кўриб чиқувчи лойиҳа ишларининг асосий босқичларини тавсифланг.

## **VI БОБ. АТРОФ МУХИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ РОЛИ.**

### **6.1. Шаҳарсозликнинг экологик билимлар тизимидаги ўрни.**

Шаҳарсозликнинг яшаш мухитини шакллантиришдаги актив иштироки унинг комплекс ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечшдаги ролини кўриб чиқишни талаб этади. Конкрет лойиҳалар ва шаҳарсозлик объектларининг амалга ошуви интеграциясида инсонни ўраб турган мухитнинг натижавий сифат ва имкониятлари шаклланади. Мухитнинг алоҳида, реал боғланмаган элементларини шакллантирувчи ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан фаркли ўлароқ, архитектура ва шаҳарсозлик мухитни инсоннинг яхлит атрофи сифатида: квартира ва корхонанинг ишлаб чиқариш мухитидан, шаҳар ва аҳоли жойлашуви туманигача шаллантиради. Бу *барча шаҳарсозлик фаолиятида экологик ёндошувларнинг мажбурийлигини* белгилайди. Бу бир томондан, ҳозирги замон урбанизацияси олиб келган жиддий экологик бузилишлар ва уларни бартараф этиши билан боғлиқ. Бошқа томондан, шаҳарсозликнинг кенг ҳудудий миқёсларда экологик ҳолатни такомиллаштиришдек конструктив имкониятлари билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда экология тушунчасининг инсонга нисбатан аниқлашда анчагина ҳар хилликни кўриш мумкин. «Глобал экология», «ижтимоий экология», «инсон экологияси», «атроф мухитни кўриқлаш» каби терминлардан фойдаланилади. Бу тушунчаларнинг мазмуни ҳам турличадир. Бир хил ҳолатларда инсон ва табиий мухит муносабатларига, асосийси табиатни кўриқлаш масалаларига имтиёз берилади. Бошқаларида гап инсоннинг мухит билан, бу сўзнинг кенг маъноси тушунчасида ўзаро муносабатлари, мухит тушунчасига ландшафтнинг ҳам табиий, ҳам антропоген компонентлари қўшилиши ҳақида ва инсон ҳамда унинг атрофи ўзаро муносабатларининг нафақат жисмоний ва иқтисодий, балки ижтимоий, психологик, маънавий ва кенгрок - дунёқараш томонларини кўриб чиқиш ҳақида боради.

Инсоннинг яшаш мухити билан муносабатлари муаммоларини кенг тушуниш «инсон экологияси» термини билан белгиланиши мумкин. Бу ҳолда инсон унинг биопсихологик ва ижтимоий эҳтиёжлари ва қизиқишларининг бутун йиғиндиси билан кенг тушунилади. Ҳудди шундай, «мухит» тушунчаси, инсон

ҳаёт фаолиятининг моддий ва маънавий имкониятларини ўзида тутган ҳолда, кенг тушунилади. Кейинги баёнларда худди шу терминдан фойдаланилади.

**Инсон экологияси** ўз ичига дунёқараш ва амалий бўлимларни олган яхлит фан сифатида, ўзининг предмети қилиб инсоннинг (унинг ижтимоий ва биологик мазмунида) атроф мухит билан бутун муносабатлари комплексини кўриб чиқади. У бугунги кунда кўп соҳаларда: технологик, биологик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсат соҳаларда ечимлар қабул қилишни белгилайдиган илмий билимларнинг муҳим соҳасига айланмоқда. **Инсон ва мухит муносабатларини комплекс ўрганиш лозимлигини** такидлаш лозим, чунки бу муносабатлардан бирини алоҳида кўриб чиқиш энг яхши ҳолларда хусусий муваффақиятларга олиб келиши мумкин, аммо экологик мувозанатнинг анча умумий бузилиши кузатилиши мумкин. Айтилганлар экологик билимларни соҳаларга билишдан воз кечиш керак дегани эмас, бундай билишдан кечиб бўлмайди. Муҳими, шундан келиб чиқиш керакки, билим соҳалари ўзаро боғлиқ ва ягона фанни шакллантиради, унинг асосий қоидалари ҳар бир соҳадаги билимлар ва ечимлар қабул қилишнинг интеграциялаш асосини ташкил этади.

Инсон ва яшаш мухити муносабатлари уни моддий ўзгартиришда, «иккинчи табиат» - антропоген мухит яратишда акс этади. Бир вақтнинг ўзида инсоннинг ўзи ҳам руҳан, ҳам жисмонан ўзгаради. Мухитни моддий қайта ўзгартиришда, иморат ва иншоотлар кўришда, инженерлик инфраструктурасини яратишда, «нарсалар дунёси» эволюцияси акс этади. Архитектура-шаҳарсозлик фаолияти ривожланаётган технологияларга, инсон эҳтиёжи ва муносабатларига конкрет жисмоний шакллар бериб моддий иккинчи табиатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шаҳарсозлик, ҳудудий лойиҳалаш соҳасининг барча босқичларида алоҳида иншоотлар комплексидан регионал ва глобал аҳоли жойлашуви тизимларигача камраб олиб, табиий-антропоген ландшафт сифатида шаклланадиган ва яшаш мухити бўлиб хизмат қиладиган охирги натижа учун масъул фандир.

Бугунги барча экологик доктриналар инсоннинг истиснолигини, ва тегишли табиатдан фойдаланиш эркинлигини, аниқроғи табиатни истеъмол қилишни тан олишга асослангандир. Шунинг учун келажакнинг долзарб муаммоси бўлиб, бугунги кунда қабул қилинган қадриятлар йўналиш тизимини енгиб ўтувчи янги дунёқарашлар нуқтаи назарини ишлаб чиқиш хизмат қилади. Инсонга истеъмолни янада ўстиришни, табиатни инсон учун сақлаш орқали таъминлаш йўналиши урнига инсон ва табиат уйғунлиги, инсон фаолияти табиат қонунларига мувофиқлиги йўналиши қабул қилиниши керак. Бунда шуни эсда тутмоқ лозимки, инсон тўғрисидаги «табиат подшоси» деган тушунча нафақат жисмоний мувозанатни йўқотишга балки инсоннинг маънавий бузилишига олиб келади. Инсоннинг табиат билан ижодий ҳамкорликда қатнашуви билан боғлиқ ва табиат қонунлари бўйича шаклланган қийматлар ва стереотиплар – табиат билан янги муносабатлар этикаси, янги инсон экологияси пайдо бўлишининг бундан кейинги йўли ва зарур шартидир.

Архитектура ва шаҳарсозлик анъанавий мухитни берилган хоссалари (имкониятлари, ресурслари) бўйича комплекс шакллантиришга йўналтирилгандир. Бунда шаҳарсозлик дастурлари анъанавий инсон эҳтиёжларининг кенг

комплексини (биологик, психологик, иқтисодий, эстетик) ўз ичига олади. Архитектура-шаҳарсозлик стереотиплари эволюцион йўл билан ривожланиб, шаҳарсозлик маданиятини шакллантирган. Архитектура-шаҳарсозлик стереотипларда кўп қиррали истеъмол баҳоларини интеграциялаш, уларнинг комплекслилиги, муҳит хоссаларини тарихан анча давр мобайнида барқарор қайта ишланиши (уйлар турлари, шаҳар жамоат маконлари турлари) **архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини ўз табиати бўйича экологик деб ҳисоблаш имконини беради.**

Бир вақтнинг ўзида вужудга келаётган экологик муаммоларнинг ўлканлиги англанади. Миқёси ва кўп қирралиги бўйича комплекс усувчи экологик муаммоларни билимларнинг қайси соҳаси ечиши керак? Булиши мумкин вариантлар: география, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, шаҳарсозлик. Реал ҳаётда гап вариантлар устида эмас, балки бу билимлар соҳаларида ҳамкорлик устида кетаяпти. Биз учун **бу ҳамкорликда шаҳарсозликнинг иштироки лозимлигини кўрсатиш муҳимдир. Унинг роли қуйидаги касбий имкониятлар билан белгиланади:** ёндошувларнинг конструктивлиги (анъанавий географиядан фарқли ўлароқ), ечимларнинг инженерлик характери (иккала айтилган фанлардан фарқли), ечимлар қабул қилишни асослашнинг комплекслилиги (иқтисодий, ижтимоий, медицина-санитар, эстетик), ечимлар қабул қилишнинг илмий ва инженерлик услублари билан бирга бадий-ижодий услубларни ҳам қўллаш имконияти мавжудлиги. Охирги аргумент жуда муҳим, лекин бугунги кунда тула ахамиятга олинмаяпти. Шу билан бир қаторда айтилган бошқа фанларнинг шаҳарсозлик муаммоларини ечишда қатнашуви лозимлигини такидлаш лозим. Шунинг учун, умумий экологик билимлар тизимида шаҳарсозликнинг келажакдаги ролини кўриб чиқа туриб, биз шаҳарсозлик тушунчасига шаҳарсозлик ечимларини қабул қилиш билан боғлиқ барча фанлар йиғиндисини кўшамиз.

### **Такрорлаш учун саоллар:**

1. Инсон экологияси яхлит фан сифатида. Унинг предмети нима?
2. «Иккинчи табиат»нинг мазмуни нимадан иборат?
3. «Истеъмолчилар» жамияти маданияти стереотипларини енгиб ўтишнинг қандай йўллари биласиз?
4. Архитектура-шаҳарсозлик фаолиятининг ўз табиати бўйича экологиклиги нималардан иборат?
5. Шаҳарсозлик фаолияти муҳитни экологизациялаш умумий тизимида қандай имкониятларга эга?



## **6.2. Ҳаёт фаолияти мухитини ижтимоий баҳолаш ва уни шакллантиришда шаҳарсозликнинг роли.**

Шаҳарсозлик кенг доирадаги экологик муаммоларни ечишда иштирок этади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Мухитни унинг табиий, санитар-гигиеник ва иклимий параметрларида акс этган ҳаётга яроқлилигини таъминлаш;
2. Технологиялар ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш имкониятларини ишлаб чиқаришни рационал-ҳудудий жойлаштириш, ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини қуриш, иморат ва ҳудудларни инженерлик жихозлаш орқали таъминлаш;
3. Аҳолининг ижтимоий функцияларини: турар жой, таълим, хизмат кўрсатиш, дам олиш, бошқариш ва бошқаларни ҳудудий ташкил этиш ва кўриш воситалари орқали таъминлаш;
4. Яшаш ва мулоқотнинг психологик комфортини тегишли маконларни шакллантириш, уларни бирлаштириш ёки булиш орқали таъминлаш;
5. Мухитда ижтимоий ва маконий адаптация, ижтимоий назорат ва ҳудудий ҳамжамиятларни шакллантириш имкониятларини яратиш;
6. Атроф мухит эстетик сифатини таъминлаш;
7. Ҳаёт фаолияти шароитлари ва ишлаб чиқариш ресурслари сифатида атроф-мухитни кўриқлаш ва қайта ишлаш;
8. Мухит тарихий-маданий ёдгорликларини муҳофазалаш.

Бу томонларнинг руйхати шаҳарсозликни экологик дастурларда кенг қатнашиши тўғрисида гувоҳлик беради. Бу масалаларнинг ҳаммаси умумэкологик тамойилларга мос ҳолда комплекс равишда ечилади. Шаҳарсозликнинг роли ва имкониятларини аниқлаш учун ҳамда аҳоли томонидан мухитни ижтимоий баҳолаш учун ҳар бир позицияни деталлашган ҳолда кўриб чиқамиз.

**Мухитни ҳаётга яроқлилиги** авваламбор жойнинг характеристикалари: макон параметрлари, иклимий шароитлар, жихозлар ва ободонлаштириш, «техноген иклим» билан белгиланади. Бу ерга маълум бир ҳаётий қулайликларнинг – сув, озиқ - овқат ва хоказоларнинг борлиги, уларни олиш имконияти жойни баҳолашга нафакат аҳоли жойлари туманлари ҳақидаги тушунчада (шимол-жануб), балки шаҳарларга татбиқан ҳам («Тошкент – нон шаҳри») амал қилади. Бу тушунча аҳолининг регионал миграцияси жараёнларида аниқ амалга ошади. Шаҳар доирасида турли жойларни баҳолашдаги дифференциация ҳақида ҳам гапириш мумкин. Аҳоли хавонинг ифлосланганлиги, шовқин, зичлик, боғлар ва сув хавзаларининг мавжудлиги (нафакат дам олиш жойлари сифатида, балки умумий яшаш шароитларини яхшиловчи омил сифатида) ва бошқа характеристикаларни ҳам баҳолайди.

Мухитнинг табиий-иклимий параметрлари шаҳарсозлик ечимларида жиддий коррективировка қилинади (биз бу ерда иморатларда мухитнинг табиий параметрларини тўлиқ программалаш ҳақида тухталмаймиз). Микроиклимни ва ландшафтнинг бошқа характеристикаларини мақсадли тартибга солиш воситалари бўлиб: аҳоли жойларини жойлаштириш ва шаҳар ҳудудларини қисмларга бўлиш, кўча йўл тармогини режалаштириш, кўкаламзорларни режалаштириш

ва таркиби, курилмаларнинг усуллари ва турлари, ободонлаштириш характери хизмат қилади. Шаҳардан ташқаридаги дам олиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳудудларига татбикан ландшафтларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий сифатларини такомиллаштириш вазифаларини комплекс ҳал этувчи ҳудудларни мелиорациялашнинг турли услублари ҳақида сўз боради.

Шаҳарсозлик *мухитнинг иқтисодий ресурсларини (имкониятларини)* шакллантиришда жиддий роль ўйнайди. Баъзан ўзаро муносабатларнинг иқтисодий тамонларини ва атроф-мухитни тасвирлаш учун «иқтисодий» ёки «ижтимоий- иқтисодий мухит» тушунчасидан фойдаланилади. Инсон экологиясининг бу бўлимида шаҳарсозликнинг роли шунингдек анча катта. Гап, биринчидан, шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босқичларида: шаҳардан то ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш регионал тизимигача ҳудудий ресурслардан рационал фойдаланиш ҳақида бораёпти. Бу соҳада шаҳарсозлик иқтисодий география билан ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга ердан фойдаланиш масалаларини комплекс ечиш лозимлиги, нафакат иқтисодий, балки кенг ижтимоий манфаатлар ҳамда табиатни кўриқлаш масалаларини кўшганда, лойиҳавий ишланмаларда айтилган масалаларни биргаликда кўриб чиқишни талаб қилади, бу эса шаҳарсозлик лойиҳалашнинг интеграция ролини белгилайди.

Профессional ёндошувларнинг комплекслиги қабул қилинаётган ечимларнинг мутаносиблилигига эришиш имконини беради, бу эса аҳоли жойлашуви қисмларига, табиатни кўриқлашга зарарли таъсирларнинг олдини олади. Шундай қилиб инсон экологиясининг иқтисодий бўлимида шаҳарсозликнинг жиддий ролини таъкидлаш мумкин.

Аҳоли жойлашуви тузилмаларини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоқларини, шаҳарлар ва регионал дам олиш қисмларини лойиҳалаб туриб, шаҳарсозлик *ижтимоий қайта ишлаб чиқаришнинг барча комплекс шароитларини* таъминлайди. Мақсадли дастур сифатида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари кўриб чиқилади. Фаолият технологиясини таъминлашдек мухитнинг иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини шакллантиришдаги лойиҳавий ёндошувида муайян ўхшашликни кўриш мумкин. Ижтимоий жараёнларнинг функционал-технологик параметрларига жавоб берувчи макон унинг берилган геометрик, типологик ва жихозланганлик параметрлари билан шаклланади. Ишлаб чиқариш мухитини яратгандагидек, бу ҳолда ҳам ечимнинг шаҳарсозлик воситаларига: функцияларни маконда ўзаро жойлашуви; функционал типологияларга мос келувчи бино ва иншоотлар қурилиши; шаклланаётган мухитни муҳандисона таъминлаш қиради.

Аҳоли томонидан шаҳар мухитининг функционал қулайликларини баҳолаш ҳудуди турли характерли ва миқёсдаги индивид, оила, ижтимоий жамоа фаолият шароитларини баҳолагандек утилитар-амалий тавсифномаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Бунга ободонлашган турар жой ва хизмат кўрсатиш муассасаларини, меҳнат жойлари ободонлашган дам олиш қисмлари, транспорт йўл тармоқлари ва бошқаларнинг мавжудлиги қиради. Бино ва комплексларда гап ташкил этилаётган функционал жараёнларни керакли жихозлаш, моддий таъминлаш ҳақида кетаяпти. Утилитар-амалий қиймат охир-

окибат барча сохаларда-ишлаб чиқариш, маиший ҳаёт, ижтимоий-маданий истеъмол, мулоқотда фаолиятни рационал, эффектив ташкил этиш имкониятларини белгиловчи мухитнинг ресурс потенциали билан аниқланади.

Экологиянинг муҳим томон бўлиб инсоннинг психологик эҳтиёжларини ва унинг мухитдаги феъл-атворини ҳисобга олиш хизмат қилади. Меъморий-маконий мухит бу соҳада ҳам маълум шароитлар яратади. Лойиҳалашнинг бу томони функционал ёндошувни жиддий тулдиради. **Ижтимоий психологик қийматлар** индивиднинг (ижтимоий гуруҳнинг) узини ифодалаш ва мулоқотда, меҳнат ва ижтимоий қайта ишлаб чиқаришда ўзининг ижтимоий ва ҳаётий потенциалини амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ. Шаҳар, шаҳар мухити, «жой» бундай ўзини амалга оширишга ёрдам берувчи (ёки тўсқинлик қилувчи) маълум бир шароитларга эга. Энг умумий ҳолда қуйидаги шароитларни айтиш мумкин: фаолият ва феъл-атворни танлашни таъминлаш учун мухитни керакли ресурсларининг мавжудлиги; уларни амалга ошириш учун тўсиқларнинг йўқлиги; эркин ҳаракат қилишга имкон берувчи жойни (йўналишни) билиш; мухит шароитларининг барқарорлиги, мустаҳкамлиги ҳиссининг мавжудлиги.

Феъл-атвор ва фаолият шаклини танлаш эркинлиги маълум даражада юқорида айтилган фаолиятнинг утилитар-амалий шароитларини қайтаради. Бу ерда, аммо, фаолият параметрлари ва мухит шароитларининг технологик мослиги мулоқот, дам олиш, харид қилиш жойлари, ҳаракат трассаларини танлашни амалга оширувчи субъект (инсон, гуруҳ) томонидан бу қийматни ҳис этиш билан тўлдирилади. Бу ҳис этиш жойнинг «кўп ахамиятлилиги» туғрисидаги тасавурда, унинг кўп қиррали имкониятлар ва ҳолатлар билан боғлиқлигида қайд этилади, у туғрисидаги тасавур ирода, хулқ-атвор эркинлиги билан ўхшаш акс этади. Қарама-қарши ҳолат хулқ-атвор пассивлигига «қидирув» ҳолатини истисно қилишга, охир окибат жойни паст баҳолашга, унга қатнамасликка олиб келувчи танловнинг йўқлигидир. Айтиш мумкинки фаолиятнинг кўп қиррали керакли ресурсларининг йўқлиги ижтимоий фаолиятнинг ташқи чекланишларини талаб этади.

Фаолиятнинг ва хулқ атворнинг кўп қиррали турларини амалга ошириш учун тусиқларнинг йўқлиги мухитнинг иккита тавсифномалари билан боғлиқ: керакли ижтимоий назоратнинг мавжудлиги ва турли функционал жараёнларнинг керакли бўлиниши.

Яшаш мухитида **ижтимоий ва маконий йўналтириш имконияти** инсоннинг жиддий эҳтиёжи ҳисобланади. Яшаш мухити инсоннинг шахсий маконини, унинг турар жойи, тумани, шаҳри, мамлакатини ўз ичига олувчи кўп босқичли тизим сифатида қабул қилинади. Ҳар бир иерархик босқичда ўз ҳаёт маконини қабул қилиш, мухит билан солиштириш - инсоннинг ижтимоий қулайликни ҳис этиши учун муҳим асос ва шу билан бирга ҳудудда ижтимоий назорат ўтказиш учун асосдир.

**Ижтимоий назоратни** маконга «эгаллик қилувчи», вазифаси, ўлчамлари, таркиби бўйича турлича ижтимоий жамоалар амалга оширади. Булар туман аҳолиси, корхоналар меҳнат коллективлари, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, кучадаги пиёдалар оқими ва боқдаги дам олувчилар бўлиши мумкин. Шунга

мувофик назорат индивидуал ва оммавий, доимий ва вақтинча бўлиши мумкин. У интенсивлиги (тула эркинликдан халқ-атвори қаттиқ чеклашгача), таъсир доираси ва хоказолар бўйича бўлиниши мумкин. Адекват назоратнинг мавжудлиги ҳудудга злаштирилганлик, яшаладиган жой характерини беради. Қарши холда ёки жойлар, ёки омманинг бошқарилмайдиган оқими пайдо бўлади. Жойнинг қиймати иккита хол билан белқиланади. Биринчиси жойнинг хўжайини, эгалик қилиш ва маъсуллик хисси билан, у барқарор ҳудудий фаолият жамоалари учун (мактаб, корхона), камроқ холда эса биргина ҳудуднинг ўзини истеъмоли билан боғлиқ (уй-жойлар гуруҳлари) ҳудудий жамоалар учун характерлидир. Охирги холда ҳудуднинг қиймати аҳоли учун анчагина дифференциалланади, бу назоратнинг интенсивлиги билан боғлиқ.

Иккинчиси – тегишли назорат орқали таъминланадиган хавфсизлик, хотиржамлик хис этиш. Назоратнинг йўқлиги бўшлиқ, кўрқув, ишончсизлик тугдиради. Бунга мисол бўлиб турар жойларни йўқотаётган марказий қисм хизмат қилади.

Утмишнинг эволюцион шакланган шаҳарсозлик тузилмаларида айтилган эҳтиёжлар барқарор маконий акс этган. Ўрта аср шарқ шаҳрида иерархик қарамлик ва ижтимоий назоратнинг катъий моделини, европа ва шарқ шаҳарларида аҳолининг касбий жойлашувини айтиш етарлидир. Шу билан бирга ҳозирги замон шаҳарсозлик назарияси бу соҳада уз вазифаларини фақат охирги вақтларда белгиламоқда. Бу вазифалар яна шунинг учун англамоқдаки, бу ерда ҳам ҳудуд томонидан ижтимоий мансубликни, ундан кейин эса ижтимоий назоратни йўқотиш билан боғлиқ жиддий экологик йўқотишлар билиниб қолмоқда. Масалан, инсон уйдан туппа-тўғри шаҳарга боради, бунда у ўзи учун турар жойнинг муҳим элементи ўзлаштирилмаган ҳудудни ҳамда ижтимоий муҳитнинг муҳим элементи - қўшничиликни йўқотади. Атроф-муҳитни бундай анонимлиги унинг меъморий беухшовлиги, бир хиллиги билан боғлиқ: муҳитни ижтимоий мансублиги доимо унинг семантик аниқлилиги, характерлилиги билан кузатилади. Замонавий кўп қаватли турар жой массивларининг семантикаси яшовчиларга нисбатан кўпроқ қурилиш базаси туғрисида гапиради. Бугун худди шунинг учун ижтимоий назорат ва ва маконий қисмлар ўзига хослиги йўллари қидириб, яшовчиларнинг ташаббусига кўпроқ мурожаат қилинмоқда. Аммо архитектор-шаўарсознинг бу соҳадаги роли хали тугамаган, у профессионал ёндашувларни кенгайтиришни, яшовчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олишни, маконий ажратиш шакллари ва муҳитнинг мансублигини «белгилашни» талаб қилади.

Охирги йилларда экологик билимлар ўзанида **тарихий-маданий ёдгорликларни кўриқлаш муаммолари** кўриб чиқилади. Бу инсон экологиясининг алоҳида бўлими бўлиб, нафақат табиий, балки антропоген муҳитдаги жиддий йўқотишларни англаш натижасида пайдо бўлган. Ва, табиyki, бу муаммолар авваломбор бизни реал ўраб турган муҳитнинг қисми бўлган (моддий маданиятнинг бошқа қисмларидан фаркли) меъморий-шаҳарсозлик ёдгорликларига қаратилган. Муаммони ечишнинг шаҳарсозлик воситалари бўлиб: тарихий-маданий (шунингдек меъморий-шаҳарсозлик) аҳмиятга эга ёдгорликлар ва ҳудудларни ажратиш; бу қисмларда қурилишни чеклаш; шакланган шаҳар-

созлик тузилмаларини ва шаҳарсозлик композициясини ҳисобга олиш; маданий ёдгорликлардан рационал фойдаланиш ва мувофиқ мосламок хизмат қилади. Тарихан қимматли шаҳар муҳитини кўриқлаш билан бирга бугунги кунда шаҳарсозлик регионнинг ижтимоий-маданий ва табиий компонентлар бирлигида шакллланган тарихий-маданий ландшафтларини кўриқлашга мурожаат этади.

Бу янги йўналиш меъморий-шаҳарсозлик фаолияти ўзанида атроф муҳитни куриқлашнинг алоҳида бўлими сифатида ривожланипти, бугун хали формал шаҳарсозлик экологиясига кирмаган, аммо унга узвий ёндошади. Инсон экологиясида у доимий эволюционлашган табиий-антропоген умуминсоний эҳтиёжлари талабларига жавоб берувчи тарихий хотирани сақлаш каби жиддий томонни шакллантиради. Инсон экологиясида моддий маданият ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда тилларни сақлаш, манаъвий маданият анъаналарини, адабиёт, музыка, одатларни сақлаш вазифалари пайдо бўлади, у меъморий-шаҳарсозлик тадбирларини анча кенг маданий контекстга қўшади.

Шаҳар муҳити эстетик қиймати йўналиши ва баҳолаш асослари бўйича мустақил соҳани ташкил этади. Аммо у баҳолашнинг бошқа турлари билан узвий боғлиқлиги билан фарқланади. Шаҳарни эстетик баҳолашнинг ўзи эстетиканинг барча бошқа соҳалардан ўзининг мурракаб таркибий тузилиши билан фарқланади ва:

- меъморий асарларни бадиий баҳолашни;
- асарларни контекстда ва муҳит контексти билан бирга баҳолашни;
- муҳитни табиий-маданий ландшафт сифатида баҳолашни;
- шаҳарни (жойни) эстетик образли тасавур этишни ўз ичига олади.

Бу ерда мазмуни бўйича турлича бўлган «блоклар» биргаликда келиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мурракаб жараённи - санъат асарларини ёки табиий ландшафтни ёки бир қатор эстетик ходисаларнинг йигма образини шакллантиришни акс эттиради.

Таъкидлаш лозимки, бу «блоклар»нинг ҳар бири етишув актида мустақил бўлиб, зига хос эстетик муносабатларни аниқлашга йўналтирилгандир. Бунда бирламчи таасуротлар муҳитнинг эстетик таасуротларига анча чуқур етишувга материал туплайди. Яъни алоҳида иншоот уйғунлигини қабул қилиш уни шаҳар муҳити контекстида «ўқиш»нинг асосидир. Шаҳар «суратини» ўзлаштириш у туғрисида умумий образли тасавур тузиш имконини беради.

Муҳитнинг эстетик сифатлари – инсоннинг атроф - табиий ва антропоген муҳит билан экологик муносабатларининг керакли тузувчисидир. Архитектура ва шаҳарсозлик эстетик тулоқонли муҳит яратишга, табиий ландшафтнинг эстетик потенциалларини ҳисобга олиш ва фойдаланишга йўналтирилган ва бу масалани комплекс ҳал этувчи асосий фанлардирлар. Бугун бу планда нарсаларнинг бадиий тизимини шакллантирувчи дизайннинг ҳам, хусусан шаҳар дизайннинг роли ўсиб бормоқда. Шаҳар қурилиши учун принципиал янги вазифа бўлиб регионал босқичда ландшафтлар эстетикасини (табиий ва антропоген) сақлаш ва тиклаш хизмат қилади. Шаҳарсозлик – барча ҳудудий босқичларда муҳит эстетикаси муаммосини куя оладиган ва бир вақтнинг ўзида барча

босқичларда лойихалашнинг бадий – ижодий усулларидадан фойдаланиб, еча оладиган ягона фандир.

Ижтимоий экологик тадқиқотларнинг муҳим томони бўлиб **аҳоли томонидан шаҳар муҳитининг сифат ва имкониятларини баҳолашни таҳлил этиши** хизмат қилади. Шаҳар муҳити, шаҳардаги турли жойлар аҳоли ва умуман шаҳар ҳамжамияти томонидан ёйилган кийматлар тизимида қабул қилинади. Баҳолаш хулқ-атворда: у ёки бу жойларга бориш, яшаш жойини танлашда амалга ошади. Бундай йигинди баҳоларни (утилитар-амалий ёки иктисодий) микдор кўрсаткичларида ёзиб бўлмайди. Шунга карамасдан, умумий баҳоларни билиш шаҳар ва унинг элементларини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича шаҳарсозлик ечимларини қабул қилиш учун жуда муҳимдир. Шунинг учун баҳоларни аниқлаш учун аҳолининг шаҳардаги юриш-туриши бўйича кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, турар жой майдонини алмаштириш статистикаси аҳолининг турли турар жой ҳудудларини баҳолашдаги маъқул кўришини тавсифлайди; транспорт статистикаси транспорт турларини, маршрутларни танлашдаги афзал кўриш ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Аҳолининг шаҳар муҳитини умумий баҳолашини ҳамда уларнинг шаҳарда йўналиш олиш имкониятларини аниқлаш учун аҳолининг шаҳар тўғрисидаги тасаввурини тавсифлайдиган ўрганиладиган хариталардан фойдаланилади.

Инсон экологияси муаммоларини ечишда шаҳарсозлик, ўзининг барча бўлимлари билан қатнашиб, шу билан бирга ўз билимлари корпусида алоҳида **шаҳарсозлик экологияси** булимини ажратади. Бу булимнинг мазмуни **атроф-муҳитни кўриқлаш** вазифалари билан белғиланади. Шундай қилиб сохалар аниқ ажратилади: биринчиси - ҳудудий лойихалаш, кўрилиш ва инженерлик таъминоти воситалари билан муҳитни мақсадли шакллантириш ва иккинчиси – бу мақсадли фаолият билан боғлиқ негатив оқибатларни тугатиш. Шаҳарсозлик экологияси шу соҳанинг иккинчисига тааллуқли билимларни бирлаштиради. У табиатни муҳофазалаш, муҳитнинг санитар-гигиеник сифатларини кўриқлаш ва такомиллаштириш бўлимларини ўз ичига олади, ҳозирда унга тарихий-маданий ёдгорликларни куриқлаш масалалари ҳам қарайди. Шаҳарсозлик экологияси, шундай қилиб, «узини назорат қилиш» - шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишни чекловчи блокни шакллантиради. Бу ўзини назорат қилиш касбий фаолиятининг кузда тутилмаган негатив оқибатларини англаш натижасида пайдо бўлади. Шаҳарсозлик экологияси булимларининг келажакдаги ривожланиши муҳитга фаол қайта ишлаб чиқариш ёндошуви вазифалари билан белғиланади. Хар қандай кўриқлаш тадбирлари табиий ва антропоген муҳит элементларини қайта тиклаш, қайта ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлиқ. Бу ҳолат табиатни қайта тиклашга қулланилганда айниқса муҳим. Экологик мақсадга мувофиқ ечимлар табиий ландшафтга антропоген таъсирлар босимини чеклаш, қайта тиклаш чоралари билан қийинлашиб қолмаслиги лозим. Улар албатта табиий ва табиий-антропоген ландшафтларни динамик қайта ишлаб чиқариш бўйича тадбирларни ўз ичига олмоғи лозим. Табиатни қайта ишлаб чиқарувчи халқ хўжалигининг энг муҳим соҳаси сифатидаги масала янада кенг қуйилмоқда. Бугун шаҳарсозлик экологияси табиатни куриқлаш лойихалари, шаҳарларнинг аҳоли яшовчи қисмлари ва табиий кўриқхоналарни ишлаб чиқаришнинг зарар-

ли чиқиндиларидан химоялаш билан чекланиб, худди шу конструктив булимларни буш ишлаб чиқаяпти. Шаҳарсозлик экологиясининг анча фаол позицияга ўтиши унинг вазибаларини шаҳарсозликнинг бошқа бўлимлари вазибалари билан яқинлашувига олиб келади. Бундай интеграция бугунги куннинг ўзига регионал аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштириш тузилмаларини **табиатни кўриқлаш ҳудудуий комплекс тузилмалари** билан бирлаштириш буйича таклифларда кўзга тутилган. Бошқа мисол: микроклимни тартибга солиш, ҳудудни шовқиндан ва хаво хавзасини ифлосланганликдан кўриқлаш масалаларини комплекс ечиш лозим.

Шундай қилиб, инсон экологиясининг кўп қиррали – ижтимоий-иқтисодий, биологик, психологик, маълум маънода - этик ва эстетик муаммоларини ечишда шаҳарсозликнинг фаол ролини куриш мумкин. Инсон экологияси йўналиш ва дастурларини ишлаб чиқишда соҳалараро алоқалар интеграциясида ва бу комплекс асосида қабул қилинадиган ечимлар конструктивлигида шаҳарсозликнинг етакчи ролини ҳисобга олиш лозим.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳарсозлик қандай экологик муаммоларни ечишда қатнашади?
2. Мухитнинг ҳаётга яроқлилигини қандай асосий тавсифномалар белгилайди?
3. Мухитнинг ресурсларини шакллантиришда шаҳарсозликнинг қандай роли бор?
4. Шаҳарсозлик ижтимоий қайта ишлаб чиқариш комплекс шароитларини қандай қилиб таъминлайди?
5. Яшаш мухитининг ижтимоий-психологик комфорти шаҳарсозлик воситалари билан қандай таъминланади?
6. Мухитда ижтимоий-мақоний йўналтириш ва ижтимоий назорат деганда нима тушунасиз?
7. Тарихий-маданий ёдгорликларни кўриқлаш муаммоларини экологик билимлар ўзанида Сиз қандай баҳолайсиз?
8. Шаҳар мухитининг эстетик қиймати нималардан иборат?
9. Экологик муаммолар умумий тизимида шаҳарсозлик экологияси булимнинг мазмуни нималардан иборат?

### **6.3. Шаҳарсозликда экологик ёндошувлар.**

Шаҳарсозликнинг ривожланишида (бошқа фанлар каторидагидек) экологик муаммоларнинг долзарблиги каторида экологик ёндашувларни қўллаш маълум роль ўйнайди. **Экологик ёндошув** ҳар қандай объектни унинг мухит билан муносабатларини тадқиқотчилик нуқтаи назаридан кўриб чиқишдан иборатдир. Экологик ёндошув кўриб чиқиш услубини белгилайди ва нафақат инсон экологияси, балки ҳар қандай объектни мухитда кўриб чиқишга ҳам тааллуқлидир. Бу маънода ундан фойдланиш инсон экологияси, биологик эколо-

гия ва бошқа экологик сохалардан кенгрокдир. Экологик ёндошув тадқиқотчилик предмети янги конструкциясига: «мухитдаги объект (субъект)», «мухит экологик ёндошувларга» кўра бир қатор янги тадқиқотчилик имкониятларини очади. Бу бўлимда шаҳарсозликда экологик ёндошувларни қўллаш билан очиладиган баъзи бир янги позициялар кўрсатилади.

Экологик ёндошувнинг қўйидаги хусусиятларини айтиб ўтиш мумкин:

- ходисаларни «объект мухит» комплекс муносабатларини амалга ошириши сифатида кўриб чиқилади; бу муносабат нафақат инсон экологияси доирасида, балки «маданий мухитдаги объект», антропоген мухитдаги табиий объект ва бошқалар қаби алоқаларни ҳам кўриб чиқиш лозим;
- кўриб чиқиладиган «объект-мухит» муносабатлари танлаб олиш билан тавсифланади ва «қизиқиш (эктиёж) – имконият» схемаси буйича амалга ошади;
- мухит «кўрилган» босқичлар иерархияси сифатида тасааввур этилади, уларнинг хар бири тенг даражада уз имкониятларини объектга очадилар (системали ёндошувдаги нисбатан мустақил босқичлардан фаркли);
- мухитда объект харакатини мухит холати ва таркибининг ўзгариши сифатида кўриб чиқиш;
- мухитни унинг табиий ривожланиш диамикасида кўриб чиқиш.

Мухит ёндошувининг бу ва бир қатор позициялари анаънавий кўриладиган ходисаларни янгича кўриш ва билимлар доирасини тегишлича кенгайтириш имконини беради.

Шаҳарсозлик мухитни худди турар жой кварталидан регионал ва глобал ахоли жойлашуви тизимиғача булган иерархик босқичлар сифатида шакллантиради. Бу иерархия лойиҳалаш босқичлари ва ечиладиган масалалар (вазифалар) тегишли доираси билан мустахкамланади. Экологик ёндошувлардан фойдаланиш шаҳарсозлик иерархиясини яхлит мухитини шакллантирувчи «кўрилган» босқичлар тизими сифатида янгича тасаввур этиш имконини беради, унда барча ресурслар ва имкониятлар иерархияси уйғунлашади. Шунга кўра «субъект-мухит» муносабатлари маълум иерархик горизонт билан чекланмасдан, балки субъектнинг кизиқишлари барча йиғиндисидан иборат бўлиб, мухитнинг барча имкониятлари билан муносабатда булади. Бунда тадқиқотчилик вазифасининг қўйилиши иерархик босқичлар билан эмас, балки субъектнинг истемолчилики кизиқишлари танлови билан чегараланади.

Экологик ёндошувлардан фойдаланиш **табиатни кўриқлаш вазифалари иерархияси** тўғрисидаги тасаввурга маълум бир коррективалар киргизади. Махаллий тизимларнинг анча мураккаб юкори худудий босқичлар тизимиға иерархик қурилгани тўғрисидаги умумий тасаввурга жавоб берувчи табиий ландшафт элементарини ўзаро боглик холда кўриб чиқиш лозим. Бундай ёндошув вертикал буйича табиатни кўриқлашни ягона дастурини шакллантиришни назарда тутлади. Бу холда шаҳар табиий компонентлари тизимини регионал, мамлакат ягона табиий каркаси тузувчилари сифатида қаромақ лозим. Шунинг учун регионал табиатни куриқлаш ва кайта тиклаш (у ерда экологик мувозанатни сақлаш вазифалари куйилади), шаҳар ва агломерация учун (у ерда ландшафт табиий компонентларини қисман кайта ишлаб чиқариш масаласи қўйилади)



муаммоларни бўлиш мумкин эмас. Табиий каркасни элементлари табиий комплексларининг деградацияси бўйича эмас балки табиий қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг табиийлиги даражаси бўйича ажратиладиган ягона ҳудудий тизим сифатида тасаввур этмок лозим. Табиий каркасда модда, энергия ва информациянинг ҳудудий қайта тақсимланиши ва алмашуви тизими ҳам ягонадир, у турли ҳудудий босқичларда ва ўзаро боғлиқ аҳоли жойлашуви туманлари тизимини лойиҳалашда ўзаро боғлиқликни талаб қилади.

«Инсон-табиат» муносабатларини вақт давомида кўриб чиқиш лозимлиги ишлаб чиқаришни куриб чиқиш концепцияларини тулдиришни назарда тутати. Шаҳарсозликда экологик ёндошувлар жуда сермахсул бўлиши мумкин ва бир қатор янги касбий нуқтаи назар тўғрисида гапириш мумкин, уларга қуйидагилар киради:

1. «Шаклланадиган» объектдан «кўриқланадиган» объект сифатида шаҳарни табиатга қарама-қарши қўйишдан табиий-антропоген мухитни комплекс қайта ишлаб чиқариш позициясига утиш;
2. Табиий-антропоген мухит муаммоларини барча босқичларда то глобал даражагача яхлит кўриб чиқиш, бу янги сиёсий, дунёқараш ёндошувлар лозимлигини белгилайди;
3. Мухитни инсон ҳаёт фаолиятида танлаб фойдаланадиган ягона имкониятлар тизими сифатида тушуниш. Бу содда тушуниладиган ресурс табиатдан фойдаланиш ва хужаликни жойлаштиришдан ижтмоий манфаатларни кенг комплексини ҳисобга олувчи комплекс ва бикир дастурларга утишни талаб қилади;
4. Мухит босқичларининг «кўрилганлиги» тўғрисидаги тасаввур лойиҳалаш босқичлари орасида анча мазмунли алоқалар кераклигини белгилайди, лойиҳалаш юқори босқичлари дастурларига бугун ечиладиган анча детал ишланмалардаги масалаларнинг қўшилиши ва тесқариси, шаҳарлар ва аҳоли жойлашуви туманларининг алоҳида элементларидаги ўзгаришлар таъсирида юқори босқичлардаги ечимларнинг катта ҳаракатчанлиги;
5. Шаҳарсозлик лойиҳалашда шаҳарсозлик ландшафтлари табиий ва антропоген элементлари муносабатларининг тикланиш динамикаси ва келажак эволюцион ривожланишини ҳисобга олиш лозимлиги;
6. Лойиҳалашда мухит тугрисида турли хил ландшафтларнинг маконий мозаикаси ҳақида эмас, балки имкониятларнинг янги таркиби тўғрисида экологик тасаввурларни ҳисобга олиш. Бу ҳудуни бир хил туманлаштириш тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш ва мухит фрагменти тўғрисида «кўп қаватли» тасаввурнинг мақсадга мувофиқлигига олиб келади.

Экологик ёндошувлар касбий онгга энди татбиқ этилаёпти, шунинг учун бу ерда белгиланган йўналишлар конкрет аммалий вазифалардан кўра, кўпроқ ёндошувлар ривожланишининг умумий тенденциясини тавсифлайди. Уларни қўйиш учун анча детал ишланмалар лозим.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шаҳарсозликда экологик ёндошув нимани билдиради?

2. Шаҳарсозликда экологик ёндошув хусусиятларини айтиб беринг?
3. Атроф-мухит босқичларининг иерархиялиги нимада билинади?
4. Табиатни кўриқлаш вазифаларининг иерархияси туғрисида сўзлаб беринг.
5. Шаҳарсозликда экологик ёндошувнинг қандай асосий касбий нуқтаи назарларини биласиз?

## **IV БОБ. ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ.**

### **4.1. Шаҳарни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.**

Шаҳарнинг ижтимоий ва шаҳарсозлик режалаштириш вазифалари ўзаро боғлиқдир. Шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий режалари унинг ижтимоий жараёнларини ривожлантиришнинг илмий асосланган мақсадли дастурларини ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий воситаларини ишлаб чиқишни акс эттиради. Шу муносабат билан шаҳарсозлик режалаштиришга ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг моддий базасини яратишни таъминловчи ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлими сифатида қараш мумкин.

Шаҳар – анча юқори даражадаги аҳоли жойлашуви тизимининг элементи дир. Очiq тизим бўлиб, шаҳар бевосита туман, вилоят, республика босқичлари ижтимоий ҳудудий тизимлари ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади ва яшайди. Шунинг учун шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ва меъморий-шаҳарсозлик лойиҳалаш халқ хўжалигини режалаштиришнинг умумий позициясига таянади ва шаҳарнинг аҳоли жойлашуви тизимидаги ўрнини ҳисобга олади.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш олдиндан ишлаб чиқиладиган шаҳарларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларига асосланади, улар шаҳар ривожланишининг умумий концепциясини белгиловчи махсус хўжжатга – бош режанинг **техник-иқтисодий асослаш** (ТИА) таркибига киритилади. ТИА йирик ва энг йирик шаҳарлар учун ишлаб чиқилади. Унинг йўқлигида шаҳар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий дастурлари бош режада берилади.

Бугунда ишлаб чиқилаётган **шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режалари** меъморий лойиҳалаш йўналтирилган дастурларини такоминлаштириш ва қўшимча асослашнинг имконини беради. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий қайта ишлаб чиқариш фаолияти шароитларини (демографик, касбий, ижтимоий-маданий қайта ишлаб чиқариш функцияларини ўз ичига олувчи) такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурлар сифатида ишлаб чиқилади.

Режанинг биринчи пазицияси – демографик прогноз – шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишда муҳим омилдир. Масалан, янги ишлаб чиқариш ҳақидаги масала меҳнатга қобилятли аҳоли сони ва таркиби билан бевосита боғлиқ. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турар жойлар типологияси ҳам аҳоли демографиясига, оилалар таркибига боғлиқ. Ижтимоий демографик режалаштириш вазифаларини умумий мақсадлар: аҳоли демографиясидаги диспро-

порцияларни тугатиш; туғилиш, ёшлар, пенсионерлар муаммоларини тартибга солиш; меҳнатга қобилиятли аҳолини рационал бандлигини таъминлаш каби-лар белгилайди.

Ижтимоий-демографик прогнозда аҳолининг демографик ва ижтимоий профессионал баланси, соҳа ва юқори ҳудудий босқич режалари меҳнат ресурслари баланси билан боғлиқ ҳолда келтирилади. Ижтимоий-демографик прогнознинг муҳим бўлими бўлиб аҳолининг ижтимоий-профессионал таркиби хизмат қилади. У шаҳар ўсиши, янги корхоналар қурилиши, шаҳар таъсир соҳасини кенгайтиши жараёнида ўзгаради.

Бунда конкрет шаҳарни лойиҳалаш унинг демографик қайта ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва шароитларини ижтимоий тенглаштиришни таъминлашнинг, катталиги, халқ хўжалиги профили, жойлашув шароитлари, табиий ва шаҳарсозлик бўйича турли хил шаҳарлар орасидаги жиддий фарқларни тугатиш каби умумий вазифаларга асосланади.

Шаҳарни ижтимоий режалаштиришнинг иккинчи бўлими унинг мақсади ва **ишлаб чиқариш ривожланиши** келажагини: хўжаликнинг соҳа таркиби, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечиш, ишлаётган аҳолининг ижтимоий таркибини белгилайди. Бу ҳолда шаҳар аҳолиси иш жойлари тизими билан боғлиқ ҳолда нарсалар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси сифатида қаралади. Шаҳар ижтимоий ривожланиш режасининг бу бўлими шаҳарсозлик ечими, авваламбор, шаҳарташкилий комплекс билан ҳамда ресурсларни профессионал қайта ишлаб чиқаришни шакллантириш билан боғлиқ. Режада шаҳарнинг ишлаб чиқариш функциялари: шаҳар учун ва юқори босқич халқ хўжалик тизимини ривожлантириш нуқтаи назаридан керак товарлар, хизматлар, информация ишлаб чиқариш аниқланади. Режада шаҳарда яратиладиган ва истеъмол қилинадиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари кўрсаткичларидан: ишлаб чиқаришнинг соҳа нисбатлари; локал, регионал ва умумреспублика миқёсида шаҳарнинг ишлаб чиқариш алоқалари; ишчи кучини қайта ишлаб чиқариш кўрсаткичлари; асосий фондлар таркиби; ишлаб чиқариш эффективлиги кабилардан фойдаланилади.

Шаҳарни ижтимоий ривожланиш режасининг учинчи бўлими – шаҳар аҳолисининг **ижтимоий-маданий ва маиший истеъмолдир**. (ижтимоий қайта ишлаб чиқариш режаси). Унда турар жой қурилиши, коммунал-маиший хизмат курсатиш муассалари тармогини шакллантириш, ижтимоий-маданий истеъмол, шаҳар жамоат транспортини ташкил этиш каби дастурлари келтирилади. Режанинг бу бўлимида аҳоли барча истеъмол объектлари билан узаро боғлиқ ҳолда нарса ва хизматлар истеъмолчиси сифатида олдинга чиқади. Бу ерда шаҳарсоз аҳоли яшовчи комплекслари, маданий-маиший хизмат курсатиш муассасалари тармоқлари, жамоат марказлари, шаҳарнинг дам олиш қисмлари, жамоат транспорти, бутун ижтимоий инфраструктура кабиларни ечиш учун асосга эга булади.

Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА ўз ичига **экологик масалаларни** ҳам олади. Шаҳарликларнинг қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари шаҳар муҳити аҳволига: ҳаво, сув, тупроқларнинг ифлосланганлигига, шовқин, вибрация, радиация даражасига, кўкаламзорлаштириш ша-

роитларига боғлиқ. Айниқса режалаштиришнинг бу бўлими йирик ва энг йирик шаҳарлар учун долзарбдир. Ривожланиш режаси орқали шаҳарсозлик тадбирларини амалга оширишнинг йўллари ва темплари: шаҳар қурилишига капитал маблағлар хажми, ерларни ўзлаштириш навбати, қурилиш базаси кабилар аниқланади.

Ижтимоий режада шаҳар ривожланишининг **мақсадли чекланишлари**: аҳоли сони, ҳудудлар, саноат ривожланиши акс этади. Бу позициялар шунингдек бош режада ҳам акс этадилар. Чекланишлар бир қатор ҳолларда анча юқори босқичдаги (республика, регион) ҳудудий тизимлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари билан боғлиқ. Бундай чекланишлар учун асос бўлиб табиий мухитини сақлаш масалалари, регион иқтисодиётини пропорционал ривожлантириш талаблари ва бошқа омиллар хизмат қилади.

Шундай қилиб, шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий режаси шаҳарсозлик лойиҳалаш мақсадларини белгилашга имкон берувчи зарур ижтимоий кўрсаткичлар доирасини қамраб олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

17. Шаҳарни ривожлантиришининг ижтимоий ва шаҳарсозлик режаларининг қандай алоқаси бор?
18. Шаҳар ривожланишининг техник иқтисодий асослаш (ТИА) нима?
19. Шаҳарни ижтимоий ривожлантириш режаси қандай асосий позициялардан иборат?
20. Шаҳарни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда демографик прогнознинг роли нимадан иборат?
21. Шаҳарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш прогнози нималарни ўз ичига олади?
22. Шаҳарнинг ижтимоий-маданий ва маиший истеъмоли прогнозини ишлаб чиқиш қандай мақсадларни кўзлайди?
23. Шаҳарнинг ижтимоий ривожлантириш режаси ва бош режани ТИА қандай экологик масалаларни ўз ичига олади?
24. Шаҳар ривожланишининг мақсадли чекланишлари нималарда билинади?

### 4.2. Қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.

Қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қишлоқ аҳоли жойлари шаклланишининг **меморий-тархий муаммолари** турли микёс босқичларида ташкил этиладиган мураккаб объектга мансуб бўлиб, функциялари ва маконий тавсифномалари ҳар хил ҳудудлардан иборатдир. Шунинг учун бу бўлимда биз қишлоқ аҳоли жой-

лашуви, қишлоқ жойларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш комплекслари ва қишлоқ ландшафтларини маконий ташкил этиш, қурилмаларга талабларни бирлаштирдик. Қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалашнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларига комплекс ёндошув бир қатор турдош фанлар далилларини жалб этишни талаб этади.

**Қишлоқ ижтимоиёти** – *ижтимоиётнинг энг қадимги сохаларидан биридир.* У этнографиядан ўсиб чиқди, бу унинг муаммолари бирламчи йўналишини белгилаб берди. Бугун у қишлоқ хўжалигини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ривожланган сохадир; демография, шунингдек қишлоқ аҳолисининг миграцияси; меҳнат ресурслари, шунингдек кадрлар кўнимсизлиги, мавсумий бандлик муаммолари; хизмат кўрсатиш сохаси; ёшлар муаммолари; этник ва миллий хусусиятлар; қишлоқ ва шаҳар алоқалари, шунингдек меҳнат миграциялари, субурбанизация; шаҳар яқинидаги қишлоқ жойларда бандлик таркибининг ўзгариши; қишлоқда меҳнат ва қўшничилик жамоалари муаммолари, ҳаёт тарзи хусусиятлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигини юқори даражада ривожланган ва эффектив секторга айлантириш масалалари ҳамда турмуш даражасидаги, **шаҳар ва қишлоқ орасидаги жиддий фарқларни** йўқотиш қишлоқда юз бераётган ўзгаришлар, жумладан қишлоқ қурилиши ривожланишидаги умумий йўналишларни белгилайди. Қишлоқ хўжалигининг бир қатор сохаларини индустриал асосга ўтказиш, агротехниканинг илмий тизимларини, интенсив технологияларни татбиқ этиш, агросаноат интеграциясини кучайиши қишлоқ хўжалик туманларини ва қишлоқ аҳоли жойларини шакллантиришнинг янги йўллари белгилайди. Бир вақтнинг ўзида қуйидаги омиллар: қишлоқ хўжалигида турли укладларнинг тасдиқланиши, хўжаликларнинг катталиги бўйича – катта умумлашгандан кичик оилавий, фермерликкача бўлиниши кабилар катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий таркиби ва техник ривожланиши келажагини тадқиқ қилиш, шунингдек меҳнат, маиший ҳаёт, маданият каби ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар қишлоқ муаммоларини меъморий-тархий ечимларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

**Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби** ердан фойдаланиш эффективлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий фондалардан рационал фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги учун меҳнат ресурсларини ишлаб чиқишга актив таъсир этади.

Қишлоқ аҳоли жойлашувининг ижтимоий инфраструктурасини ривожланиши йўллари, уй-жой қурилиши характери ва ривожланиш даражаси, маданий маиший хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши, транспортни рационал ташкил этиш қишлоқ аҳолиси ҳаётига ва мос равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини меҳнат ресурслари билан таъминланганликни характерловчи миграция жараёнларига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳоли жойлашуви ва қурилиши сохасида меъморий-шаҳарсозлик ечимларининг ижтимоий-иқтисодий асосланганлигининг ахамиятини белгилайди.

**Қишлоқ аҳоли жойлари** энг кўп сонли аҳоли жойлари гуруҳини ташкил этади. Қишлоқ жойларнинг асоси бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан бир қаторда урмон хўжалиги, балиқчилик, қазиб чиқариш саноатининг ай-

рим турлари, қисқа ва узок дам олиш ва туризмни ташкил этиш, аҳолига курорт хизмати кўрсатиш, транспорт коммуникацияларига хизмат кўрсатиш; табиий ландшафтлар культивацияси ва муҳофазаси кабилар хизмат қилади. Қишлоқ жойларни етакчи хўжалик функцияси бўйича гуруҳларга бирлаштириш қабул қилинган: қишлоқ хўжалик, ноқишлоқхўжалик ва агросаноат гуруҳлари. Биринчи гуруҳ аҳоли жойларида аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги меҳнати билан, иккинчисида фаолиятнинг бошқа ҳудуд бўйича тарқоқ турлари билан машғул. Агросаноат поселкасида қишлоқ хўжалиги ва саноат биргаликда келади, бунда биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник хизмат кўрсатиш мисол бўла олади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

9. Қишлоқ жой ижтимоиёти ўрганадиган масалалар доирасига нималар киради?
10. Қишлоқ муаммолари меъморий-тархий ечимларининг асосини нималар ташкил этади?
11. Қишлоқ аҳоли жойлашуви таркиби қишлоқ жой ривожланиш хусусиятларига қандай таъсир кўрсатади?
12. Қишлоқ жойлар ривожланишининг асоси нима?
13. Қишлоқ жойларнинг қандай асосий гуруҳларини биласиз? Уларни тавсифланган.

## **V БОБ. ШАҲАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ.**

### **5.1. Турар жой мухити.**

**Шаҳар** аҳоли ҳаёт фаолиятининг яхлит мухити сифатида турли функционал-маконий элементлар: турар-жой (турар жой мухити), маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш комплекслари (ишлаб чиқариш мухити), дам олиш қисмлари кабилардан шаклланади. Элементларга бўлиш асосида ҳаёт фаолиятини соҳа таркиби бўйича ташкил этишга мос келувчи функционал кўрсаткич ётади. Ишлаб чиқариш, турар жой комплекслари, жамоат марказлари ҳудудий шаҳарсозлик тизимлари шаклланишининг ҳамма босқичларида шаҳарсозлик объектларининг элементлари бўлиб хизмат қилади. Бу бобда шу элементларни лойиқалашнинг ижтимоий асосларини кўриб чиқамиз.

**Турар жой (турар жой мухити)** тушунчаси аҳолининг шахсий истеъмоли билан боғлиқ меъморий шаҳарсозлик объектлари бутун комплексини ўз ичига олади. **Турар жой мухити қуйидаги асосий компонентлардан:** турар жойни (бу сўзнинг тор маъносиди) билдирувчи турар жой ячейкалари (квартира ва уйлар); маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизими; аҳолининг рекреацион ва коммунал-маиший эҳтиёжларини кондирувчи ташки турар жой ҳудудларидан **шаклланади**.

Аҳолининг маиший ҳаёт ва дам олиш асосий жараёнларини моддий-маконий ташкил этиш вазифаларини еча туриб, турар жой аҳоли турмуш тарзи-

га жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун турар жой мухитининг сифати унинг функционал-тархий, гигиеник, техник ва эстетик тавсифномаларида акс этиб, ижтимоий эффективлик (фойдалилик) мезони бўйича бахоланиши мумкин. Турар жойларни бахолош дастури бевосита ҳаёт жараёнларини, аҳолининг кўп қиррали эҳтиёжларини таъминлаш, шахсни шакллантириш каби мақсадли йўналтирилган вазифалар билан белгиланади.

**Турар жой мухити** специфик вазифалар ва лойиҳалаш дастурига эга турли хил иерархик босқичларда ташкил этилади. Турар жойни шаклланишининг умумий мақсади аҳоли маиший ҳаёти ва дам олиш жараёнларини эффектив маконий ташкил этиш деб белгиланиши мумкин. Турар жойни лойиҳалашнинг учта асосий, мазмунан фарқ қилувчи босқичини кўрсатиш мумкин. **Биринчиси – турар жой ячейкасини лойиҳалаш.** Бу босқичда лойиҳалашнинг ижтимоий асоси – индивид, оила, маиший коллектив ҳаёт фаолияти жараёнларидир. Турар жой ячейкаси – минимал яхлит турар тузилмаси, турар жой мухитининг асосий элементиدير.

Иккинчи босқич – турли даражадаги **турар жой комплексларни лойиҳалаш**: турар жой гуруҳи, кичик туман, турар жой туманини. Бу босқичдаги шаҳарсозлик лойиҳасининг ижтимоий мазмуни кўрилатган ҳудудда яшовчи аҳоли амалга оширадиган маиший жараёнлар, дам олиш, хизматлардан фойдаланиш характери билан белгиланади. Баъзибир чеклашлар билан бу босқичга кўп квартираларни уйларни, уй-комплексларни ҳам киритиш лозим. Бу босқич лойиҳасида кўриб чиқиладиган ҳудудда маиший ҳаёт жараёнлари ва дам олишни маконий ташкил этиш вазифалари ҳудудни рационал қисмларга бўлиш ва турар жой мухитининг керакли элементлари: турар жойлар, хизма кўрсатиш муассасалари, дам олиш, спорт, коммунал вазифали майдончалар, коммуникацияларни жойлаштириш орқали хал этилади. Лойиҳалашнинг муҳим вазифаси лойиҳаланаётган комплекс аҳолисининг демографик таркибига мос келувчи турар жой ячейкалари ва уй жойлар турлари номенклатурасини белгилашдир. Бу босқичда шаҳар меҳнат аҳоли яшайдиган туманлари ва умуман шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисмини шакллантириш вазифасини алоҳида ажратиш лозим. Уларни лойиҳалашда аҳолининг меҳнат алоқаларининг таҳлили ва маконий ташкил этиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Лойиҳалашнинг учинчи босқичи – локал ва регионал аҳоли жойлашуви, умуман республиканинг **турар жой қурилиши дастурини шакллантиришдир.** Бу босқич олдингисидан шу билан фарқ қиладики, унинг вазифасига конкрет турар жой ҳудудларини тархий ташкил этиш кирмайди, балки турар жой билан таъминланиш меъёрларини, типологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилгандир. Улар вақтинча яшаб турган аҳоли таркиби, демографик ҳолат таҳлили, жумладан турлари ҳамда табиий шарт-шароитлар, маданият, хўжалик таркибининг регионал ва миллий хусусиятлари асосида белгиланади. Турар жойни лойиҳалашнинг барча босқичларида аҳолининг маиший ҳаёт ва дам олиш соҳаларидаги фаолиятининг ижтимоий дастури маконий амалга ошади. Дастур ҳар хил фаолият турлари тавсифномаларини, уларнинг вақт ва маконда ўзаро алоқаларини белгилайди. Ижтимоий дастурни ишлаб чиқиш меъёрий ва қидирув прогнозлари кўринишида амалга оширилади. Биринчиси маиший жа-

раёнларни ташкил этишнинг мақсадли моделлари бўлса, иккинчиси – замонавий тенденцияларни экстраполяциялаш ва уларни умумижтимоий жараёнлар таъсирида ривожланишини тахлили асосида ишлаб чиқарилган моделлардир. Улар ишлаб чиқиладиган прогнозларнинг керакли таркибий қисми бўлиб, мулжаланган дастурларнинг ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

**Турар жойни лойиҳалашнинг ижтимоий дастури** ижтимоий субъект - турар жой истеъмолчисини олдиндан аниқлашни талаб қилади. Турар жой ячейкаси учун бу, аввало, индивид. Мехмонхона, ётоқхона пансионатларда вақтинча яшаб турган ҳолларда эса бу – таркиб ва катталиги жиҳатидан ҳар хил бўлган, турли даражада уюшган ва функционал ҳамжиҳатликдаги вақтли ижтимоий гуруҳлардир. Кўп квартирали уйнинг, турар жой комплексининг аҳолиси «қўшничилик» деб номланган ҳудудий бирликни ташкил қилади. Қўшничилик коллективининг ҳамжиҳатлик даражаси турлича бўлиши мумкин ва маданий меъёр ва стереотипларга ҳамда аҳоли жойларининг характериға боғлиқдир. Қўшничиликни тушунишнинг шаҳар ва қишлоқда, шарқий «махалла» ва европа кварталидаги фари ана шунда. Турар жой лойиҳалашнинг ижтимоий асослари уй-жой истеъмолчисини ва авваламбор хулқ-атвори турлича ҳар хил оила турларини аниқлаш ва таърифлаш билан боғлиқдир. Лойиҳалашнинг шаҳарсозлик параметрларини асослаш куйидагиларни уз ичига олади:

- турар жойда амалга ошадиган жараёнлар классификацияси;
- турар жойда амалга ошадиган ижтимоий жараёнларни муҳитнинг маконий тавсифи: меъморий-шаҳарсозлик ечимлар параметрларига таъсир этувчи факторлар параметрлари буйича узаро алоқа тавсифномаларини аниқлаш;
- маиший жараёнларни турар жойнинг бош «истеъмолчиси» бўлган оиланинг ижтимоий-демографик тавсифномаларга боғликлигини белгилаш;
- турар жой номенклатурасини, туман, шаҳар, вилоят, республика уй жой фондини тақсимлаш нисбатларини ишлаб чиқиш мақсадида оилалар типологиясини ва демографик статистикасини ўрганиш;
- маиший жараёнлар ва турар жойлар таркибига таъсир кўрсатувчи: маданиятнинг миллий ва регионал хусусиятларини, аҳоли жойлашувининг табиий ва шаҳарсозлик шароитлари каби омилларини аниқлаш;
- турар жойни лойиҳалаш ижтимоий дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларини белгилаш.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

9. Шаҳар элементлари функционал-маконий таркибида турар жой муҳити нималардан иборат?
10. Турар жой муҳитини шакллантирувчи асосий компонентларни айтиб беринг. Уларни тавсифланг.
11. Турар жой муҳитини ташкил этишнинг қандай иерархик босқичларини биласиз?



12. Турар жойни ташкил этишнинг биринчи босқичи нима, уни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари нималардан иборат?
13. Турар жой мухитини лойиҳалашнинг иккинчи босқичи нималари билан фарқ қилади?
14. Турар жой мухитини лойиҳалашнинг учинчи босқичи қандай вазифаларни ечишни кўзда тутди?
15. Турар жойни лойиҳалашнинг ижтимоий дастури нималардан иборат?
16. Турар жой мухитини лойиҳалашнинг шаҳарсозлик параметрларини асослаш нималарни ўз ичига олади?

## **5.2. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими.**

*Жамоат хизмат кўрсатиш* – истеъмолнинг ижтимоий шакллари маданий-маконий ташкил этишни таъминловчи шаҳар мухитининг мухим элементи. Шаҳарларни ижтимоий ривожлантиришга комплекс ёндошув вазифалари хизмат кўрсатишни ташкил этиш масалаларига, одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга уларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратиб беруви соҳа сифатида алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалалари бугунги кунда мустақил, лойиҳалашнинг нисбатан тор соҳасидан ижтимоий режалаштиришнинг мухим бўлимига, инсон ҳаёт фаолиятининг қулай мухитини шакллантирувчига айланади.

*Маданий-маиший хизмат кўрсатишни маконий ташкил этиш* масалалари шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босқичларида: турар жой ва ишлаб чиқариш комплексларини детал режалаштириш лойиҳаларида, шаҳарлар бош режаларида, туманни режалаштириш лойиҳаларида ҳал этилади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг хизмат кўрсатиш муассалари типологиясини ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Турар жойларни лойиҳалашдек, бу ерда вазифалар иерархияси ҳақида гап кетаяпти: алоҳида биноларни лойиҳалашдан ривожланган ҳудудий хизмат кўрсатиш тизимларини шакллантиришгача. Хизмат кўрсатиш тармоқлари яхлит шаҳарсозлик тузилмалари подсистемаларидан бирини ташкил этади.

*Хизмат кўрсатишнинг барча соҳалари* (савдо-сотик, умумий овқатланиш, таълим, медицина хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.) ижтимоий ривожланишнинг керакли ташкил этувчиларидир. Бу соҳаларни ташкил этиш миқёси ва характерини халқ ҳўжалигининг умумий манфаатлари белгилайди. Шу билан бирга ҳар бир соҳа ўзининг оптимал ташкил этиш, аҳоли жойлашуви тизимида жойлашиш, бошқа соҳалар билан кооперация бўйича мезон ва талабларга эга. Умумий ижтимоий ва соҳа вазифалари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли ижтимоий дастурларини тузишда аҳолининг эҳтиёжлари ва баҳолари мухим роль ўйнайди. Бу уч хил турли ёндошувларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда келиштирмоқ ечимларнинг умумий эффективлигини таъминлайди ҳамда эҳтиёж ва хизмат кўрсатишни тартибга солиш сиёсати йўналишини белгилайди.

Умуман, *барча хизмат кўрсатиш соҳаси* мурракаб босқичли тизимни ташкил этади, унинг куйи босқичини алоҳида муассаса ва корхоналар, ўрта босқичини – ҳудудий ва соҳа тизимлари, юқори бугинини – умумдавлат истеъмол тизими шакллантиради.

Режалаштириш ва прогнозлашнинг бошлангич асоси бўлиб мавжуд хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш кўрсаткичлари: хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан келажакда коррективроқ қилинадиган турли хил звенолари термаси ва миқдорли нисбатлари хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш тизимини соҳалараро режалаштириш асосан аҳоли жойи даражасида, бундан пастрок даражада эса локал аҳоли жойлашуви босқичида амалга оширилади. Вазифа хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишни ижтимоий режалаштириш ва шаҳарсозлик лойиҳалашни максимал ўзаро алоқасига эришишидан иборатдир.

*Жамоат хизмат кўрсатиш тизими*, ижтимоий истеъмолнинг анчагина қисмини ташкил этиб, ҳаёт фаолиятининг, ҳаёт даражасини баҳолашнинг барча томонлари билан боғлиқ. Яъни, маданий бойликлар ва хизматлар истеъмоли даражаси, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан узвий боғланган; информацион фаолият кўп жихатидан таълим таркиби, ижтимоий-маданий истеъмол билан боғлиқ; «психологик мувозанат» шароитлари дам олиш, медицина хизмати кўрсатиш ва бошқа соҳаларда шаклланади; хизмат кўрсатиш муассасаларининг мулоқот шароитларини шакллантиришдаги роли каттадир.

Хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишни прогнолаш ва режалаштириш учун *вақтни тақсимлаш прогнози* катта аҳамиятга эга. Ҳаёт фаолиятини тавсифловчи универсал кўрсаткич була туриб, вақтдан фойдаланиш кўрсаткичи истеъмол меъёрини объектив тавсифлайди. Вақтни баҳолашнинг кўп қиррали томонлари унинг ёрдамида хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишга асос булган бир қатор ижтимоий омилларни тавсифлаш имконини беради. Жараёнларнинг даврийлиги ҳақидаги кўрсаткичлар хизмат кўрсатишни кундалик, даврий ва эпизодик хилларга ажратиш ҳамда уни шаҳар ва аҳоли жойлашуви тизимида жойлаштириш муаммоларини ечиш имконини беради. Жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш хизмат кўрсатиш марказларида турли истеъмол функцияларини жойлаштириш учун асос бўлиши мумкин.

Ижтимоий-маданий истеъмол муассасаларини ривожлантириш *муассасалар таркибинини аҳолининг турли гуруҳларига хизмат кўрсатиш эҳтиёжларига мос келишини* таъминлаш вазифалари ҳамда истеъмол шакллларини кенг танлашга шароит яратиш билан боғлиқ. Бу соҳа келажаги хар хил таълим даражали, турли касб ва меҳнат турлари, турли ёш гуруҳларига, турли оилаларга қарашли аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг эҳтиёжини ўрганишни, ҳамда бу кўрсаткичларни хизмат кўрсатишни у ёки бу соҳасининг умумий келажаги кўрсаткичлари билан солиштиришни талаб қилади.

*Шаҳарнинг улчамлари* хизмат кўрсатишни ташкил этишга бир қатор жиддий талабларни қуяди. Улар хизмат кўрсатиш муассасалари номенклатурасига, уларнинг жойлашуви ва гуруҳлануви, хисоблашнинг баъзи масасаларга тегишлидир. Хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги энг муҳим моментлардан бири кўриб чиқиладиган шаҳарни аҳоли жойлашуви тизимидаги ролидир.

Шаҳарнинг аҳоли жойлари тизимида етакчилиги сифатидаги ахамияти хизмат кўрсатиш муассасаларини ҳисоблаш меъёрларини унга тортилувчи аҳолини ҳисобга олган ҳолда оширишни белгилайди.

Йирик агломерацияларда йўлдош ролини бажарувчи шаҳарлар марказий шаҳар билан маданий-маиший алоқалар билан боғланганлар. Бу ерда хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишда тескари сурат намоён бўлади: нисбатан анча паст хизмат кўрсатиш меъёрлари, марказга тортилиш, бир қатор шаўарлар учун кейинги ихтисослашиш тенденциси ва ҳ.к. Нисбатан мустақил шаҳарларгина ўрта меъёрий тавсифномаларга кўпроқ мос келадилар, уларда хизмат кўрсатиш тизими туманда хизмат кўрсатишни ташкил этишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этилади.

Конкрет шаҳарсозлик объекти учун **хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш дастури** хизмат кўрсатиш муассасалари турлари номенклатурасида, хизмат кўрсатилаётган аҳолига тегишли ҳисоб кўрсаткичларида, муассасаларни кооперациялаш ва ҳудудий гуруҳлаш бўйича умумий тавсияларда ифодаланади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг асосий бўлими бўлиб муассасаларни жойлаштириш ва жамоат марказларини маконий ташкил этиш хизмат қилади. Айни шу жойда умумий функционал - типологик ва сон параметрлари келтирилган тизимни маконий оптималлаштириш масаласи ҳал этилади.

**Оптимизациялаш тамойили** – минимал транспорт харажатларида хизмат кўрсатишни концентралашдан олинган эффеқтн таъминлашдир. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг бошқа бўлимларидагидек, бу ерда маконни, масофаларни иқтисод қилиш тамойили иш кўрсатади. Хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш моделларини минимал транспорт харажатларида максимал иқтисодий эффеқт олишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жойлаштириш моделлари билан бевосита аналогиясини кўриш мумкин. Фарқ шундаки, хизмат кўрсатишни жойлаштиришда оптимал ҳолат бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар истеъмол билан белгиланади.

Шаҳарсозлик назарияси ва амалиёти хизмат кўрсатиш тизимларини ташкил этишнинг бир қатор маконий моделларни ишлаб чиқди. **«Босқичли» хизмат кўрсатиш концепцияси** энг куп тарқалди. У аҳолининг кундалик, даврий ва эпизодик эҳтиёжларига ва яшаш жойидан тегишли хизмат кўрсатиш муассасаларигача бўлган чегаравий етарлилик радиусларини меъёрлашга асосланади.

Бу ечимнинг алтернативаси сифатида **«коммуникатив»** хизмат кўрсатиш тизими таклиф этилади, унда шаҳар хизмат кўрсатиш тизимини уй жойга яқин булган **кундалик** ва шаҳарнинг аҳоли яшовчи элементлари бўйича ажратилмаган ва коммуникацияларга яқинлаштирилган **умумшаҳар** марказлар турларига бўлинади.

Жамоат хизмат кўрсатиши функциялари ривожланишининг ўсиб бораётган динамикаси марказнинг узоқ фаолият даврини, унинг «маънавий барқарорлигини» таъминлаш каби комплекс муаммоларни ечишни талаб қилади. Марказни ташкил этишнинг бикирлик, динамиклик вазифалари **марказ функциялари ривожланиши прогнозини** ишлаб чиқиш, унинг аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқасини, марказга туташувчи транспорт коммуникациялари ва шаҳарнинг бошқа қисмларини ривожланишини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Умумшахар ахамиятидаги марказлар энг куп функционал мобиллиги билан характерланади. Жамоат хизмат кўрсатишнинг ривожланиш келажagini билиш марказ бикирлигини таъминловчи шаҳарсозлик усуллари тугрисида гапириш имконини беради. Бу худуддан фойдаланишда ўзгаришларни таъминлови тархий резервларга ва иншоотлардан фойдаланишдаги трансформация билан боғлиқ бўлган функционал – конструктив резервларга тегишлидир. Охир оқибат ечим бугунги кундаги резервлар билан боғлиқ харажатлар ҳамда кутилаётган эффеќтни солиштиришга бориб таќалади.

Турар жой тумани марказининг ўзгаришларга йўликиш даражаси кам, бунинг устига у маълум даражада шаҳарнинг, шаҳарга талпинувчи аҳолининг ўсиши, умумшаҳр қисмларга бўлинишидаги ўзгаришлар, умумшаҳар коммуникацияларининг ривожланиши каби «ташқи» омиллар таъсиридан ажратилган бўлиши лозим. Турар жой туманини ва унинг таркибида хизмат кўрсатиш марказларини ажратиш вазифалари турар жой комплексларининг барқарор ишлаш шароитларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Турар жой тумани марказининг ривожланиш динамикаси масалалари биринчи навбатда хизмат кўрсатишнинг таркиби ва сон кўрсаткичларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

12. Шаҳарнинг ижтимоий ривожланиш аспектида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг роли қандай?
13. Маданий-маиший хизмат кўрсатишни маконий ташкил этиш қандай шаҳарсозлик босқичларини ўз ичига олади?
14. Жамоат хизмат кўрсатиш тизими билан боғлиқ аҳоли турмуш даражасини баҳолашнинг асосий томонлари хақида сўзлаб беринг.
15. Хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишда ваќт таќсимотининг роли қандай?
16. Аҳолининг турли гуруҳлари хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этишга ва таркибига қандай таъсир кўрсатади?
17. Шаҳар ўлчамларининг хизмат кўрсатиш муассасалари номенклатурасига таъсири хақида сўзлаб беринг.
18. Тегишли муассасалар, хизмат кўрсатиш меъёрлари ва таркибини шаҳарнинг аҳоли жойлашуви тизимидаги ролига қандай боғлиқлиги бор?
19. Хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишнинг қандай турларини биласиз, уларнинг хусусиятлари нимадан иборат?
20. Турар жой тумани жамоат марказининг шаҳар жамоат марказидан фарқи, ўзига хослиги нималардан иборат?
21. Умумшаҳар маркази функцияларини ривожлантириш прогнози нима учун керак?
22. Турар жой тумани марказини ривожлантириш динамикаси нима билан боғлиқ?

### 5.3. Дам олиш ғисмлари ва комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.

Дам олиш муассасалари ва жойларини маконий ташкил этиш босқичлар иерархиясидан иборат бўлиб, уларни ташкил этиш шаҳарсозлик-лойиҳалаш ишлари босқичлари ва даражалари билан боғлиқ холда амалга оширилади.

Рекреацион тизимларнинг **бош ва регионал тузилмалари босқичида** дам олишнинг хар хил турлари ва шаклларида умумий эҳтиёжлар аниқланади, дам олиш муассасалари ва ҳудудларини ҳисоблаш меъёрлари ишлаб чиқилади; рекреацион оқимлар, жумладан дам олувчилар, туристлар, курортчилар прогнозлари ишлаб чиқилади; умумреспублика ва регионал ахамиятдаги рекреацион марказ ва қисмлар, уларнинг функционал типологияси ва сизими, регионл курорт-рекреацион тизимларнинг умумий таркиби аниқланади.

**Туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳаларида** қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, курорт даволаниши, туризм туманларини ривожланиш концепцияси ва тархий таркиби ишлаб чиқилади; ҳисоб кўрсаткичлари, муассасалар ва ҳудудлар типологияси аниқланади. Бунда лойиҳаланаётган тархий туман аҳолисининг дам олишга бўлган эҳтиёжи ва дам олувчи ҳамда туристларнинг ташки оқимлари комплекс ҳисобга олинади.

**Аҳоли жойлари бош режалари босқичида** аҳоли жойида ёки махсус рекреацион қисмларда ташкил этиладиган ихтисослашган дам олиш, туризм ёки курорт дам олиш қисмлари, тархий ечимлари ишлаб чиқилади.

Рекреацион қисм ва объектлар барча шаҳар ва аҳоли жойлашуви туманларида, аҳолининг дам олишга бўлган эҳтиёжини қондирган холда, шаклланади. Шу билан бирга баъзи аҳоли жойлари ва ҳудудлар учун халқ хўжалигида курорт-рекреацион функцияси етакчи роль ўйнайди. Рекреацион функциялар қимматли ва ўлкан курортологик, рекреацион ва туристик ресурслар асосида амалга ошади. Ҳудудни камраб олиш бўйича қуйидаги рекреацион тузилмаларни ажратиш мумкин:

**регионал босқичдаги курорт-рекреацион тизими** – хўжалик ривожланишида курорт рекреацион функция етакчи йўналиш бўлган республика, вилоят ҳудудининг бир қисми (масалан, Наманган вилоятининг курорт туманлари, Тошкент вилояти Белдерсой дам олиш қисми);

**курорт-рекреацион тумани** – ўзаро боғлиқ даволаш-соғломлаштириш комплекслари, рекреацион хизмат кўрсатиш билан боғлиқ аҳоли жойлари, дам олиш учун мулжалланган табиий ҳудудлардан иборат бир ёки бир неча маъмурий туман миқёсидаги ҳудудий тузилма;

**курорт шаҳри ёки посёлқаси, туристик марказ-шаҳар** – даволаш, дам олиш ёки туризм функцияси шаҳар ташкилий комплексда етакчи урин эгаллаган аҳоли жойлари;

**курорт комплекси** (дам олиш, туризм комплекси) – курорт-соғломлаштириш муассасалари гуруҳи, улар мустақил бирлик бўлиши ёки шаҳар қурилмаларига қўшилиши мумкин.

Рекреацион фаолият таркиби ва дам олиш ҳудудлари ва комплексларини ташкил этишни тавсифловчи асосий параметрлар бўлиб: дам олиш вақтининг умумий давомийлиги, рекреацион фаолият турлари ва шакллари таркиби кабилар хизмат қилади. Шу кўрсаткичлар бўйича дам олишни қуйидаги турларга: қисқа вақтли (хафталик) ва узоқ муддатли; дам олишнинг ўзи, курорт даволаш ва туризм кабиларга бўлинади.

Айтилган дам олиш турларининг хар бири: махсус туманларда, регионал ва умумреспублика ахамиятидаги дам олиш махсус туманларида, қисмларида ва аҳоли жойлари-марказларида; шаҳар яқинидаги қисмларда; шаҳарнинг ўзида жойлашади. Шундай қилиб, **ҳудудий-рекреацион тизим** босқичли ўзаро бўйсунган элементлар: шаҳар ва посёлкалар, аҳоли жойлашуви туманлари ва регионлардаги рекреацион муассасалар, комплекслар, дам олиш қисмлари ва туманлари йиғиндисидан иборатдир. Рекреацион тизим дам олиш, курорт ва туризм марказларининг ўзини, ҳамда дам олувчиларга хўжалик хизмат кўрсатувчи кадрлар яшайдиган марказларини ўз ичига олади.

Курорт - рекреацион тизимларни **лойиҳалаш учун асос** бўлиб аҳолини дам олиш ва даволашнинг турли шаклларига эҳтиёжини, аҳоли турли ижтимоий-демографик гуруҳларининг турли регионаларнинг специфик эҳтиёжларини ҳамда дам олиш жойлари билан таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларни билиш хизмат қилади.

Энг долзарб вазифа - табиий муҳитни кўриклаш вазифаларини ечиш билан бирга рекреацион ресурсларда рационал фойдаланишдан иборат.

Инсоннинг ижтимоий ва рухий кучларини қайта тиклашнинг асосий йўлларида бири – дам олиш кунларидаги **қисқа муддатли дам олишдир**. Дам олишнинг турли хилларига тугри келадиган йиллик вақт бюджетининг 60% га яқини хафталик дам олиш билан боғлиқ. Қисқа муддатли дам олиш шаҳар кўкаламзор ҳудудларида (боғлар, парклар ва бульварлар) ва шаҳар яқинидаги паркларда амалга оширилади. Шаҳар парклари етарлилик имтиёзига эгадир, аммо ҳудудларининг чекланганлиги туфайли дам олишнинг керакли шакллари ярата олмайди.

Шаҳар яқинидаги қисмда қисқа ва узоқ муддатли дам олиш ҳудудий жиҳатдан мос тушади. Масалан, ёз даврида узоқ муддатли дам олиш қисмлари (дам олиш базалари, ёшлар лагерлари) ҳамда табиий ҳудудлар бир вақтнинг ўзида қисқа муддатли дам олувчиларнинг тупланиш жойи бўлиб хизмат қилади.

**Аҳолини дам олишнинг хар хил турларига бўлган эҳтиёжи** унинг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат режими, аҳоли жойлашуви шароитларига боғлиқ. Масалан, узлуксиз режимли ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлган шаҳарларда хафта давомида дам олиш кунларининг сурилувчи графиги мавжуд бўлиб, рекреацион босимининг нотекислиги теқисланади ҳамда дам олиш муассасалари ва ҳудудларига бўлган бир вақтнинг ўзидаги эҳтиёж камаяди.

Дам олиш қисмларига бир вақтнинг ўзидаги босим ва умумий қатновнинг кўрсаткичлари уларнинг лойиҳавий сигимини (хажмини) аниқлашга асос бўлади. Бунда ландшафтни унинг рекреацион босимларга барқарорлиги билан аниқланадиган табиий сигими, шаҳарсозлик тадбирлари билан: режалаштириш,

ободонлаштириш, ҳудудни инженерлик тайёрлаш ва жихозлаш ҳамда ландшафтга интенсив қараш орқали амалга оширилиши мумкин.

Оммовий дам олиш шакллари ривожлантириш ва кенгайтириш шу соҳадаги ижтимоий асослаш ва шаҳарсозлик ечимларини ишлаб чиқишнинг умумий йўналишини белгилайди:

аҳолининг ижтимоий-демографик таркибини акс эттирувчи дам олишга бўлган кўп қиррали эҳтиёжларини, дам олиш муассасалари ва ҳудудлари типологияси ва ҳисоб-китоб меъёрларини ишлаб чиқишдаги меҳнат ва регионал хусусиятларини ҳисобга олиш кераклиги;

дам олиш муассасалри турлари ва сизимини мавсум талаблари ва циклик мослигини рекреацион ресурслардан фойдаланиш умумий эффективлиги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш (шу жумладан дам олувчиларга хизмат кўрсатишда машгул бўлган меҳнат ресурслари), шу мақсадда турар жойлар ва хизмат кўрсатишнинг мобил шакллари анча кенгрок фойдаланиш;

шаҳар, шаҳар яқинидаги, регионал ва умумреспублика дам олиш тизимининг функцияларини рационал тақсимлаш ва уларни ўзаро ҳудудий таъсири билан комплекс ривожлантириш;

дам олиш ҳудудларини тархий ечимлар ва инвестицияланиши бўйича рекреацион босимлар фарқи ва табиий ландшафтларни муҳофазалаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ажратиш.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

11. Бош ва регионал рекреацион тизимларни ривожлантириш тузилмалари босқичларида қандай асосий вазифалар ечилади?
12. Туманни режалаштириш тузилма ва лойиҳалари босқичларида дам олишни ташкил этишнинг қандай вазифалари кўриб чиқилади?
13. Аҳоли жойлари бош режаларида дам олишни ташкил этишнинг қандай масалалари кўриб чиқилади?
14. Рекреацион тизимларнинг турлари қандай аниқланади? Уларнинг асосийларини тавсифлаб беринг.
15. Рекреацион фаолиятнинг таркибини белгиловчи асосий параметрларни тавсифланг.
16. Ҳудудий-рекреацион тизимлар нима?
17. Курорт-рекреацион тизимларни лойиҳалаш учун нима асос бўлади?
18. Қисқа муддатли дам олиш деганда нимани тушунаси?
19. Аҳолининг хар хил дам олиш турларига эҳтиёжи нималарга боғлиқ?
20. Оммавий дам олиш шакллари ривожлантириш соҳасида ижтимоий асослаш ва шаҳарсозлик ечимларини ишлаб чиқиш бўйича умумий йўналишни нима белгилайди?

### **5.4. Ишлаб чиқариш объектлари.**

**Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш** – шаҳарсозлик ижтимоийётининг махсус кенгайтирилган холда кўриб чиқишни талаб қилдиган катта бўлиmdir. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш ва транспорт, саноат сохаларининг характери ва маконий ташкил этишдаги фарқ шу соҳадаги ижтимоий дастурларни умумлаштириб ифодалаш имконини бермайди. Шунинг учун биз ишлаб чиқариш, авваламбор, саноат объектларини лойиҳалашни ижтимоий асослашнинг баъзи бир, энг умумий масалаларига тухталиб ўтамиз.

Турар жойни шакллантиргандек, **саноат объектларини лойиҳалашда бир нечта босқични** ажратиш лозим. Уларнинг асосийлари: саноат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, шаҳар миқёсида саноат комплекслари ва қисмларини шаҳарсозлик ташкил этиш, регионал босқичда ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларини шаклланишидир. Айтилган босқичларнинг ҳар бири лойиҳалашнинг тегишли ижтимоий-функционал дастурларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш вазифалари: шаҳарсозлик воситалари билан ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш имкониятларини таъминлаш; индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишга шароитлар яратиш; меҳнатни рационал техник жиҳозлашга маконий шароитлар яратиш киради. Шу билан бир қаторда бугун ишлаб чиқаришни концентрлашнинг соҳани монополлаштириш, назорат имкониятларининг ёмонлашуви, табиий муҳитга салбий таъсир курса-тиш, транспорт харажатларининг усиши билан боғлиқ негатив тамонлари янада кўпроқ аниқланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бир қатор сохаларида, авваламбор истеъмол таварларни ишлаб чиқаришда эҳтиёжларни анча бикир ва мобил кон-дирувчи урта ва кичик ишлаб чиқаришни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Кичик корхоналар сонининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг кооператив шакллари ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, корхоналарнинг умумий тар-киби ва оптимал параметрлари регион ва шаҳар босқичларида конкрет ишлаб чиқариш, сохалар ва сохалараро алоқаларни ташкил этиш талабларидан келиб чиқади.

**Лойиҳаолди таҳлилининг** вазифаси ишлаб чиқариш комплексларини функционал таркибини аниқлаш ва жойлаштиришда табиий, техноген ва меҳ-нат ресурсларини комплекс ижтимоий-иқтисодий баҳолашдир. Бу ерда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига ижтимоий режалашнинг муҳим бўлими сифатида тўхталиб ўтамиз. Меҳнат ресурсларидан уларнинг квалифи-кацияси, меҳнат укуви, жинс ва ёш таркибини ҳисобга олган холда рационал фойдаланиш – ишлаб чиқаришни режали ривожлантиришнинг асосидир. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда жамоат ишлаб чиқаришга шаҳарнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини энг кўп жалб қилишини таъминловчи иш жойларининг мувозанатли нисбатини назарда тутмоқ лозим. Шу мақсадда шаҳарда турли саноат ихтисослигидаги корхоналарни ҳам эркак, ҳам аёллар меҳнатидан фойдаланиш имкониятларини ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ква-лификациясини ҳисобга олган холда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.



Аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятини шаҳарсозлик ташкил этишнинг муҳим томони бўлиб рационал **мехнат коммуникациялари тизимини** шакллантириш хизмат қилади. Бугунги кунда йирик шаҳарларда аҳолининг иш жойларига боришга кетадиган вақт харажатлари кунига 1.5 – 2 соатни ташкил этади. Бу харажатларни қискартириш нафақат эркин вақт резервини ошириш, балки бир вақтнинг ўзида у мехнат унумдорлигини оширишга ҳам таъсир кўрсатади. Мехнат алоқалари тизимини такомиллаштириш мехнат ресурсларини анча рационал тақсимлаш имкониятларини белгилайди.

Айтилган муаммони шаҳарсозлик воситалари билан ечишга: мехнат бўйича мувозанатлашган ишлаб чиқариш-аҳоли яшовчи тизимларининг шаклланиши; ишлаб чиқаришнинг ортиқча концентрлашувини бартараф қилишда; коммуникациялардан эффектив фойдаланиш нуктаи назаридан ишлаб чиқариш ва аҳоли яшаш ҳудудларини рационал қисмларга бўлиш; транспорт магистраллари ва маршрутларини рационал трассалаш киради. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш комплексларини жойлаштириш ва ривожлантиришда аҳоли жойлашувини характерини, мехнат миграциялари миқёси ва таркибни олдиндан аниқлаб, ҳисобга олиш лозим.

Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашнинг муҳим ижтимоий томони **атроф мухитини кўриклашдир**. Шаҳар мухитини ва шаҳарни ураб турган табиий ландшафт элементларини ифлослантиришнинг асосий манбаълари – саноат ишлаб чиқариши ва транспортдир. Мухитни кўриклашнинг иккита ижтимоий томонини кўрсатиш мумкин. Биринчиси – аҳоли ҳаёт фаолиятининг асоси сифатида табиий мухитни сақлаб қолиш масаласи ва иккинчиси – шаҳар мухити шароитида инсоннинг ўзини «кўриклаш»га қаратилган ижтимоий-гигиеник томонидир.

Ишлаб чиқариш комплексларини шакллантиришда айтилган масалаларни ечиш бўйича бир қатор шаҳарсозлик чоралари ишлаб чиқилади. Уларни асосийларини кўриб чиқамиз.

Табиатни кўриқлаш мақсадлари ишлаб чиқаришни шундай ҳудудий гуруҳлаш ва кооперациялаш талабларини илгари сурадики, улар ижтимоий-иқтисодий эффект билан бир қаторда **ишлаб чиқариш чиқиндиларини утиллаштириш** ва атроф-мухитга босимни камайтириш ҳисобига экологик эффектни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш комплекслари учун атроф мухитни қуриқлаш ва қайта тиклаш бўйича умумий тадбирлар ўтказишни кўзга тутиш лозим. Шунинг учун комплекс корхоналари таркибига, ҳудудда корхоналарни энг рационал гуруҳлашга бўлган шаҳарсозлик талаблари аниқланади. Ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш шаҳарсозлик қисмларга бўлиш тизимида саноатни жойлаштириш меъёрларини мухитни сақлаш нуктаи назаридан даврий кўриб чиқишни талаб қилади.

Мухитни кўриқлаш бўйича тадбирлар кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, уларни шаўар мухити табиий компонентларини химоя қилиш бўйича чоралар кўриш (хаво, сув, тупроқлар, ўсимликлар); шаҳар аҳолиси ва корхоналар хизматчиларини шовқин, вибрация, иссиқлик юкланишлари ва бошқалардан химоялаш чоралари; шаҳар мухитини кўриқлашнинг бир қатор масалаларини комплекс ҳал этувчи шаҳарсозлик чораси сифатида санитар-

химоя қисмини шакллантириш; бузилган ерларни рекультивциялаш ва улардан рационал фойдаланиш кабиларга бўлиш мумкин.

*Хаво ва сув хавзаларини, тунроқ ва ўсимликларини химоялаш* аҳолининг санитар-гигиеник комфортини таъминлашга ҳамда шаҳарда табиат комплекси элементларини қайта ишлаб чиқариш табиий жараёнларини сақлашга йўналтирилган. Бу масалани ечишнинг шаҳарсозлик томонлари: ландшафт табиий характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарни рационал қисмларга бўлиш; зарарли чиқиндиларни анча тула локализациялашни таъминловчи ишлаб чиқариш комплекси доирасида қисмларга бўлиш; химоя қисмларни шакллантириш ва улардан рационал фойдаланиш; шаҳарни ўраб турган ҳудудларни санитар-гигиеник талаблар ҳамда табиий комплексларни техноген босимларга мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ҳудудларини жойлаштиришда ҳисобга олиш.

Аҳолини корхоналар ва шаҳар транспорти иши билан боғлиқ *шовкин ва вибрациялардан химоялаш* ҳам рационал қисмларга бўлиш орқали таъминланади ва бир вақтнинг ўзида шовкиндан химоялаш экранларини шакллантириш, махсус тархий ва конструктив ечимга эга иморатлардан фойдаланиш, вертикал режалаштиришнинг турли усулларини кўллаш ва х.к. чораларни з ичига олади.

Шаҳарнинг ишлаб чиқариш қисмини лойиҳалашда химоя тадбирларини ўтказиш айниқса долзарбдир. Биз ишлаб чиқариш комплекслари *санитар-химоя қисмларини шакллантиришдек* шаҳарсозлик вазифасини ҳозирги шароитдаги ишлаб чиқариш технологиялари ва зарарли чиқиндиларни тозалашдаги камчиликларга энг таъсирчан компенсация воситаси сифатида ажратамиз. Бу масала йирик оғир саноат корхоналарини лойиҳалаш учун айниқса долзарбдир.

Химоя қисмларнинг таъсири эффективлиги ҳудудни рационал-тархий ташкил этиш, параметрларини оптималлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун санация хусусиятларига эга бўлган ўсимликлардан фойдаланиш орқали таъминланади.

Шу билан бирга муҳитни ифлослантириш манбаъларини ва бошқа шаҳар ҳамда шаҳар ташқарисидаги қисмларни ҳудудий ажратиш муаммони туғри ечолмайдиган мажбурий чора эканлигини тушуниш лозим. Бу юқори урбанизациялашган туманларда янада яққол билинади. Ишлаб чиқаришни шаҳардан узоқлаштириш табиий муҳитни кўриқлашни таъминламайди, у шунингдек ишлаб чиқаришнинг усиши билан етарли булмаслиги мумкин. Шунинг учун экологик ҳолатни яхшилашнинг бош йўналиши бўлиб ишлаб чиқаришни чиқитсиз циклларини ривожлантириш ва чиқитларни тозалашнинг ишончли технологиясини кўллашни ҳисоблаш лозим.

Ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси – *бузилган ҳудудларни ўзлаштиришидир*. Бу муаммонинг ижтимоий томонлари шаҳар ва туманни бу ҳудуддан фойдаланиш эҳтиёжларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий талабларни ва ландшафт реконструкциясининг экологик кўрсаткичларини комплекс ҳисобга олиш нуқтаи назаридан бузилган майдонлар ва қисмлардан фойдаланишнинг йқналишларини белгилаш билан боғлиқ. Қазиб олиш саноати туманларида саноат ва турар жой қисмларини ривожлантириш

учун худуд танлаш хам анчагина жиддий муаммодир, хусусан фойдали қазилмалари бор қисмларда қурилмаларни жойлаштириш бўйича ёки аҳолини меҳнат қисмларига етказишни таъминлаб, уларни эркин худудларга чиқариш бўйича ечимларни ижтимоий-иқтисодий солиштириш шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, **саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонларига:** ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ишчиларнинг индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишни, меҳнатни эффектив техник жихозлашни хисобга олган ҳолда лойиҳалаш дастурини ишлаб чиқиш; саноат корхоналарини рационал гуруҳлаш, шаҳарсозлик қисмларига бўлиш ва бузилган худудларни рекультивация қилиш воситалари билан атроф муҳитни муҳофазалашни таъминлаш қиради.

Айтилган томонларнинг ахамияти лойиҳалашнинг ҳар хил босқичлари учун турличадир. Масалан, **иморат ва иншоотларни лойиҳалашни ижтимоий асослашда** индивидуал меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни техник жихозлашни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш кўрсаткичлари қатта роль ўйнайди, ижтимоий дастурлар бевосита меҳнат жараёнлари муҳитини шакллантиришга йўналтирилади.

Шаҳар саноат қисмлари ва комплексларини лойиҳалаш босқичида саноат корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ва экологик эффективлик талаблари бўйича гуруҳлаш, саноат комплексида керакли дам олиш муассасалари ва худудлари йигинидисини тузиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бир қатор ҳолларда ривожланган илмий-техник марказларни шакллантириш вазифалари туради. Шаҳарни лойиҳалаш босқичида муҳим вазифа бўлиб меҳнат балансини, аҳолининг ижтимоий-қасбий ва демографик таркибига мос меҳнат жойларининг керакли хилма хиллигини таъминлаш хизмат қилади. Шаҳарни қисмларга булиш тизимида саноат комплексларини жойлаштиришда аҳолининг меҳнат ҳаракатлари талабларини, корхоналар ишлаб чиқариш алоқаларини ва атроф муҳитни кўриқлаш вазифаларини комплекс ҳисобга олиш лозим.

**Туманни режаслаштириш ва региона аҳоли жойлашуви босқичида** ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш хўжалик худудий таркибини оптималлаштириш ва ресурслардан комплекс фойдаланиш билан боғлиқ. Бу босқичда ечимнинг энг муҳим томонлари бўлиб худуднинг меҳнат, табиий ва техноген ресурсларини умумий ва соҳа бўйича ижтимоий-иқтисодий баҳолаш; вилоят ва республика туманлари бўйича ишлаб чиқаришни тақсимлаш нисбатларини аниқлаш; худуднинг иқтисодий ва демографик сизимини аниқлаш; турли ўлчамли ва халқ хўжалиги профилидаги шаҳарларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича ечимлар қабул қилиш ҳисобланади. Бу босқичда ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этиш саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш турлари бўйича қисмларни комплекс кўриб чиқиш талабларини ўз ичига олади.

**Такрорлаш учун саволлар:**

13. Саноат объектларини лойиҳалашда қандай асосий босқичларни ажратиш мумкин?
14. Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашга қандай вазифалар киради?
15. Корхоналарнинг умумий таркиби ва оптимал параметрлари нималарга боғлиқ?
16. Ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш соҳасида лойиҳаолди тахлили нималарни ўз ичига олади?
17. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш ижтимоий режалаштиришнинг муҳим бўлими сифатида.
18. Мехнат коммуникацияларининг рационал тизимини шакллантириш – аҳолининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишни муҳим томони.
19. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда атроф муҳит муҳофазаси.
20. Ишлаб чиқариш қисмлари ва комплексларини шаҳарсозлик лойиҳалашда табиатни кўриқлаш бўйича қандай асосий тадбирлар ҳисобга олиниши мумкин?
21. Ишлаб чиқариш комплекслари санитар-химоя қисмлари тўғрисида нималарни биласиз?
22. Бузилган ҳудудлар муаммоларининг ижтимоий томонлари нималардан иборат?
23. Саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонлари нималарни ўз ичига олади?
24. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ижтимоий томонини кўриб чиқувчи лойиҳа ишларининг асосий босқичларини тавсифланг.

## **VI БОБ. АТРОФ МУХИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ РОЛИ.**

### **6.1. Шаҳарсозликнинг экологик билимлар тизимидаги ўрни.**

Шаҳарсозликнинг яшаш муҳитини шакллантиришдаги актив иштироки унинг комплекс ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечшдаги ролини кўриб чиқишни талаб этади. Конкрет лойиҳалар ва шаҳарсозлик объектларининг амалга ошуви интеграциясида инсонни ўраб турган муҳитнинг натижавий сифат ва имкониятлари шаклланади. Муҳитнинг алоҳида, реал боғланмаган элементларини шакллантирувчи ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан фаркли ўлароқ, архитектура ва шаҳарсозлик муҳитни инсоннинг яхлит атрофи сифатида: квартира ва корхонанинг ишлаб чиқариш муҳитидан, шаҳар ва аҳоли жойлашуви туманигача шакллантиради. Бу *барча шаҳарсозлик фаолиятида экологик ёндошувларнинг мажбурийлигини* белгилайди. Бу бир томондан, ҳозирги замон урбанизацияси олиб келган жиддий экологик бузилишлар ва уларни бартараф этиши билан боғлиқ. Бошқа томондан, шаҳарсозликнинг кенг ҳудудий миқёсларда экологик ҳолатни такомиллаштиришдек конструктив имкониятлари билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда экология тушунчасининг инсонга нисбатан аниқлашда анчагина ҳар хилликни кўриш мумкин. «Глобал экология», «ижтимоий экология», «инсон экологияси», «атроф муҳитни кўриқлаш» каби терминлардан

фойдаланилади. Бу тушунчаларнинг мазмуни ҳам турличадир. Бир хил ҳолатларда инсон ва табиий мухит муносабатларига, асосийси табиатни кўриқлаш масалаларига имтиёз берилади. Бошқаларида гап инсоннинг мухит билан, бу сўзнинг кенг маъноси тушунчасида ўзаро муносабатлари, мухит тушунчасига ландшафтнинг ҳам табиий, ҳам антропоген компонентлари кўшилиши ҳақида ва инсон ҳамда унинг атрофи ўзаро муносабатларининг нафақат жисмоний ва иқтисодий, балки ижтимоий, психологик, маънавий ва кенгрок - дунёкараш томонларини кўриб чиқиш ҳақида боради.

Инсоннинг яшаш мухити билан муносабатлари муаммоларини кенг тушуниш «инсон экологияси» термини билан белгиланиши мумкин. Бу ҳолда инсон унинг биопсихологик ва ижтимоий эҳтиёжлари ва қизиқишларининг бутун йиғиндиси билан кенг тушунилади. Худди шундай, «мухит» тушунчаси, инсон ҳаёт фаолиятининг моддий ва маънавий имкониятларини ўзида тутган ҳолда, кенг тушунилади. Кейинги баёнларда худди шу терминдан фойдаланилади.

**Инсон экологияси** ўз ичига дунёкараш ва амалий бўлимларни олган яхлит фан сифатида, ўзининг предмети қилиб инсоннинг (унинг ижтимоий ва биологик мазмунида) атроф мухит билан бутун муносабатлари комплексини кўриб чиқади. У бугунги кунда кўп соҳаларда: технологик, биологик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсат соҳаларда ечимлар қабул қилишни белгилайдиган илмий билимларнинг муҳим соҳасига айланмоқда. **Инсон ва мухит муносабатларини комплекс ўрганиш лозимлигини** такидлаш лозим, чунки бу муносабатлардан бирини алоҳида кўриб чиқиш энг яхши ҳолларда хусусий муваффақиятларга олиб келиши мумкин, аммо экологик мувозанатнинг анча умумий бузилиши кузатилиши мумкин. Айтилганлар экологик билимларни соҳаларга билишдан воз кечиш керак дегани эмас, бундай билишдан кечиб бўлмайди. Муҳими, шундан келиб чиқиш керакки, билим соҳалари ўзаро боғлиқ ва ягона фанни шакллантиради, унинг асосий коидалари ҳар бир соҳадаги билимлар ва ечимлар қабул қилишнинг интеграциялаш асосини ташкил этади.

Инсон ва яшаш мухити муносабатлари уни моддий ўзгартиришда, «иккинчи табиат» - антропоген мухит яратишда акс этади. Бир вақтнинг ўзида инсоннинг ўзи ҳам руҳан, ҳам жисмонан ўзгаради. Мухитни моддий қайта ўзгартиришда, иморат ва иншоотлар кўришда, инженерлик инфраструктурасини яратишда, «нарсалар дунёси» эволюцияси акс этади. Архитектура-шаҳарсозлик фаолияти ривожланаётган технологияларга, инсон эҳтиёжи ва муносабатларига конкрет жисмоний шакллар бериб моддий иккинчи табиатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шаҳарсозлик, ҳудудий лойиҳалаш соҳасининг барча босқичларида алоҳида иншоотлар комплексидан регионал ва глобал аҳоли жойлашуви тизимларигача камраб олиб, табиий-антропоген ландшафт сифатида шаклланадиган ва яшаш мухити бўлиб хизмат қиладиган охирги натижа учун масъул фандир.

Бугунги барча экологик доктриналар инсоннинг истиснолигини, ва тегишли табиатдан фойдаланиш эркинлигини, аниқроғи табиатни истеъмол қилишни тан олишга асослангандир. Шунинг учун келажакнинг долзарб муаммоси бўлиб, бугунги кунда қабул қилинган кадриятлар йўналиш тизимини енгиб ўтувчи янги дунёкарашлар нуктаи назарини ишлаб чиқиш хизмат қилади. Ин-

сонга истеъмолни янада ўстиришни, табиатни инсон учун сақлаш орқали таъминлаш йўналиши урнига инсон ва табиат уйғунлиги, инсон фаолияти табиат қонунларига мувофиқлиги йўналиши қабул қилиниши керак. Бунда шуни эсда тутмоқ лозимки, инсон тўғрисидаги «табиат подшоси» деган тушунча нафақат жисмоний мувозанатни йўқотишга балки инсоннинг маънавий бузилишига олиб келади. Инсоннинг табиат билан ижодий ҳамкорликда қатнашуви билан боғлиқ ва табиат қонунлари бўйича шаклланган қийматлар ва стереотиплар – табиат билан янги муносабатлар этикаси, янги инсон экологияси пайдо бўлишининг бундан кейинги йўли ва зарур шартидир.

Архитектура ва шаҳарсозлик анъанавий мухитни берилган хоссалари (имкониятлари, ресурслари) бўйича комплекс шакллантиришга йўналтирилгандир. Бунда шаҳарсозлик дастурлари анъанавий инсон эҳтиёжларининг кенг комплексини (биологик, психологик, иқтисодий, эстетик) ўз ичига олади. Архитектура-шаҳарсозлик стереотиплари эволюцион йўл билан ривожланиб, шаҳарсозлик маданиятини шакллантирган. Архитектура-шаҳарсозлик стереотипларда кўп қиррали истеъмол баҳоларини интеграциялаш, уларнинг комплекслилиги, мухит хоссаларини тарихан анча давр мобайнида барқарор қайта ишланиши (уйлар турлари, шаҳар жамоат маконлари турлари) **архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини ўз табиати бўйича экологик деб ҳисоблаш имконини беради.**

Бир вақтнинг ўзида вужудга келаётган экологик муаммоларнинг ўлканлиги англанади. Миқёси ва кўп қирраллиги бўйича комплекс усувчи экологик муаммоларни билимларнинг қайси соҳаси ечиши керак? Булиши мумкин вариантлар: география, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, шаҳарсозлик. Реал ҳаётда гап вариантлар устида эмас, балки бу билимлар соҳаларида ҳамкорлик устида кетаяпти. Биз учун **бу ҳамкорликда шаҳарсозликнинг иштироки лозимлигини кўрсатиш муҳимдир. Унинг роли қуйидаги касбий имкониятлар билан белгиланади:** ёндошувларнинг конструктивлиги (анъанавий географиядан фарқли ўлароқ), ечимларнинг инженерлик характери (иккала айтилган фанлардан фарқли), ечимлар қабул қилишни асослашнинг комплекслилиги (иқтисодий, ижтимоий, медицина-санитар, эстетик), ечимлар қабул қилишнинг илмий ва инженерлик услублари билан бирга бадий-ижодий услубларни ҳам қўллаш имконияти мавжудлиги. Охирги аргумент жуда муҳим, лекин бугунги кунда тула ахамиятга олинмаяпти. Шу билан бир қаторда айтилган бошқа фанларнинг шаҳарсозлик муаммоларини ечишда қатнашуви лозимлигини такидлаш лозим. Шунинг учун, умумий экологик билимлар тизимида шаҳарсозликнинг келажакдаги ролини кўриб чиқа туриб, биз шаҳарсозлик тушунчасига шаҳарсозлик ечимларини қабул қилиш билан боғлиқ барча фанлар йиғиндисини қўшамиз.

### Такрорлаш учун саоллар:

6. Инсон экологияси яхлит фан сифатида. Унинг предмети нима?
7. «Иккинчи табиат»нинг мазмуни нимадан иборат?

8. «Истеъмолчилар» жамияти маданияти стереотипларини енгиб ўтишнинг қандай йўлларини биласиз?
9. Архитектура-шаҳарсозлик фаолиятининг ўз табиати бўйича экологиклиги нималардан иборат?
10. Шаҳарсозлик фаолияти муҳитни экологизациялаш умумий тизимида қандай имкониятларга эга?

## **6.2. Ҳаёт фаолияти муҳитини ижтимоий баҳолаш ва уни шакллантиришда шаҳарсозликнинг роли.**

Шаҳарсозлик кенг доирадаги экологик муаммоларни ечишда иштирок этади. Уларга қуйидагилар киради:

9. Муҳитни унинг табиий, санитар-гигиеник ва иклимий параметрларида акс этган ҳаётга яроқлилигини таъминлаш;
10. Технологиялар ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш имкониятларини ишлаб чиқаришни рационал-худудий жойлаштириш, ишлаб чиқариш биноларини ва иншоотларини қуриш, иморат ва худудларни инженерлик жихозлаш орқали таъминлаш;
11. Аҳолининг ижтимоий функцияларини: турар жой, таълим, хизмат кўрсатиш, дам олиш, бошқариш ва бошқаларни худудий ташкил этиш ва кўриш воситалари орқали таъминлаш;
12. Яшаш ва мулоқотнинг психологик комфортини тегишли маконларни шакллантириш, уларни бирлаштириш ёки булиш орқали таъминлаш;
13. Муҳитда ижтимоий ва маконий адаптация, ижтимоий назорат ва худудий хамжамиятларни шакллантириш имкониятларини яратиш;
14. Атроф муҳит эстетик сифатини таъминлаш;
15. Ҳаёт фаолияти шароитлари ва ишлаб чиқариш ресурслари сифатида атроф-муҳитни кўриклаш ва қайта ишлаш;
16. Муҳит тарихий-маданий ёдгорликларини муҳофазалаш.

Бу томонларнинг руйхати шаҳарсозликни экологик дастурларда кенг қатнашиши тўғрисида гувоҳлик беради. Бу масалаларнинг хаммаси умумэкологик тамойилларга мос ҳолда комплекс равишда ечилади. Шаҳарсозликнинг роли ва имкониятларини аниқлаш учун ҳамда аҳоли томонидан муҳитни ижтимоий баҳолаш учун ҳар бир позицияни деталлашган ҳолда кўриб чиқамиз.

*Муҳитни ҳаётга яроқлилиги* авваламбор жойнинг характеристикалари: макон параметрлари, иклимий шароитлар, жихозлар ва ободонлаштириш, «техноген иклим» билан белгиланади. Бу ерга маълум бир ҳаётий қулайликларнинг – сув, озиқ - овқат ва хоказоларнинг борлиги, уларни олиш имконияти жойни баҳолашга нафакат аҳоли жойлари туманлари ҳақидаги тушунчада (шимолжануб), балки шаҳарларга татбикан ҳам («Тошкент – нон шаҳри») амал қилади.

Бу тушунча аҳолининг регионал миграцияси жараёнларида аниқ амалга ошади. Шаҳар доирасида турли жойларни баҳолашдаги дифференциация ҳақида ҳам гапириш мумкин. Аҳоли хавонинг ифлосланганлиги, шовқин, зичлик, боғлар ва сув хавзаларининг мавжудлиги (нафакат дам олиш жойлари сифатида, балки умумий яшаш шароитларини яхшиловчи омил сифатида) ва бошқа характеристикаларни ҳам баҳолайди.

Мухитнинг табиий-иқлимий параметрлари шаҳарсозлик ечимларида жиддий коррективроқ қилинади (биз бу ерда иморатларда мухитнинг табиий параметрларини тўлиқ программалаш ҳақида тухталмаймиз). Микроиклимни ва ландшафтнинг бошқа характеристикаларини мақсадли тартибга солиш воситалари бўлиб: аҳоли жойларини жойлаштириш ва шаҳар ҳудудларини қисмларга бўлиш, кўча йўл тармогини режалаштириш, кўкаламзорларни режалаштириш ва таркиби, қурилмаларнинг усуллари ва турлари, ободонлаштириш характери хизмат қилади. Шаҳардан ташқаридаги дам олиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳудудларига татбиқан ландшафтларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий сифатларини такомиллаштириш вазифаларини комплекс ҳал этувчи ҳудудларни мелиорациялашнинг турли услублари ҳақида сўз боради.

Шаҳарсозлик *мухитнинг иқтисодий ресурсларини (имкониятларини)* шакллантиришда жиддий роль ўйнайди. Баъзан ўзаро муносабатларнинг иқтисодий тамонларини ва атроф-мухитни тасвирлаш учун «иқтисодий» ёки «ижтимоий- иқтисодий мухит» тушунчасидан фойдаланилади. Инсон экологиясининг бу бўлимида шаҳарсозликнинг роли шунингдек анча катта. Гап, биринчидан, шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босқичларида: шаҳардан то ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш регионал тизимигача ҳудудий ресурслардан рационал фойдаланиш ҳақида бораёпти. Бу соҳада шаҳарсозлик иқтисодий география билан ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга ердан фойдаланиш масалаларини комплекс ечиш лозимлиги, нафакат иқтисодий, балки кенг ижтимоий манфаатлар ҳамда табиатни кўриқлаш масалаларини кўшганда, лойиҳавий ишланмаларда айтилган масалаларни биргаликда кўриб чиқишни талаб қилади, бу эса шаҳарсозлик лойиҳалашнинг интеграция родини белгилайди.

Профессional ёндошувларнинг комплекслиги қабул қилинаётган ечимларнинг мутаносиблилигига эришиш имконини беради, бу эса аҳоли жойлашуви қисмларига, табиатни кўриқлашга зарарли таъсирларнинг олдини олади. Шундай қилиб инсон экологиясининг иқтисодий бўлимида шаҳарсозликнинг жиддий родини таъкидлаш мумкин.

Аҳоли жойлашуви тузилмаларини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоқларини, шаҳарлар ва регионал дам олиш қисимларини лойиҳалаб туриб, шаҳарсозлик *ижтимоий қайта ишлаб чиқаришнинг барча комплекс шароитларини* таъминлайди. Мақсадли дастур сифатида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари кўриб чиқилади. Фаолият технологиясини таъминлашдек мухитнинг иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини шакллантиришдаги лойиҳавий ёндошувида муайян ўхшашликни кўриш мумкин. Ижтимоий жараёнларнинг функционал-технологик параметрларига жавоб берувчи макон унинг берилган геометрик, типологик ва жихозланганлик параметрлари



билан шаклланади. Ишлаб чиқариш мухитини яратгандагидек, бу холда ҳам ечимнинг шаҳарсозлик воситаларига: функцияларни маконда ўзаро жойлашуви; функционал типологияларга мос келувчи бино ва иншоотлар қурилиши; шаклланаётган мухитни мухандисона таъминлаш қиради.

Аҳоли томонидан шаҳар мухитининг функционал қулайликларини баҳолаш ҳудуди турли характерли ва миқёсдаги индивид, оила, ижтимоий жамоа фаолият шароитларини баҳолагандек утилитар-амалий тавсифномаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади. Бунга ободонлашган турар жой ва хизмат кўрсатиш муассасаларини, меҳнат жойлари ободонлашган дам олиш қисмлари, транспорт йўл тармоклари ва бошқаларнинг мавжудлиги қиради. Бино ва комплексларда гап ташкил этилаётган функционал жараёнларни керакли жихозлаш, моддий таъминлаш ҳақида кетаяпти. Утилитар-амалий қиймат охироси барча соҳаларда-ишлаб чиқариш, маиший ҳаёт, ижтимоий-маданий истеъмол, мулоқотда фаолиятни рационал, эффектив ташкил этиш имкониятларини белгиловчи мухитнинг ресурс потенциали билан аниқланади.

Экологиянинг муҳим томон бўлиб инсоннинг психологик эҳтиёжларини ва унинг мухитдаги феъл-атворини ҳисобга олиш хизмат қилади. Меъморий-маконий мухит бу соҳада ҳам маълум шароитлар яратади. Лойиҳалашнинг бу томони функционал ёндошувни жиддий тулдиради. **Ижтимоий психологик қийматлар** индивиднинг (ижтимоий гуруҳнинг) узини ифодалаш ва мулоқотда, меҳнат ва ижтимоий қайта ишлаб чиқаришда ўзининг ижтимоий ва ҳаётий потенциалини амалга ошириш имкониятлари билан боғлиқ. Шаҳар, шаҳар мухити, «жой» бундай ўзини амалга оширишга ёрдам берувчи (ёки тўсқинлик қилувчи) маълум бир шароитларга эга. Энг умумий холда қуйидаги шароитларни айтиш мумкин: фаолият ва феъл-атворни танлашни таъминлаш учун мухитни керакли ресурсларининг мавжудлиги; уларни амалга ошириш учун тўсиқларнинг йўқлиги; эркин ҳаракат қилишга имкон берувчи жойни (йўналишни) билиш; мухит шароитларининг барқарорлиги, мустаҳкамлиги ҳиссининг мавжудлиги.

Феъл-атвор ва фаолият шаклини танлаш эркинлиги маълум даражада юқорида айтилган фаолиятнинг утилитар-амалий шароитларини қайтаради. Бу ерда, аммо, фаолият параметрлари ва мухит шароитларининг технологик мослиги мулоқот, дам олиш, харид қилиш жойлари, ҳаракат трассаларини танлашни амалга оширувчи субъект (инсон, гуруҳ) томонидан бу қийматни ҳис этиш билан тўлдирилади. Бу ҳис этиш жойнинг «кўп ахамиятлилиги» туғрисидаги тасаввурда, унинг кўп қиррали имкониятлар ва ҳолатлар билан боғлиқлигида қайд этилади, у туғрисидаги тасаввур ирода, хулқ-атвор эркинлиги билан ўхшаш акс этади. Қарама-қарши ҳолат хулқ-атвор пассивлигига «қидирув» ҳолатини истисно қилишга, охироси оқибат жойни паст баҳолашга, унга қатнамасликка олиб келувчи танловнинг йўқлигидир. Айтиш мумкинки фаолиятнинг кўп қиррали керакли ресурсларининг йўқлиги ижтимоий фаолиятнинг ташқи чекланишларини талаб этади.

Фаолиятнинг ва хулқ атворнинг кўп қиррали турларини амалга ошириш учун тусиқларнинг йўқлиги мухитнинг иккита тавсифномалари билан боғлиқ:

керакли ижтимоий назоратнинг мавжудлиги ва турли функционал жараёнларнинг керакли бўлиниши.

Яшаш мухотида *ижтимоий ва маконий йўналтириш имконияти* инсоннинг жиддий эҳтиёжи хисобланади. Яшаш мухоти инсоннинг шахсий маконини, унинг турар жойи, тумани, шаҳри, мамлакатини ўз ичига олувчи кўп босқичли тизим сифатида қабул қилинади. Хар бир иерархик босқичда ўз ҳаёт маконини қабул қилиш, мухит билан солиштириш - инсоннинг ижтимоий қулайликни хис этиши учун мухим асос ва шу билан бирга ҳудудда ижтимоий назорат ўтказиш учун асосдир.

*Ижтимоий назоратни* маконга «эгаллик қилувчи», вазифаси, ўлчамлари, таркиби бўйича турлича ижтимоий жамоалар амалга оширади. Булар туман аҳолиси, корхоналар меҳнат коллективлари, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, кучадаги пиёдалар оқими ва боқдаги дам олувчилар бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ назорат индивидуал ва оммавий, доимий ва вақтинча бўлиши мумкин. У интенсивлиги (тула эркинликдан халқ-атворни қаттиқ чеклашгача), таъсир доираси ва хоказолар бўйича бўлиниши мумкин. Адекват назоратнинг мавжудлиги ҳудудга злаштирилганлик, яшаладиган жой характерини беради. Қарши холда ёки жойлар, ёки омманинг бошқарилмайдиган оқими пайдо бўлади. Жойнинг қиймати иккита хол билан белқиланади. Биринчиси жойнинг хўжайини, эгаллик қилиш ва маъсуллик хисси билан, у барқарор ҳудудий фаолият жамоалари учун (мактаб, корхона), камроқ холда эса биргина ҳудуднинг ўзини истеъмолчи билан боғлиқ (уй-жойлар гуруҳлари) ҳудудий жамоалар учун характерлидир. Охирги холда ҳудуднинг қиймати аҳоли учун анчагина дифференциалланади, бу назоратнинг интенсивлиги билан боғлиқ.

Иккинчиси – тегишли назорат орқали таъминланадиган хавфсизлик, хотиржамлик хис этиш. Назоратнинг йўқлиги бўшлиқ, кўрқув, ишончсизлик тугдиради. Бунга мисол бўлиб турар жойларни йўқотаётган марказий қисм хизмат қилади.

Утмишнинг эволюцион шаклланган шаҳарсозлик тузилмаларида айтилган эҳтиёжлар барқарор маконий акс этган. Ўрта аср шарқ шаҳрида иерархик қарамлик ва ижтимоий назоратнинг катъий моделини, европа ва шарқ шаҳарларида аҳолининг касбий жойлашувини айтиш етарлидир. Шу билан бирга ҳозирги замон шаҳарсозлик назарияси бу соҳада уз вазифаларини факат охирги вақтларда белгиламоқда. Бу вазифалар яна шунинг учун англомоқдаки, бу ерда ҳам ҳудуд томонидан ижтимоий мансубликни, ундан кейин эса ижтимоий назоратни йўқотиш билан боғлиқ жиддий экологик йўқотишлар билиниб қолмоқда. Масалан, инсон уйдан туппа-тўғри шаҳарга боради, бунда у ўзи учун турар жойнинг мухим элементи ўзлаштирилмаган ҳудудни ҳамда ижтимоий мухитнинг мухим элементи - қўшничиликни йўқотади. Атроф-мухитни бундай анонимлиги унинг меъморий беухшовлиги, бир хиллиги билан боғлиқ: мухитни ижтимоий мансублиги доимо унинг семантик аниқлилиги, характерлилиги билан кузатилади. Замонавий кўп қаватли турар жой массивларининг семантикаси яшовчиларга нисбатан кўпроқ қурилиш базаси туғрисида гапиради. Бугун худди шунинг учун ижтимоий назорат ва ва маконий қисмлар ўзига хослиги йўллари қидириб, яшовчиларнинг ташаббусига кўпроқ мурожаат қилин-

моқда. Аммо архитектор-шаўарсознинг бу соҳадаги роли хали тугамаган, у профессионал ёндашувларни кенгайтиришни, яшовчиларнинг ўзига хослигини ҳисобга олишни, маконий ажратиш шакллари ва муҳитнинг мансублигини «белгилашни» талаб қилади.

Охирги йилларда экологик билимлар ўзанида *тарихий-маданий ёдгорликларни кўриқлаш муаммолари* кўриб чиқилади. Бу инсон экологиясининг алоҳида бўлими бўлиб, нафақат табиий, балки антропоген муҳитдаги жиддий йўқотишларни англаш натижасида пайдо бўлган. Ва, табиийки, бу муаммолар авваломбор бизни реал ўраб турган муҳитнинг қисми бўлган (моддий маданиятнинг бошқа қисмларидан фаркли) меъморий-шаҳарсозлик ёдгорликларига қаратилган. Муаммони ечишнинг шаҳарсозлик воситалари бўлиб: тарихий-маданий (шунингдек меъморий-шаҳарсозлик) аҳмиятга эга ёдгорликлар ва ҳудудларни ажратиш; бу қисмларда қурилишни чеклаш; шаклланган шаҳарсозлик тузилмаларини ва шаҳарсозлик композициясини ҳисобга олиш; маданий ёдгорликлардан рационал фойдаланиш ва мувофиқ мосламок хизмат қилади. Тарихан қимматли шаҳар муҳитини кўриқлаш билан бирга бугунги кунда шаҳарсозлик регионнинг ижтимоий-маданий ва табиий компонентлар бирлигида шаклланган тарихий-маданий ландшафтларини кўриқлашга мурожаат этади.

Бу янги йўналиш меъморий-шаҳарсозлик фаолияти ўзанида атроф муҳитни куриқлашнинг алоҳида бўлими сифатида ривожланипти, бугун хали формал шаҳарсозлик экологиясига кирмаган, аммо унга узвий ёндошади. Инсон экологиясида у доимий эволюционлашган табиий-антропоген умуминсоний эҳтиёжлари талабларига жавоб берувчи тарихий хотирани сақлаш каби жиддий томонни шакллантиради. Инсон экологиясида моддий маданият ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда тилларни сақлаш, манаъвий маданият анъаналарини, адабиёт, музыка, одатларни сақлаш вазифалари пайдо бўлади, у меъморий-шаҳарсозлик тадбирларини анча кенг маданий контекстга қўшади.

Шаҳар муҳити эстетик қиймати йўналиши ва баҳолаш асослари бўйича мустақил соҳани ташкил этади. Аммо у баҳолашнинг бошқа турлари билан узвий боғлиқлиги билан фарқланади. Шаҳарни эстетик баҳолашнинг ўзи эстетиканинг барча бошқа соҳалардан ўзининг мурракаб таркибий тузилиши билан фарқланади ва:

- меъморий асарларни бадиий баҳолашни;
- асарларни контекстда ва муҳит контексти билан бирга баҳолашни;
- муҳитни табиий-маданий ландшафт сифатида баҳолашни;
- шаҳарни (жойни) эстетик образли тассавур этишни ўз ичига олади.

Бу ерда мазмуни бўйича турлича бўлган «блоклар» биргаликда келиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мурракаб жараённи - санъат асарларини ёки табиий ландшафтни ёки бир қатор эстетик ходисаларнинг йигма образини шакллантиришни акс эттиради.

Таъкидлаш лозимки, бу «блоклар»нинг ҳар бири етишув актида мустақил бўлиб, зига хос эстетик муносабатларни аниқлашга йўналтирилгандир. Бунда бирламчи таасуротлар муҳитнинг эстетик таасуротларига анча чуқур етишувга материал туплайди. Яъни алоҳида иншоот уйғунлигини қабул қилиш уни шаҳар

мухити контекстида «ўқиш»нинг асосидир. Шаҳар «суратини» ўзлаштириш у туғрисида умумий образли тасаввур тузиш имконини беради.

Мухитнинг эстетик сифатлари – инсоннинг атроф - табиий ва антропоген мухит билан экологик муносабатларининг керакли тузувчисидир. Архитектура ва шаҳарсозлик эстетик тулоконли мухит яратишга, табиий ландшафтнинг эстетик потенциалларини ҳисобга олиш ва фойдаланишга йўналтирилган ва бу масалани комплекс ҳал этувчи асосий фанлардирлар. Бугун бу планда нарсаларнинг бадиий тизимини шакллантирувчи дизайннинг ҳам, хусусан шаҳар дизайннинг роли ўсиб бормоқда. Шаҳар қурилиши учун принципал янги вазифа бўлиб регионал босқичда ландшафтлар эстетикасини (табиий ва антропоген) сақлаш ва тиклаш хизмат қилади. Шаҳарсозлик – барча ҳудудий босқичларда мухит эстетикаси муаммосини куя оладиган ва бир вақтнинг ўзида барча босқичларда лойиҳалашнинг бадиий – ижодий усулларида фойдаланиб, еча оладиган ягона фандир.

Ижтимоий экологик тадқиқотларнинг муҳим томони бўлиб *аҳоли томонидан шаҳар мухитининг сифат ва имкониятларини баҳолашни таҳлил этиши* хизмат қилади. Шаҳар мухити, шаҳардаги турли жойлар аҳоли ва умуман шаҳар ҳамжамияти томонидан ёйилган кийматлар тизимида қабул қилинади. Баҳолаш хулқ-атворда: у ёки бу жойларга бориш, яшаш жойини танлашда амалга ошади. Бундай йигинди баҳоларни (утилитар-амалий ёки иқтисодий) миқдор кўрсаткичларида ёзиб бўлмайди. Шунга қарамадан, умумий баҳоларни билиш шаҳар ва унинг элементларини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича шаҳарсозлик ечимларини қабул қилиш учун жуда муҳимдир. Шунинг учун баҳоларни аниқлаш учун аҳолининг шаҳардаги юриш-туриши бўйича кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, турар жой майдонини алмаштириш статистикаси аҳолининг турли турар жой ҳудудларини баҳолашдаги маъқул кўришини тавсифлайди; транспорт статистикаси транспорт турларини, маршрутларни танлашдаги афзал кўриш ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Аҳолининг шаҳар мухитини умумий баҳолашини ҳамда уларнинг шаҳарда йўналиш олиш имкониятларини аниқлаш учун аҳолининг шаҳар тўғрисидаги тасаввурини тавсифлайдиган ўрганиладиган хариталардан фойдаланилади.

Инсон экологияси муаммоларини ечишда шаҳарсозлик, ўзининг барча бўлимлари билан қатнашиб, шу билан бирга ўз билимлари корпусида алоҳида *шаҳарсозлик экологияси* булимини ажратади. Бу булимнинг мазмуни *атроф-мухитни қўриқлаш* вазифалари билан белғиланади. Шундай қилиб сохалар аниқ ажратилади: биринчиси - ҳудудий лойиҳалаш, қўрилиш ва инженерлик таъминоти воситалари билан мухитни мақсадли шакллантириш ва иккинчиси – бу мақсадли фаолият билан боғлиқ негатив оқибатларни тугатиш. Шаҳарсозлик экологияси шу соҳанинг иккинчисига тааллуқли билимларни бирлаштиради. У табиатни муҳофазалаш, мухитнинг санитар-гигиеник сифатларини қўриқлаш ва такомиллаштириш бўлимларини ўз ичига олади, ҳозирда унга тарихий-маданий ёдгорликларни қўриқлаш масалалари ҳам қарайди. Шаҳарсозлик экологияси, шундай қилиб, «узини назорат қилиш» - шаҳарсозлик ечимларини қабул қилишни чекловчи блокни шакллантиради. Бу ўзини назорат қилиш касбий фаолиятининг кузда тутилмаган негатив оқибатларини англаш натижасида пайдо

бўлади. Шаҳарсозлик экологияси булимларининг келажакдаги ривожланиши мухитга фаол қайта ишлаб чиқариш ёндошуви вазифалари билан белгиланади. Хар қандай кўриқлаш тадбирлари табиий ва антропоген мухит элементларини қайта тиклаш, қайта ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлиқ. Бу ҳолат табиатни қайта тиклашга кулланилганда айниқса муҳим. Экологик мақсадга мувофиқ ечимлар табиий ландшафтга антропоген таъсирлар босимини чеклаш, камайтириш чоралари билан кифояланиб қолмаслиги лозим. Улар албатта табиий ва табиий-антропоген ландшафтларни динамик қайта ишлаб чиқариш бўйича тадбирларни ўз ичига олмоғи лозим. Табиатни қайта ишлаб чиқарувчи халқ хўжалигининг энг муҳим соҳаси сифатидаги масала янада кенг куйилмоқда. Бугун шаҳарсозлик экологияси табиатни куриқлаш лойиҳалари, шаҳарларнинг аҳоли яшовчи қисмлари ва табиий кўриқхоналарни ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндиларидан химоялаш билан чекланиб, худди шу конструктив булимларни буш ишлаб чиқаяпти. Шаҳарсозлик экологиясининг анча фаол позицияга ўтиши унинг вазифаларини шаҳарсозликнинг бошқа бўлимлари вазифалари билан яқинлашувига олиб келади. Бундай интеграция бугунги куннинг ўзига регионал аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштириш тузилмаларини **табиатни кўриқлаш худудуий комплекс тузилмалари** билан бирлаштириш бўйича таклифларда кўзга тутилган. Бошқа мисол: микроиклимни тартибга солиш, худудни шовқиндан ва хаво хавзасини ифлосланганликдан куриқлаш масалаларини комплекс ечиш лозим.

Шундай қилиб, инсон экологиясининг кўп қиррали – ижтмий-иқтисодий, биологик, психологик, маълум маънода - этик ва эстетик муаммоларини ечишда шаҳарсозликнинг фаол ролини куриш мумкин. Инсон экологияси йўналиш ва дастурларини ишлаб чиқишда соҳалараро алоқалар интеграциясида ва бу комплекс асосида қабул қилинадиган ечимлар конструктивлигида шаҳарсозликнинг етакчи ролини ҳисобга олиш лозим.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

10. Шаҳарсозлик қандай экологик муаммоларни ечишда қатнашади?
11. Мухитнинг ҳаётга яроқлилигини қандай асосий тавсифномалар белгилайди?
12. Мухитнинг ресурсларини шакллантиришда шаҳарсозликнинг қандай роли бор?
13. Шаҳарсозлик ижтмий қайта ишлаб чиқариш комплекс шароитларини қандай қилиб таъминлайди?
14. Яшаш мухитининг ижтмий-психологик комфорти шаҳарсозлик воситалари билан қандай таъминланади?
15. Мухитда ижтмий-мақоний йўналтириш ва ижтмий назорат деганда нима тушунаси?
16. Тарихий-маданый ёдгорликларни кўриқлаш муаммоларини экологик билимлар ўзанида Сиз қандай баҳолайсиз?
17. Шаҳар мухитининг эстетик қиймати нималардан иборат?

18. Экологик муаммолар умумий тизимида шаҳарсозлик экологияси булимининг мазмуни нималардан иборат?

### 6.3. Шаҳарсозликда экологик ёндошувлар.

Шаҳарсозликнинг ривожланишида (бошқа фанлар каторидагидек) экологик муаммоларнинг долзарблиги каторида экологик ёндашувларни қўллаш маълум роль ўйнайди. *Экологик ёндошув* ҳар қандай объектни унинг муҳит билан муносабатларини тадқиқотчилик нуқтаи назаридан кўриб чиқишдан иборатдир. Экологик ёндошув кўриб чиқиш услубини белгилайди ва нафақат инсон экологияси, балки ҳар қандай объектни муҳитда кўриб чиқишга ҳам таллуқлидир. Бу маънода ундан фойдланиш инсон экологияси, биологик экология ва бошқа экологик соҳалардан кенгрокдир. Экологик ёндошув тадқиқотчилик предмети янги конструкциясига: «муҳитдаги объект (субъект)», «муҳит экологик ёндошувларга» кўра бир қатор янги тадқиқотчилик имкониятларини очади. Бу бўлимда шаҳарсозликда экологик ёндошувларни қўллаш билан очиладиган баъзи бир янги позициялар кўрсатилади.

Экологик ёндошувнинг қўйидаги хусусиятларини айтиб ўтиш мумкин:

- ходисаларни «объект муҳит» комплекс муносабатларини амалга ошириши сифатида кўриб чиқилади; бу муносабат нафақат инсон экологияси доирасида, балки «маданий муҳитдаги объект», антропоген муҳитдаги табиий объект ва бошқалар қаби алоқаларни ҳам кўриб чиқиш лозим;
- кўриб чиқиладиган «объект-муҳит» муносабатлари танлаб олиш билан тавсифланади ва «қизиқиш (эҳтиёж) – имконият» схемаси бўйича амалга ошади;
- муҳит «кўрилган» босқичлар иерархияси сифатида тасаввур этилади, уларнинг ҳар бири тенг даражада уз имкониятларини объектга очадилар (системали ёндошувдаги нисбатан мустақил босқичлардан фаркли);
- муҳитда объект ҳаракатини муҳит ҳолати ва таркибининг ўзгариши сифатида кўриб чиқиш;
- муҳитни унинг табиий ривожланиш диамикасида кўриб чиқиш.

Муҳит ёндошувининг бу ва бир қатор позициялари анаънавий кўриладиган ходисаларни янгича кўриш ва билимлар доирасини тегишлича кенгайтириш имконини беради.

Шаҳарсозлик муҳитни худди турар жой кварталидан регионал ва глобал аҳоли жойлашуви тизимигача булган иерархик босқичлар сифатида шакллантиради. Бу иерархия лойиҳалаш босқичлари ва ечиладиган масалалар (вазифалар) тегишли доираси билан мустаҳкамланади. Экологик ёндошувлардан фойдаланиш шаҳарсозлик иерархиясини яхлит муҳитини шакллантирувчи «кўрилган» босқичлар тизими сифаида янгича тасаввур этиш имконини беради, унда барча ресурслар ва имкониятлар иерархияси уйғунлашади. Шунга кўра «субъект-муҳит» муносабатлари маълум иерархик горизонт билан чекланмасдан, балки субъектнинг кизиқишлари барча йиғиндисидан иборат бўлиб, муҳитнинг барча имкониятлари билан муносабатда булади. Бунда тадқиқотчилик

вазифасининг қўйилиши иерархик босқичлар билан эмас, балки субъектнинг истеъмолчилиги кизиқишлари танлови билан чегараланади.

Экологик ёндошувлардан фойдаланиш **табиатни кўриқлаш вазифалари иерархияси** тўғрисидаги тасаввурга маълум бир коррективлар киргизади. Махаллий тизимларнинг анча мураккаб юқори ҳудудий босқичлар тизимига иерархик қурилгани тўғрисидаги умумий тасаввурга жавоб берувчи табиий ландшафт элементарини ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим. Бундай ёндошув вертикал бўйича табиатни кўриқлашни ягона дастурини шакллантиришни назарда тутаяди. Бу ҳолда шаҳар табиий компонентлари тизимини регионал, мамлакат ягона табиий каркаси тузувчилари сифатида қаромақ лозим. Шунинг учун регионал табиатни куриқлаш ва қайта тиклаш (у ерда экологик мувозанатни сақлаш вазифалари қўйилади), шаҳар ва агломерация учун (у ерда ландшафт табиий компонентларини қисман қайта ишлаб чиқариш масаласи қўйилади) муаммоларни бўлиш мумкин эмас. Табиий каркасни элементлари табиий комплексларининг деградацияси бўйича эмас балки табиий қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг табиийлиги даражаси бўйича ажратиладиган ягона ҳудудий тизим сифатида тасаввур этмок лозим. Табиий каркасда модда, энергия ва информациянинг ҳудудий қайта тақсимланиши ва алмашуви тизими ҳам ягонадир, у турли ҳудудий босқичларда ва ўзаро боғлиқ аҳоли жойлашуви туманлари тизимини лойиҳалашда ўзаро боғлиқликни талаб қилади.

«Инсон-табиат» муносабатларини вақт давомида кўриб чиқиш лозимлиги ишлаб чиқаришни куриб чиқиш концепцияларини тулдиришни назарда тутаяди. Шаҳарсозликда экологик ёндошувлар жуда сермахсул бўлиши мумкин ва бир қатор янги касбий нуқтаи назар тўғрисида гапириш мумкин, уларга қуйидагилар қиради:

7. «Шаклландиган» объектдан «кўриқландиган» объект сифатида шаҳарни табиатга қарама-қарши қўйишдан табиий-антропоген муҳитни комплекс қайта ишлаб чиқариш позициясига утиш;
8. Табиий-антропоген муҳит муаммоларини барча босқичларда то глобал даражагача яхлит кўриб чиқиш, бу янги сиёсий, дунёқараш ёндошувлар лозимлигини белгилайди;
9. Муҳитни инсон ҳаёт фаолиятида танлаб фойдаландиган ягона имкониятлар тизими сифатида тушуниш. Бу содда тушуниладиган ресурс табиатдан фойдаланиш ва хужалиқни жойлаштиришдан ижтмоий манфаатларни кенг комплексини ҳисобга олувчи комплекс ва бикир дастурларга утишни талаб қилади;
10. Муҳит босқичларининг «қўрилганлиги» тўғрисидаги тасаввур лойиҳалаш босқичлари орасида анча мазмунли алоқалар кераклигини белгилайди, лойиҳалаш юқори босқичлари дастурларига бугун ечиладиган анча детал ишланмалардаги масалаларнинг қўшилиши ва тесқариси, шаҳарлар ва аҳоли жойлашуви туманларининг алоҳида элементларидаги ўзгаришлар таъсирида юқори босқичлардаги ечимларнинг катта ҳаракатчанлиги;
11. Шаҳарсозлик лойиҳалашда шаҳарсозлик ландшафтлари табиий ва антропоген элементлари муносабатларининг тикланиш динамикаси ва келажак эволюцион ривожланишини ҳисобга олиш лозимлиги;

12. Лойиҳалашда мухит тугрисида турли хил ландшафтларнинг маконий мозаикаси ҳақида эмас, балки имкониятларнинг янги таркиби тўқрисида экологик тасаввурларни ҳисобга олиш. Бу ҳудуни бир хил туманлаштириш тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш ва мухит фрагменти тўғрисида «кўп қаватли» тасаввурнинг мақсадга мувофиқлигига олиб келади. Экологик ёндошувлар касбий онга энди татбиқ этилаёпти, шунинг учун бу ерда белгиланган йўналишлар конкрет аммалий вазифалардан кўра, кўпроқ ёндошувлар ривожланишининг умумий тенденциясини тавсифлайди. Уларни қўйиш учун анча детал ишланмалар лозим.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

6. Шаҳарсозликда экологик ёндошув нимани билдиради?
7. Шаҳарсозликда экологик ёндошув хусусиятларини айтиб беринг?
8. Атроф-мухит босқичларининг иерархиялиги нимада билинади?
9. Табиатни кўриқлаш вазифаларининг иерархияси тўғрисида сўзлаб беринг.
10. Шаҳарсозликда экологик ёндошувнинг қандай асосий касбий нуқтаи назарларини биласиз?

## **АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий :**

1. Бакирханов Ф.Ф., Турсунов Х.К., Градостроительный потенциал регионального расселения. ТАКИ, 2001.
2. КМК 2-07.01-94 Градостроительство. Планировка и застройка городских сельских поселений Т., 1994
3. КМК 1.03.02-96 Инструкция о составе, порядке разработки, согласования и утверждения схем и проектов районной планировки, планировки и застройки городов, городских поселков и сельских населенных пунктов. Т., 1996
4. Латипов Д.В., Мирзаев М.К. Узбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари. Ўқув қўлланма. Т., ТАКИ, 2000
5. Турсунов Х.К. Градостроительные основы развития систем населенных мест Республики Узбекистан (теоретические предпосылки и методология проектирования). Автореферат дис. док. архитектурѳ Т., 1999



6. Яргина З.Н. Учебное пособие по социологии градостроительства, М, Стройиздат, 1980

**Кўшимча:**

7. Глазўчев В.Л. Социально-экологическая интерпретация городской среды М, 1984  
8. Город. Проблемы социального развития Л, 1982  
9. Как провести социологическое исследование. М, 1985  
10. Социальное проектирование. Минск, 1982

**М у н д а р е ж а**

**Сўз боши** .....

**Биринчи** **Меъморий лойиҳалашнинг ижтимоий асослари тўғри-**  
**қисим.** **сида умумий маълумот.** .....

**I боб** **Ижтимоий тузилмлар ва жараёнлар** .....

1.1. Ижтимоий тузилмлар .....

1.2. Ижтимоий жараёнлар .....

**II боб** **Жамият ҳаёт фаолияти тавсифи шаҳарсозлик ечимла-**  
**рининг асоси сифатида** .....

2.1. Фаолиятнинг реал шакллари .....

2.2. Мухитни маконий ташкил этишда ижтимоий алмашувнинг  
(мулоқот) роли .....

<b>Иккинчи қисм.</b>	<b>Шаҳарсозлик объектларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари .....</b>
<b>III боб</b>	<b>Юқори босқичдаги шаҳарсозлик объектлари.. ... ..</b>
3.1.	Ўзбекистон ҳудудида бош аҳоли жойлашуви тузилмаси .. .. .....
3.2.	Туманни режалаштириш объектлари .. .. .
<b>IV боб</b>	<b>Шаҳар ва қишлоқ жойларни лойиҳалаш .. .. .</b>
4.1.	Шаҳарни лойиҳалашнинг ижтимоий асослари.. ..
4.2.	Қишлоқ аҳоли жойларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари .. .. .
<b>V боб</b>	<b>Шаҳар элементларини лойиҳалаш. ....</b>
5.1.	Турар жой муҳити .. .. .
5.2.	Маданий – маиший хизмат кўрсатиш тизими.. ..
5.3.	Дам олиш қисмлари ва комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий асослари... .. .
5.4.	Ишлаб чиқариш объектлари. ....
<b>VI боб</b>	<b>Атроф муҳитни шакллантиришда шаҳарсозликнинг роли .. .. .</b>
6.1.	Шаҳарсозликнинг экологик билимлар тизимидаги ўрни .. .. .
6.2.	Ҳаёт фаолияти муҳитини ижтимоий баҳолаш ва уни шакллантиришда шаҳарсозликнинг роли .. .. .
6.3.	Шаҳарсозликда экологик ёдошувлар .. .. .
	<b>Адабиётлар .. .. .</b>